Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил. 25 феврал | 8 (89)- сон

ФАЙЗЛИ МАМЛАКАТ, файзли шаҳар, файзли одам, файзли ҳовли, файзли уй деймиз. Шунда файз деганда нимани тушунамиз ва нималарни англатмоқчи бўламиз. Файз ўзи нимадан ҳосил бўлади? Ниманинг натижаси? Файз ўз-ўзидан, қараб ўтирган билан пайдо бўлиб қоладими ёки унинг учун одам жон-жаҳди билан ҳаракат қилиши керакми? Мамлакатимиз раҳбари сўзлаганларида ҳар қачон қайси мураккаб масала ёки муаммо бўлмасин, уни ечиш йўлларини ўйлар, таҳлил этаркан, гапнинг маъноси, мазмунини файзга боғлайдилар. Яшашдан мурод нима? — деган инсон учун энг катта саволга жавоб ахтаргандай бўладилар. Яқинда Фарғона вилоятида сўзлаганда ҳам, шундай саволларни қўйдилар. Одамсиз файз йўқ. Файз ободлик ҳамда фаровонликнинг бир белгиси. Сифати. Жавҳари.

Куни кеча йўлимиз Навоийга тушиб, шаҳарга кираверишда кўп жойларни эгаллаган улкан корхонага кўзимиз тушди. Шаҳарга шу корхонани айланиб ўтиб кириб борилади. Корхона атрофини улкан қувурлар ўраб олган. Уларнинг устига ўралган муҳофаза қопламалари чириб тўзғиб ётади. Корхона корпусларига кўп йиллардан бери қаралмаган. Улар қаровсизликдан унсиз фарёд чекиб ётадилар. Чириб, увалониб, тўкилиб, бузилиб бормоқда. Юрагим зирқираб кузатаман. Ҳамроҳим:

— Яқинда бошлиғини ишдан олишди. Азот заводи... — деди.

Азот заводининг ён-веридан кунда неча минглаб машиналар ўтади. Ҳокимлар ҳам, фуқаролар ҳам ўтишади. Йўлга ҳам чамаси қурилгандан буён қаралмаган. Тўзонли уйдим-чуқурлар. Эскириб, далва-далва бўлиб кетган газета саҳифаларига ўхшайди. Мустақиллик шарофати билан қанчадан қанча одамлар «Волга»дан «Мерседес»ларга миндилар. Бир қаватли уйларини тўрт қават қилдилар. Фарзандларни ҳам «Тойота»ларга миндириб қўйдилар. Лекин бу йўл, бу корхона ўз ҳолича қолган. Файз нимадан ҳосил бўлади ахир? Қаерда бу ернинг одамлари?

БИЗ БОЙЛИКЛАРИМИЗНИ ҚАНДАЙ ТАСАРРУФ ЭТАМИЗ?

Бир йили юмушлар билан Зафаробод деган шаҳарга боришга тўғри келди. Ярим чўл, ярим саҳродан ўтиб узоқдан кўҳна нураган ясси тоғ этакларида оппоқ бу шаҳарчани кўриб томоша қилиб бордим ва у менга олисдан фусункор мўъжиза бўлиб туюлди. Одам боласи нималар қилмайди ва нималарга қодир эмас? — деб ўй-ўйлаб бордим. Шаҳарга кириб бориб унинг кўчаларини кезиб кўрдим, жуда ораста, шинам, замонавий. Сув йўқ. Лекин чўмилиш учун ажойиб бассейн барпо этилган. Ҳатто хизматчилар ундамунда чорбоғчалар ҳам қуриб, яратиб улгуришган, лекин боқчалардаги дарахтлар пастак, қаровсиз ва кўпроқ, чакалак, тўқай бўлиб ётарди. Ўз даврида жуда шуҳрат қозонган, фаровонликка эришган шаҳарча...

Уйлар қурилган: тасанно, қойил. Йўлкалар солинган: тасанно, қойил. Ресторан, кино, клублар: тасанно, қойил. Турли миллат кишилари аҳил яшашади: тасанно, қойил.

Лекин нимадир етишмайди. Бир соат юрмасдан одам зерика бошлайди. Кейин ўзингизни қўярга жой тополмайсиз. Балки бу ерда ишлаб, ўр-

ганиб кетган одамларга билинмас. Лекин четдан борган одам дарров сезади. Ўшанда менга бу ердаги одамлар омонат яшаб, ишлаётган кишилардай туюлган эди. Биноларга қаровсизлик шарпаси урган, сув қувурлари занглаб чиришга кирган, уларнинг устига ўралган қопламалари, тўзғиб, очилиб хунук ва нохуш бир манзара ҳосил қилган эди. Кўп уйлар ташлаб кетилганга ўхшарди.

Сиз ҳам эски замонларда қурилган корхоналар атрофлари, уларнинг улкан хўжалик ҳовлиларида шундай ажойиб-ғаройиб қувурларга кўп дуч келгансиз. Корхона қурилган йилларда улар мустаҳкам қопламалар билан ўраб ташланган. Лекин мана, орадан неча ўн йиллар ўтиб қопламалар чириган, тўзиган, йиртилган, ёрилган, бузилган, оқиб ётади... Қараган сайин юрагингиз қисилади. Нега қурдилар? Нега ташлаб қўйдилар? Бу корхоналарнинг эгаси йўқми? Ахир улар халқнинг, давлатнинг мулки, бойлиги эмасми?

Мутахассислардан сўрасангиз, янгилаш керак, куч етмайди, маблағ йўқ, одамлар етишмайди, у йўқ-бу йўқ, хом ашё палон ерда, харидор пистон ерда... хуллас, ялқов ва ношуднинг эскидан қолган туганмас, бош-кети йўқ баҳоналари...

Бу кимё корхонаси қурилган йилларда жойларда кадр йўқ, деб жуда қимматга чеккадан одамлар келтирилди. Орадан ўн йиллар ўтиб борди. Лекин йигирма йил ўтса ҳам, четдан келадиган мутахассисларга боғланиб, қарам бўлиб ўтиришликни нима деб аташ мумкин? Бу ўта ғайритабиий ҳодисани нима билан изоҳлаш керак? Ахир бу ердаги туман ва шаҳарларда ортиқча ишчи кучлари сероблиги ҳеч кимга сир эмас. Ярим иш билан таъминланганлар ундан ҳам кўп. Хўп. Шунча йиллардан бери нега шу кимё корхонаси учун шу ернинг ёшлари, шу ернинг аҳолисидан мутахассислар, ходимлар, хизматчилар, ишчилар тайёрланмади?

Нега ишчилар, хизматчилар тайёрланмади?

Четдан келган одам шартнома асосида ишлайди. Муддати тугагач, уни ҳеч ким, ҳеч нарса бу ерда ушлаб туролмайди. У хоҳлаган ерига кетишга ҳақли. Қаерда яхши ҳақ тўласалар, яхши шароит яратиб берсалар, ўша ерда ишлайди. Шу ернинг ўзидан тайёрланган ходим, хизматчи, техник, ишчи эса, бошқа ернинг бойлигига учмайди. Аввало, шу ернинг равнақини кўзлайди. Шу ерда илдиз отиб, туп ёзиш, палак отишни кўзлайди. Мамлакатда шу мамлакат эҳтиёжлари учун етиштирилган, тарбияланган, таълим олган ходим, хизматчи, техник — бу бебаҳо миллий бойлик. Мана, чет элларнинг ишбилармонлари билан биргаликда қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Асака тажрибаси жуда улуғ бир йўлни тамомила равшан кўрсатди. Ҳар қандай янги корхона қурилиши — шу ернинг ўзидан мутахассислар етиштириш билан биргаликда, бир-биридан ажралмаган ҳолда олиб борилиши керак экан. Ва шундай қилинганда, корхона дарҳол равнақ йўлига киради. Шундай қилинганда, унинг қувурлари ўн йил-йигирма йилда ҳам занг босмайди, техникаси доимо янгиланиб боради, улкан майдонларни эгаллаган хўжалик ҳовлилари ўта хунук ва даҳшатли манзаралар ҳосил қилмайди. Бунда ахлатлар ва чиқиндилардан тоғлар яратилмайди. Бунда одамлар завқланиб ишлайдилар. Ҳамма нарсаларга завқ ва фаросат кўзлари билан боқадилар. Ҳамма нарсаларни тинимсиз янгилаб борадилар.

Ўзбекистонда ўтган замонларда қурилган ва бугун чалажон бўлиб ишлаётган ёки ишламаётган, атрофи харобазор бўлиб ётган, ҳар жиҳатдан эскирган, яроқсиз ҳолга келган барча корхоналарнинг аҳволини синчиклаб ўрганадиган, улар таназзулининг туб сабабларини миридан сиригача ўрганадиган, аниқлайдиган пайт етган. Шу эскирган корхоналар агар мамлакатимиз иқтисоди, хўжалиги учун ҳақиқатан ҳам зарур бўлса, уларни энг илғор технологиялар асосида замонавий таъмирлаш ҳамда ишга тўла маънода тушириш қанчага тушиши, қачон тушиши ва қандай тушиши тўла ҳажмда белгиланиши зарур. Ва ниҳоят уларга қанча хизматчи, техник, ишчи керак — уларни етиштириш чоралари ишлаб чиқилиши, мамлакат ва давлат миқёсида ҳал этилиши зарур.

Қаерда бўлмасин, миллий бойликларимизнинг занг босиб, чириб, бузилиб ётишига эндиликда асло йўл қўймайлик. Темирнинг занги қалбнинг занг босишидан бошланишини ҳеч қачон унутмайлик.

Иброҳим **ҒАФУРОВ**

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

НАВОИЙДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

19 феврал куни Навоий шаҳрида вилоят Миллий тикланиш демократик партияси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда партия фаолиятини жонлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Вилоятдаги тикланиш, ўзгариш, ҳар томонлама янгиланиш жараёнларида Миллий тикланиш партиясининг ўз ўрни, ўз муносиб ҳиссаси, таъсир қобилияти бўлиши зарур. Партия ўз иши, қарашлари, сиёсий, ижтимоий, маърифий-маънавий фаоллиги билан кишилар ишончини қозонадиган паллага кирмоқда. Юксалиш, тикланиш эса фақат амалий ишларда, ҳар бир партия аъзосининг иши, хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Ислом Худойқулов, Йўлдош Сафаров, Толмас Жўраев, Эгамовлар ана шулар ҳақида сўзладилар.

Фаоллар йиғилишида ташкилий масала ҳам кўрилди. Вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Муҳаммаджон Эсонов Навоий вилоят партия кенгашининг раиси қилиб сайланди. У Миллий тикланиш партиясини тузишда фаол қатнашган. 1958 йилда туғилган.

Йиғилишда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг раиси Иброҳим Ғафуров иштирок этди.

НАВРЎЗГА ТАЙЁРГАРЛИК

Яқинда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг раёсати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар туман ташкилотлари ҳайъати раислари, шаҳар таълими ва фан касаба уюшмалари раислари, Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ходимлари иштирок этдилар. Раёсатда Тошкент шаҳар, МТДП ташкилотининг раиси И. Абдуғаниев 1997 йилда Наврўз байрамини кутиб олиш масаласида партия ташкилотининг касаба уюшмалари, маҳалла қўмиталари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борадиган ишлари ҳақида гапирди. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати ҳузурида тузилган «Миллий наво» камер оркестри, «Беш чолғу» жамоаси Наврўз байрами учун тайёрлаган дастуридан намуналар ижро этдилар.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Марказий ҳайъати раисининг ўринбосари Тошпўлат Тошлонов иштирок этди ва Марказий ҳайъатда олиб борилаётган ишлар, партиянинг янги билетларини тайёрлаш жараёни ҳақида сўзлади.

«ИНСОН КАМОЛОТИ» МАЪНАВИЯТ УНИВЕРСИТЕТИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим Маркази қошида «Инсон камолоти» маънавият университети иш бошлади. Мазкур жамоатчилик университетининг ректори этиб Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати раисининг ўринбосари фалсафа фанлари доктори, профессор Тошпўлат Тошлонов тайинланди. Университет машғулотлари ҳар ойда бир марта ўтади. Унда республикамизнинг таниқли олимлари, санъаткорлари, ёзувчи-шоирлари, хизмат кўрсатган ўқитувчилар маънавият, маърифат, ахлоқ-одоб, ватан туйғуси, миллий истиқлол мафкураси ва бошқа масалалар ҳақида маърузалар қиладилар.

ТАРИХИМИЗ ЧЕТАНИНИ ЯРАТАЙЛИК

ШАКЛЛАНИШИМИЗ ПОҒОНАЛАРИ

(Тарихимиз занжири)

ТАҲРИРИЯТДАН:

Қўчқор акамиз одатдаги хушилтифот табассум билан мақолани олдимизга қўйдилар. Биз дарҳол сарлавҳасига кўз югуртирдик. «Тарихимиз четанини яратайлик!». Ажаб, кутилмаган гап ва кутилмаган сарлавҳа! Биз домлага саволомуз қарадик. Домла «четан» сўзига биз сўрамасак ҳам, изоҳ бера бошладилар. «Ёшлигимизда шундай араваларни кўрганмиз ва минганмиз. Четан арава дейиларди. Пахта, қовун-тарвузга ўхшаш осон сочиладиган нарсаларни боғдорлар ва деҳқон боболар кўрғонларга ё шаҳар бозорларига шундай четан араваларда ташир эдилар. Араванинг усти тол ва тутнинг пишиқ навдаларидан четан олиб ўраларди. Четан аравага жуда кўп қовун-тарвуз, мева-чева кетарди. Уринтирмай, тўзитмай, эздирмай кўрғонга ташиб олинарди. Жуда йиғинчоқ ва қулай нарса четан арава... Бизнинг узоқ минг йилликларга кириб борадиган тарихимиз кўп жиҳатлардан сочилиб ётибди. Шу парчаланиб кетган тарихимизни ягона бир четанга солиб бирлаштиришимиз керак. Шунда у парча-парча эмас балки ягона, яхлит, бир бутун ҳодиса каби англанади ва ҳар биримиз кўз ўнгида гавдаланади. Шунинг учун мен тарихимизнинг четанини яратайлик демоқчиман...».

Домланинг ўтмишда қолиб кетган эски сўздан катта мазмундор ҳодисани англатиш учун ифода воситаси сифатида фойдаланганлари бизга маъқул тушди. Четан билан ўралган боғ ҳам баланд деворлар билан ўралган боғлардан нимаси билан дир кескин фарқланиб турарди. Четан айланиб юрадиган дуваланг шамолларга тўсиқлик қилмаса керак. Четанли боғ ҳам қўриқланган ва ҳам баҳаво... Ўқиб кўринг балки сиз ҳам қўшиларсиз кекса олимнинг фикрларига.

Мустақиллик онгимизда бутун бир инқилоб ясади, десак ортиқча бўлмас. Жамиятимизда муҳит ўзгарди. Фикримиз эркинликка чиқди, ўзининг янгидан-янги имкониятларини намоён қила бошлади. Шундай шароитда ҳар бир жамият, ҳар бир миллат ва ҳар бир киши ўзини билишга, ўзини англашга ҳаракат қилади.

Бундай интилиш табиий жараёндир, чунки ўзини ўрганиш, ўзини билиш асосидагина жамият, миллат ва инсон ўз қадрини, ўз нуфузини аниқлаб олади. Шу қадр ҳисси, шу нуфуз бизга куч, руҳий салоҳият ва маънавий қувват беради, жамият ва миллат тараққиётининг жонланишига, тезлашишига сабабчи бўлади.

Ўз-ўзини англаш ва билиш учун эса ҳар бир жамият, миллат ёки инсон ўз тарихини ўрганмоғи ва тикламоғи зарур. Фақат тарих кимлигимизни, қаерданлигимизни, инсоният олдида хизматимиз нимадан иборат эканлигини, илдизимиз қаердан ва қачон бошланганлигини айтиб беради.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисидаги қарори бизнинг фикримизни тасдиқлайди, чунки мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг асосий йўлларидан бири халқимизни ўз тарихи тўғрисида ҳақиқий илм билан қуроллантиришдир.

Ўз ўтмишини, ўз миллатининг тарихини билиш ҳар бир инсон учун ички маънавий ва маърифий эҳтиёждир. Тарихни, ўтмишни ўрганиш мутахассис тарихчи-олимлар учун иш ва вазифа, бошқалар учун эса тафаккур талабидир. Тафаккур эгаси ўз ҳаётига, ўз миллатининг ҳол-аҳволига, унинг ўтмиши ва истиқболига бефарқ қарай олмайди. Табиийки, мустақиллик шароитида бизнинг ўз ўтмишимизга, босиб ўтган йўлимизга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Афсуски, халқимизда ўсиб бораётган бу талабга биз, олимлар, қониқарли жавоб бераётирмиз, деёлмаймиз.

Мен тарихчи эмасман. Аммо, бошқалар қатори мен ҳам халқимиз ўтмиши билан қизиқаман. Танишарканман, юртимиз ва миллатимизнинг бир бутун тарихини кўрмайман. У гўёки бурда-бурда. У қандайдир бўлаклардан иборат. Бу бўлакларнинг кўпи эса ўзаро узвий боғланган эмас. Балки, бундай ҳолат тасодифий эмасдир. У маълум бир сиёсатнинг маҳсули ва натижасидир. Бундай хулоса жиддий асосларга эга, чунки ўтмишдаги ҳукмрон мафкура ва сиёсий тузум «шарқ халқларининг ҳақиқий тарихи ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошланади», деярди ва тарихчиларнинг барча кучлари мустамлакачилик даври билан шўро даврига қаратилган эди. Маълум бўлишича, 1993—1996 йилларда тарих фани бўйича ёқланган докторлик ва номзодлик диссертацияларининг 96,5 фоизи Ватанимиз ҳаётининг кейинги бир юз ўттиз йилини илмий ўрганишга бағишланган экан!

Мустақил Ўзбекистон манфаатлари халқимиз ўз тарихига кенг ва чуқур қарашини талаб қилади. Мустақиллик йилларида биз ўз тарихимизни Амир Темур ва темурийлар даври билан чамбарчас боғладик. Аммо, бу олти-етти аср — тарихимизнинг энг яқин қисми. Энди халқимизни янада узоқроққа тикилиб боқишга ва ўз тарихимизнинг чуқур илдизларини кўришга ўргатишимиз керак.

Давоми иккинчи бетда

— Мен ҳам чавондоз бўламан!

«БУ ВАТАННИ ЖОН БИЛАН САҚЛАШГА, ЧЎЛПОН, ҲОЗИР ЎЛ...»

Миллатнинг улуғлиги унинг фидойи фарзандларига нисбатан чин эҳтиромида ҳам намоён бўлади. Ҳазор шукронаки, бу борада халқимизнинг ҳар қанча ғурурланса, фахрланса арзийдиган улуғлари бисёр. Машъум ўттизинчи йиллар қатли оминнинг қурбони, 1938 йилнинг 5 октябрида «аксилинқилобий фаолияти учун» отувга ҳукм қилинган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзбекнинг ана шундай улуғ инсонларидан бири эди...

Гарчанд Хрушчёв илиқлиги даврида, 1958 йилдаёқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Чўлпон адабий меросини ўрганувчи комиссия тузилган бўлса-да, биз бу улуғ адибни фақат сўнгги саккиз-тўққиз йил ичида ҳақиқатан кашф этганимизни ҳеч ким инкор этолмаса керак.

Чўлпон бизнинг ҳаётимизга тонг юлдузи мисоли порлаб, чақнаб кириб келди. Чўлпон бизни ҳайратларга мубтало этди. Ахир, ул зоти шарифнинг биргина «Кеча ва кундуз» романи ҳақида қанчалар тўлқинланиб сўзлаш мумкин.

Ёинки «Ёрқиной» пиесасини олинг. Ёинки бири-биридан гўзал шеърларни тилга олмаганингизда ҳам машҳур «Адабиёт надур?» мақоласини эсланг...

Буюк инсонлар бамисоли тафаккур қанотида парвоз этиб, ўз замондошларидан ўнлаб йиллар олдинга ўтиб, келажак ташвиши билан заҳмат чекаётгандек таассурот қолади кишида. Йўқса, бир зум нафас ростлаб, улуғ Чўлпондан олинган ушбу мухтасар иқтибосга эътибор беринг, ҳурматли ўқувчи: «Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қаро кирлар ила хираланган руҳимиз учун шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса миллат яшар: адабиёти гулламаган ва адабиётининг тараққийсига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётидан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур. Буни инкор қилиб бўлмас...» Сезяпсизми, Чўлпон адабиёт тимсолида инсон маънавияти ҳақида қайғурмоқда ахир... Бас, шундай экан, ниҳоят истиқлолга эришган, Чўлпон орзуси амалга ошган юртда бугун маънавият масаласига алоҳида эътибор берилаётганини ажлодлар руҳига эҳтиромнинг бир кўриниши сифатида қабул қилсак ҳам бўлар.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Қарори матбуотда эълон қилинди. Насиб қилса, Қарорда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, 2000 йилга қадар адибнинг «Тўла асарлар тўплами» чоп этилади. Зеро, Чўлпон бугуннинг, эрта кунимизнинг ёзувчиси. Чўлпон ҳар вақт ва ҳар қачон мутолаа қилинадиган ёзувчи.

Табиийки, ўзи ҳақидаги энг одил фикрни қаламкашнинг ўзигина айта олади. Биз ҳам ушбу мўъжаз мақола якунида улуғ Чўлпондан яна бир иқтибос келтирмай ўтолмаймиз (1926 йили Самарқандда битилган):

...ўлим йўқдир!
Ёлғиз бир ўчиб,
бир сўниш бордир.
Бир ўчиб, сўниб... яна
ёниш бор.
Яна баҳорлар,
Яна лолалар,
Яна сиз, эй...
эркин тилаклар!..

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ДАРАХТЛАР КАТТА ЭДИ...

Бизда қадимдан фарзанд туғилганда яхши ниятлар ила кўчат экилган. Отадан болага боғ-роғлар мерос бўлиб қолган.

Аммо сўнгги йилларда боғ-роғлар кескин камайди. Шаҳарларда-ку, манзарали дарахт ўтказилган, деб бу ишга панжа орасидан қараш мумкиндир, аммо қишлоқ жойларда ҳам мевали дарахтлар сони тобора қисқариб бормоқда. Борларини эса қиш-қировли кунлари печкага ёқиш учун қирқиб олиш ҳоллари ҳам учраяпти экан.

Республика Президентининг «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида»ги Фармонида кўрсатиб ўтилган асосий йўналишлар бугун ҳаётда кенг тадбиқ этилмоқда. Жумладан, бугунги ёшлар кўчат ўтказишдан кўра пул санашга ишқибоз бўлиб бораётганини илғаб олган кекса отахон-онахонларимиз «ўлкамиз боғлари нуронийлар нигоҳида» ташаббуси билан чиқдилар.

Мана, қишнинг заҳри ўтиб, кўкламнинг илк нафаси ҳам сезила бормоқда. Ажаб эмас, нуроний фахрийларимиз бошчилигида ўлкамизни ҳақиқатан ҳам боғ-роғлар юртига айлантиришдек савобли юмушда бу йил сезиларли қадам қўйилса...

Г. МУРОДАЛИЕВА

Дахлсиз ҳуқуқлар

Муаллифларимиз:

Акмал САИДОВ — Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича ташкил этилган Миллий Марказнинг раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор. Ҳуқуқ соҳасида йирик илмий тадқиқотлар муаллифи.

Азамат ЗИЁЕВ — тарихчи олим, шарқшунос. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси раисининг ўринбосари. Қадим ва ҳозирги замон тарихимизга оид қатор салмоқли тадқиқотлар муаллифи.

Қуйида икки олимнинг инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти билан боғлиқ суҳбатларини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз. Қизиққан биродарларимизни суҳбат мавзусини давом эттиришга таклиф этамиз.

Азамат ЗИЁЕВ:

— Акмал ака, суҳбатимизни ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти учун алоҳида аҳамият касб этадиган инсон ҳуқуқлари тушунчасидан бошласак...

Акмал САИДОВ:

— Умуман, инсон ҳуқуқлари жуда катта муаммо. Ҳозирги кунда бизда бу мавзуга янгича ёндошув бор. Масалан, «Қизил империя» даврида инсон ҳуқуқларини ким беради, деган бир савол қўйиларди. Инсон ҳуқуқлари асосан давлатнинг инъоми эди. Лекин, Ғарбда Уйғониш даврида, ундан кейинги маърифатчилик даврларида бир йўналиш бор эдики, бу табиий ҳуқуқлар назарияси, ёки инсоннинг табиий ҳуқуқлари деган илмий йўналишдир. Бу шундан иборат эдики, ҳар бир инсон дунёга келган кундан бошлаб ажралмас табиий ҳуқуқларга эга: яшаш ҳуқуқи, тинчлик, шахсий дахлсизлик ва ҳоказо. Яна бир қанча узвий, ажралмас ҳуқуқлар масалан, мерос ҳуқуқи бор. Инсоннинг кўп ҳуқуқлари табиий ҳуқуқлар жумласига киради. Афсуски, социалистик назарияда бунинг ҳаммаси давлат қўлига ўтиб кетди. Инсоннинг давлатга нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гапирилмасди, фақатгина инсоннинг давлат олдидаги мажбурияти тўғрисида гапириларди холос. Мана шу етмиш йилда шаклланган коммунистик мафкура давридаги бизга энг катта зарар келтирган марксизм-ленинизм назариясининг салбий таъсирларидан бири: инсонни давлат машинасининг кичик бир мурватига, винтига айлантириб қўйилганлиги деб биламан. Мана шу энг катта муаммо. Ҳозирги кунда, албатта, давлат томонидан ҳам инсон ҳуқуқлари кафолатланиши керак. Менинг фикримча, инсон ҳуқуқлари — бу табиий, яъни Яратганнинг инсонга инъом этган ҳуқуқларидир.

А. ЗИЁЕВ:

— Мен бир нарсани билмоқчиман, бу ўқувчиларимизга ҳам қизиқ бўлиши мумкин. Масалан, инсон ҳуқуқлари тушунчаси билан қонун тушунчаси ўртасида қандай фарқ бор?

А. САИДОВ:

— Яъни, фуқаролик ҳуқуқи демоқчисиз. Инсон ҳуқуқлари билан фуқаролик ҳуқуқлари ўртасида фарқ бор, албатта. Масалан, тарихда биринчи марта қабул қилинган мана шундай катта конституциявий ҳужжатлардан бири бу 1789 йили Франция революцияси даврида қабул қилинган «Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари декларацияси»дир. Қаранг, бу декларациянинг номидаёқ инсон ҳуқуқлари билан фуқаронинг ҳуқуқлари фарқ қилади. Инсон ҳуқуқлари бу унинг табиий, ҳар бир одамга хос бўлган ҳуқуқлари, масалан, юқорида айтганимиздай, яшаш ҳуқуқи. Давлат томонидан бериладиган ҳуқуқ эса фуқаролик ҳуқуқидир. Умуман фуқароликнинг ўзи инсон билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўрсатувчи ҳуқуқий ҳолат ҳисобланади. Мисол учун, фуқароликка қабул қилиш бор ёки ундан чиқариш бор. Чунки бир жамиятда яшайдиган ҳамма инсонлар ҳам фуқаро эмас. Бизнинг юртимизда ҳам фуқаролар бор, чет эл фуқаролари бор, ва умуман, фуқаролиги бўлмаган шахслар бор.

А. ЗИЁЕВ:

— Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистон қонунларига бўйсунушга мажбурдирлар.

А. САИДОВ:

— Албатта, бироқ фуқаролиги бўлмаган кишиларнинг муайян ҳуқуқий чекланишлари бор. Масалан, уларнинг сайловларда қатнашиш ва сайланиш ҳуқуқлари йўқ. Лекин уларнинг шахсий ҳуқуқлари чекланмаган: билим олиш, ўз тилини ривожлантириш, маданий меросни ўрганиш кабилар.

А. ЗИЁЕВ:

— Шу ерда бир савол туғилади: инсон ҳуқуқлари билан фуқаролик ҳуқуқлари ўртасида, қиёслаш лозим бўлса, буларнинг қайси бири бирламчи?

А. САИДОВ:

— Инсон ҳуқуқлари бирламчи, албатта.

А. ЗИЁЕВ:

— Демак, агар инсон ҳуқуқлари бирламчи бўладиган бўлса, фуқаролик, яъни давлат томонидан кафолатланиши керак бўлган ҳуқуқ иккиламчи бўладиган бўлса, унда бундан чиқди, фуқаролик ҳуқуқларига қараганда инсон ҳуқуқларини кафолатлашда давлат пассив ҳолатга тушиб қоларканда?

А. САИДОВ:

— Йўқ, асло бундай эмас, аксинча, биринчи ўринга чиқиши керак. Афсуски, социализм даврида худди шундай бўлиб келган. Агар давлат демократик бўлса, у ўз моҳияти жиҳатидан фуқаролик жамиятига жудаям яқин келади. Биз ҳозирги пайтда иккита тушунчани фарқлай бошладик: инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва фуқаролик ҳуқуқлари. Худди шундай, жамият тузилишида биз фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги фарқни билишимиз керак. Социализм даврида ҳамма соҳани давлат қамраб олган эди. Ижтимоий ҳаётнинг бирор бир соҳаси йўқ эдики, давлатнинг таъсири ёки тазйиқи бўлмаса. Ҳозирги кунда кўз ўнгимизда ноҳукумат ташкилотларининг ривожланиши, сиёсий партия, жамоат бирлашмаларининг равнақ олиши юз бермоқда. Буларнинг ҳаммасиям давлат тизимига кирмайди. Масалан, диний ташкилотлар ҳам давлат тизимига кирмайди. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти давлатга қараганда кенгроқ тушунча. Қиёслайдиган бўлсак, ҳар бир инсон фуқаро бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, фуқаролик жамиятининг аъзосидир.

Социализм даврида биз ҳамма ишни давлат зиммасига юклаб ўрганиб қолганмиз. Шу билан бирга шахснинг у ёки бу имкониятларини, масалан: сиёсий, маданий, тарихий соҳаларда намоён қилиши учун давлатнинг аралашуви шарт эмас.

А. ЗИЁЕВ:

— Демак, демократик давлат халқ ҳокимиятининг ҳамма соҳаларидаги кўринишидир. Халқнинг бирламчи ҳуқуқларидан дастлабкиси инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳисобланади. Мантиқан олганда, давлатнинг асосий вазифаларидан бири, энг аввало, инсоний ҳуқуқларни кафолатлаш эмасми? Жамоатчилик асосидаги ташкилотларга нисбатан давлатнинг инсон, фуқаро олдидаги ҳуқуқларини кафолатлаши бирламчи эмасми?

Айниқса, бизнинг шароитда. Чунки жамоатчилик асосидаги ташкилотлар ҳали мустаҳкам оёққа туриб олганларича йўқ. То бу жараён ишга тушиб кетганга қадар, инсон ҳуқуқларининг бош кафолатловчиси давлат бўлгани маъқул.

А. САИДОВ:

— Албатта бирламчи. Лекин давлатнинг фуқаролар олдидаги ҳуқуқларигина эмас, балки мажбуриятлари ҳам бор. Жумладан, конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни кафолатлаш. Бу ҳуқуқларнинг аксарияти бирламчидир. Давлат кафолатини бунчалик қарама-қарши қўйиш, менимча, назарий ва амалий жиҳатдан ҳам унчалик мантиққа тўғри келмайди.

А. ЗИЁЕВ:

— Мен ҳам шуни назарда тутяпман-да.

А. САИДОВ:

— Лекин мен ўзим ҳамма вақт инсоннинг табиий ҳуқуқларини биринчи ўринга қўйиб келганман. Мен, ҳамма нарсани давлатга боғлаш керак эмас деяпман. Чунки бу тушунча бизни яна боқимандалик, қарамлик кайфиятига етаклайди. Ҳамма нарсани давлтдан кутиш, «берсанг еяман, бермасанг ўламан» қабилидаги тушунча онгимизга сингиб кетган. Бундан халос бўлишимиз керак. Айниқса, фуқаролардаги ижтимоий фаолликни ошириш ўзимизга боғлиқ. Тадбиркорлик соҳасидами, сиёсий фаолиятдами, маданиятдами биз ҳалиям яна давлат тайёрлаб берса, давлат ташкил қилиб берса, деб кўп гапирамиз, кутамиз.

А. ЗИЁЕВ:

— Бироқ буларнинг барчаси ҳам давлат бўйнидаги жавобгарликни соқит қилмайди, албатта.

Айниқса ўтиш даврида. Мен бу ерда ўзбек жамияти тараққиётининг беш усулини назарда тутяпман.

— Жуда тўғри. Давлат ўтиш даврида бош ислоҳотчи ролини ўйнаши жуда тўғридир.

А. САИДОВ:

— Жуда тўғри.

А. ЗИЁЕВ:

— Шу ерда яна бир савол туғилади. Бизда кўпроқ Оврупада шаклланган қарашларга суяниш кучли. Лекин инсон ҳуқуқлари масаласида ўз мамлакатимиз, минтақамиз, тарихимиз билан боғлиқ бўлган, миллий тарихий қадриятларга суянган ҳолда ҳам биз бугун уни қандайдир замонавийлаштириш, модернлаштириш йўли билан ҳам олиб кетсак бўладими?

А.САИДОВ:

— Бу ҳақиқатдан ҳам тўғри. Бизда етмиш йил инсон ҳуқуқларига фақат Оврупача ёндашув хос эди. Оврупача ҳам эмас, балки социалистик, «марксча-ленинча» ёндашув. Масалан, социалистик ёндашувда ўша табиий инсон ҳуқуқлари тан олинмасди, инкор этиларди. Чунки ҳамма инсонга ҳуқуқни давлат инъом этади, деган ақида биринчи ўринда турарди.

Инсон ҳуқуқлари масаласида оврупача ва шарқона ёндашув бор, буни ҳозир ҳеч ким инкор этолмайди. Мен бу масалани 1993 йили Страсбургдаги катта анжуманда ҳам айтганман. Ҳозирги демократиямизни, инсон ҳуқуқларига ёндашувни тушунтиришда ғарбликларда бир тушунмовчилик бор, мантиқсизлик бор. Бу ҳол айниқса халқаро ташкилотлар, умуман Оврупо давлатлари ва АҚШдан келган олимларда учрайди. Улар инсон ҳуқуқларига умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб ёндашишга, оврупача ёки шарқча, ёки осиёча ёндашув бўлиши мумкин эмас, деган фикрни олға суришади. Менимча, бу нотўғри фикр. Нега? 1948 йилдаги умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси бу — инсон ҳуқуқларини оврупача тушунишнинг яққол намунасидир. Бундан ташқари, Оврупадаги аксарият инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатлар Оврупа Кенгаши томонидан тузилади. Ҳозирги кунда Оврупо кенгаши 160 дан ортиқ инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳужжатлар қабул қилган. Булар асосан минтақавий аҳамиятга эга. Буларнинг аксарияти инсон ҳуқуқларини оврупача тушунишга асосланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган кўпгина халқаро ҳуқуққа тегишли ҳужжатлар америкача ёки америка-оврупача тушунчасидадир. Бундан ташқари халқаро ҳужжатлар туркумида Африка, Ислом дунёсида ёки Лотин Америкасида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари декларациялари ҳам бор. Буларда у ёки бу минтақанинг инсон ҳуқуқларини тушунишдаги хусусиятлари акс этган. Мана шундай — ҳар бир минтақага оид инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинган-ку, демак, бу халқаро тушунчаларга ҳам зид эмас экан-ку, ахир. Инсон ҳуқуқларида оврупача ёки шарқча тушунча борми, йўқми деган саволимга аксарият Ғарб олимлари «йўқ деб жавоб беришади. Улар дунёда икки хил цивилизациянинг борлигини инкор этишмайди. Динларнинг, маданиятларнинг ҳам турлича эканини инкор этишмайди. Нега энди инсон ҳуқуқларига келганда икки хил тушуниш мавжудлигини тан олмаслик керак?! Инсон ҳуқуқлари жамиятнинг ҳаёт тарзидан, турмуш тарзидан, ёки ўша жамиятнинг дунёқарашидан, мафкурасидан келиб чиқади. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳар бир йўналишда ўзига хослик билан бирга умумийлик ҳам мавжуддир.

А. ЗИЁЕВ:

— Бир тарихчи сифатида айтишим мумкинки, бизда масалан, VI—VII асрларда, Турк хоқонлиги даврида ибодатхоналарда муқаддас тузуклар, яъни қонунлар мажмуаси бўлган. Муайян расм-русумларни (хоҳ ахлоқий бўлсин, хоҳ бошқа) бузганлик учун жазоларни аниқлаштириб берадиган ҳуқуқий ҳужжатлар. Айтмоқчиманки, умуман қонунчилик тушунчаси бизга Ғарбдан кириб келмаган. Ва ҳар қандай инсоний жамият бор экан, унда қонунчиликнинг у ёки бу шакли бўлиши аниқ. Бугунги кунда ҳуқуқшуносларимизнинг хоҳ назариётда бўлсин, хоҳ амалиётда, бир заифлиги кўзимизга ташланади. Яъни биз ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий асосларимизнинг тарихини кўпам яхши билмаймиз. Агарда биз ҳуқуқий асосларимиз тарихини мукаммал ўргансак, балки бугунги кунда инсон ҳуқуқларига оид тушунчага муносабатларимиз анча мукаммал ва кенгроқ бўлармиди...

А. САИДОВ:

— Жуда тўғри. Мен юқоридаги фикримни якунламоқчиман. Ғарб билан Шарқда инсон ҳуқуқларининг умумий жиҳати ёки методологик фарқи қаерда, деган савол туғилади. Ғарбда инсон ҳуқуқларини тушунишда индивидуализм ўта хос. Ҳар бир ижтимоий муносабатларда инсон ўзини биринчи ўринга қўяди. Шарқда эса аксинча, якка шахснинг эмас, балки жамоанинг манфаати биринчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам бизга давлатни катта бир оила деб тушуниш хос. Ғарбда, Людовик XVI нинг сўзи билан айтсак, «Давлат — бу мен» деган ақида мавжуд. Бу Ғарб индивидуализмининг яққол кўринишидир. Бизда эса, ҳатто буюк соҳибқирон Амир Темур ҳам ҳеч қачон мен — давлат демаган, гарчи Людовикка қараганда ўнлаб катта ҳудудларга подшоҳ бўлса ҳам. Бизда эса жамоа манфаати, оила манфаати, халқ манфаати инсон ҳуқуқлари ичида олдинги ўринда туради. Шарқ билан Ғарбдаги инсон ҳуқуқларини тушунишдаги энг катта фарқ шунда. Нима учун биз шу пайтгача буни исботлолмай келдик? Чунки социализмнинг, марксча-ленинча идеологиянинг асосий манбалари Ғарбдан олинган эди. «Марксизмнинг уч манбаи» деб Ленин айтганди-ку, яъни: классик немис фалсафаси, Англиянинг сиёсий иқтисоди ва Франциянинг утопик социализми. Қаранг-а, ҳаммаси — Оврупа!

Бизда давлатга, инсонга, унинг манфаатларига бўлган муносабат салкам уч минг йиллик тарихга эга. Сиз фақат Турк хоқонлигини (VI аср) айтдингиз. Бизда ўша аҳамонийлар, салавкийлар, Зулқарнайн, даврларидан бошлаб давлатга, инсон ҳуқуқларига алоҳида ўзига хос ёндашувлар мавжуд бўлган.

Тўғри айтдингиз, биз ўзимизнинг ҳуқуқий-тарихий меросимизни, ҳуқуқий илдизларимизни яхши билмаймиз. Бу соҳада айрим ишлар қилинаяпти. Масалан, мен 1994 йилдан бошлаб Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя» асарини қайта нашр эттиришга киришдим. Бу йил худо хоҳласа, иккинчи томи нашрдан чиқади. Балки йил охиригача учинчи-тўртинчи жилди ҳам чиқиб қолар. Ёки «Ҳуқуқий меросимиз» туркумида «Маҳбубул қулуб», «Мухтасар» асарларининг чиқиши ёки Сизнинг давлатчилигимиз илдизлари тарихи ҳақидаги туркум мақолаларингиз... эътиборга лойиқ. Профессор Тошғулов билан биргаликда 1995 йили биринчи марта ўзбек тилида «Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихидан ўқув қўлланма» чоп этилди. Самарқандлик ҳуқуқшунос-тарихчи олим З. Муқимов ҳам бу соҳада самарали ишлар олиб бормоқда.

Яна бир муаммо. Биз Россия ёки Оврупадаги давлатларнинг тарихини муфассалроқ ўқир эдигу, ўз тарихимизни аксарият чала ёки мутлоқо билмасдик. Ўқувчиларимизга ўз тарихини, туғилган жойи кечмишини ўрганишдан бошлашни тавсия қилардим. Ундан сўнггина мамлакат тарихи, кейин балким, дунё тарихини ўрганиш лозимдир. Оврупо, Америка, Осиёдаги ривожланган давлатларда кўп бўлганман. У ерларда тарихни ўрганиш жуда тўғри йўлга қўйилган. Улар умумдунё тарихини билмаслиги мумкин, лекин ўзи яшаб турган жой тарихини, ўз мамлакатлари, ўз подшолари, уларнинг таржимаи ҳолларини жуда яхши билишади. Ватанпарварликнинг шаклланиши ўз туғилиб ўсган жойга меҳрдан бошланади. Авлод-аждодларимиз билан фахрланиш туйғуси ҳам ватанпарварликнинг илдизидир.

А. ЗИЁЕВ:

— Ғарбдаги индивидуализм билан Шарқдаги жамоатчилик масаласи. Менинг назаримда, Ғарбда шахснинг роли баланд. Ҳар бир инсоннинг шахс сифатидаги ўзини намоён қилиш имконияти катта. Шахс фаолияти, аввало унинг ўз имкониятларига суянган ҳолда кенг миқёсда намоён бўлишини биз ўша XIX асрдаги индивидуализм тушунчаси билан алмаштираётганимиз йўқми? Чунки Ғарбда Шарққа нисбатан жамоатчилик кучи жуда катта. Бир пайтлар, адашмасам, халқаро олимпиада комитетининг раиси Самаранч айтганидай: We are the one family («Биз ягона оиламиз»). Ё бўлмаса турли миллат, маданият ва тарихга эга АҚШ жамиятдаги ягона оилаға мансублик эътиқодини олайлик.

А. САИДОВ:

Собиқ совет даврида жамият давлат билан бирлашиб кетган эди. Шунинг асорати ўлароқ бизда фуқаролик жамияти ҳанузгача тўлиқ шаклланмаган. Нима учун Ғарбда жамоатчилик ҳамда шахснинг роли катта? Ўша индивидуализм назариясининг оқибат натижаси шахснинг жамиятдаги ролини кўтарди. Бу жуда ҳам яхши-ку.

А. ЗИЁЕВ:

— Мен хоҳлардимки, индивидуализм тушунчаси ҳақида гап кетганда ўқувчиларда гўё Ғарбда эгоизм ривожланган экан, бизда эса жамоатчилик устун, биз улардан юқори эканмиз-да, деган фикр уйғонмасин. Ваҳоланки, бизда ҳам индивидуализм, аниқроғи эгоизм ботқоғида, ўз тор манфаатларини барчадан устун қўйиб юрганлар ҳам йўқ эмас.

А. САИДОВ:

— Тўғри, лекин мен фикримни бунақанги қарама-қаршилика қурмоқчи эмасдим. Якка шахс ҳам, жамоатчилик ҳам мутлоқ ҳолда бўлиши керак эмас. Лекин Ғарбда индивидуализмнинг ривожланиши натижасида инсоннинг шахсий, сиёсий ҳуқуқлари ривожланишига катта эътибор берилган. Бу эса фуқаролик фамиятининг баркамол шаклланишига олиб келган. Фуқаролик жамиятида ҳамма нарса давлат билан боғлиқ эмас. Масалан, доира қиладиган бўлсак, бир қисм сигмент давлатдан ташқарида қолади. Мана шунда жамоатчилик ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг ривожланиши фуқаролар фаолиятининг жонланишига олиб келади. Бу эса ижтимоий фикрнинг ролини оширади ва оммавий ахборот воситаларини ҳатто тўртинчи ҳокимият даражасига кўтаради. Учта ҳокимият органлари: қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд бўлса, яна биттаси фуқароларга, фуқаролик жамиятига хос куч, бу — оммавий ахборот воситаларининг ҳокимиятидир.

Биз шарқона қадриятларимизни дунёдаги умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришимиз лозим. Марксизм ҳамиша шахснинг ролини инкор этиб келган. Шунинг таъсиридан узил-кесил қутулган яхши. Шахсда буюклик мужассам. Ахир, тарихнинг бурилиш нуқталари асосан у ёки бу шахснинг роли билан белгиланади. Буни инкор этиб бўлмайди. Бу — қонуният. Ўз тарихимизда ҳам қанча буюк шахслар бор — тарихимизни йўналтирган шахслар.

А. ЗИЁЕВ:

— Ўша буюк шахслар бутун бир халқни ортидан эргаштирган, бутун бир жамоанинг ҳаётини ўзгартириб юборган. Амир Темурнинг буюклиги ҳам шундаки, у бутун бир миллатни, катта бир минтақани бирлаштириб тараққиётга ўз таъсирини кўрсатди.

XIV асрда дунё халқлари тарихида бурилиш ясалишига сабаб бўлди.

А. САИДОВ:

— Исломда фуқаролар ўртасидаги муносабатлар жуда қизиқ. Мана, «ақида» деймиз. Бу ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон, мусулмоннинг Оллоҳ билан муносабати. Бу ерда ҳамма тенг, яъни Оллоҳ олдида ҳамма тенг ҳисобланади. Яна иккинчи, яъни «муомалат» — ижтимоий муносабат бор. Бу мусулмонларнинг ўзаро муносабати, яъни муомалатлар. Бу ерда умумий тенглик, лекин турли хил нотенгликлар ҳам мавжуд. Бир мисол, ҳар бир эркакнинг тўрттадан жуфти ҳалолига эга бўлиши мумкин бўлса-да, заифа эса ҳеч қачон тўртта эрли бўлишига йўл қўйилмайди... Бунинг сабаблари чуқурроқ. Бу энг кўп келтириладиган мисол бўлгани учун ҳам айтяпман. Бундай тенгсизликлар ақидада акс этмаган, бироқ Исломда тенглик ғояси бошқа динларга нисбатан кўп, кучлироқ. Ҳудонинг олдида барчанинг тенглиги Ислом динининг муҳим нуқталаридан бири. Чунки бунда Оллоҳ билан Инсон ўртасида ҳеч қандай воситачи бўлмайди. Жойнамозда у Яратган олдида биттаю битта бўлиб турaвepади.

А. ЗИЁЕВ:

— Инсон ҳуқуқлари, фуқаролик ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун Ўзбекистонда яна нималар қилиш керак? Умуман инсон ҳуқуқлари асосида нима ётади?

А. САИДОВ:

— Инсон ҳуқуқлари асосида ҳар бир инсоннинг эҳтиёжи ётади. Манфаат ётади. Шуларни амалга ошириш учун турли хил воситалар бор. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг ташкилий шакллари, воситалари яратилди. Миллий Марказнинг ташкил қилиниши ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили лавозимининг таъсис этилиши, амалдаги қонунчилик мониторинги институти, 200 дан ортиқ жамоат ташкилотлари... Буларнинг барчаси дунё талабларига, жаҳон андозаларига тўғри келади. Энди гап улар фаолиятини фаол изга қўйишда. Уларнинг қандай таъсирчанлик билан ишлаши фақатгина тузилган ташкилотларга боғлиқ эмас, балки ҳар бир инсон-фуқаронинг ўзига ҳам боғлиқдир. Афсуски, биздаги энг катта муаммо аксарият кўпчиликнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслигидан бошланади. Агар инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаса, у қандай қилиб ўзини ҳимоя қилади. Менимча, биринчи амалга оширадиган ишимиз-жадидчилик ибратидан фойдаланиб, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама билишга ва ўрганишга «ҳаж юриши» қилиш керакмикан, дейман.

А. ЗИЁЕВ:

— Жуда чиройли ибора ишлатдингиз. Лекин бир пайтлар социалистик ҳуқуқни билишга ҳам даъват этилганмиз. Даъват билан амалиёт ўртасида ўтиб бўлмас жарликлар мавжуд эди. Аммо бугун айтайлик, Конституцияни бутунича ёдлаб олган бўлсагу, ҳуқуқий нормаларни билсагу, лекин амалда шунга риоя этишни, ҳар бир қадамимизни шулар билан ўлчашни ўрганмасак, унда нима қилиш керак?

А. САИДОВ:

— Масаланинг бу томони ҳам бор. Инсон ҳуқуқларини амалга ошириш аввало моддий томондан таъминланиши лозим. Масалан, биз ҳамманинг нафақасини йигирма фоиздан оширамиз деб ёзсак, амалда эса бунга шароит етилмаган. Чунки бу бизнинг хазинамизга ҳам боғлиқ, кирим-чиқимимизга ҳам боғлиқ. Қонунларимиз ишламаслигининг сабаби бор: уларнинг баъзилари чала туғилган болага ўхшайди. Нима учун? Чунки ишламайдиган қонун аксаран молиявий-моддий томондан таъминланмаган бўлади. Масалан, мен Давлат тили ҳақидаги қонунни қабул қилиш ва уни кучга, амалга киритиш жараёнидан яхши хабардорман. Биз бошда мана шу қонуннинг қанча маблағ талаб қилишини ҳисоблаб чиққанмиз.

Бу қонуннинг инқилобий аҳамияти шундаки, дунёқарашимизда туб ўзгариш ясади. Бошқа миллат вакилларида ҳам тилимизга, миллатимизга, қолаверса, маънавиятимизга нисбатан ҳурмат уйғонди. Эҳтимол баъзан маблағ етишмаслиги туфайли қонуннинг айрим бандларига кўнгилдагидек риоя қилинмаётгандир. Аммо очиқ тан олиш лозимки, амалга оширилганларнинг ўзиёқ ҳар қанча фахр этишимизга арзийди. Ва қонуний жараён давом этади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистонимизда Инсон ҳуқуқлари ҳақида юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Буларнинг бир қисми фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига дахлдор, бир қисми сиёсий ҳуқуқига, яна бир қисми эса уларнинг иқтисодий ва маданий ҳуқуқларига тааллуқли. Буларнинг ичида энг кўп моддий маблағ талаб қиладигани иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ҳисобланади. Ҳуқуқларни таъминлашда нафақат моддий, ташкилий жиҳатлар ҳам бор. Буни ҳам ҳал қилиш мумкин.

Афсуски биз, сўнгги етмиш йил ичида яна бир нарсани — ҳуқуқлар ва қонунларга ишончни йўқотиб қўйдик. Яъни ўз ҳуқуқимиз борлигига ва унинг тўла амал қилинишига ишончни йўқотдик. Бу энг биринчи, навбатда тикланадиган нарса.

А. ЗИЁЕВ:

— Менинг назаримда Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази ишончни тиклаш йўлидаги жуда зарур дадил қадамлардан биридир.

А. САИДОВ:

— Шак-шубҳасиз. Зиммамизга олижаноб вазифалар юкланган.

А. ЗИЁЕВ:

— Инсон ҳуқуқларини, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ҳар қандай даврда иқтисод билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисод бирламчи, ижтимоий муносабатлар эса унинг инъикоси. Токи иқтисодий муносабатлар ривожланиб бормас экан, олдимизга қўйилган иқтисодий режалар бажарилмас экан, хоҳлаймизми, йўқми, инсоний ҳуқуқларни таъминлашда ҳам барибир оқсаймиз. Шу маънода инсон ҳуқуқлари фуқаролик ҳуқуқларининг таркибий қисми бўлган иқтисодий ҳақ-ҳуқуқлар, мулкчилик шакллари, умуман ҳозирги мавжуд йирик, ўрта, кичик бизнес, қишлоқлардаги муаммолар... билан чамбарчас боғлиқ. Сизнингча қонунчилик ва ҳуқуқлар ҳамда моддий ҳаёт, иқтисодий муносабатлар тараққиёти ўртасидаги боғлиқлик қандай кечади?

А. САИДОВ:

— Агар мана шуларнинг ҳаммаси бир-бирга мутаносиб бўлганда эди, муаммонинг ўзи бўлмасди.

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА
ёзиб олди

Боши биринчи бетда

ТАРИХИМИЗ ЧЕТАНИНИ ЯРАТАЙЛИК

ШАКЛЛАНИШИМИЗ ПОҒОНАЛАРИ

(Тарихимиз занжири)

Менинг чамамча, милодий ҳисобнинг бошланиши халқимизнинг тарихини деярли тенг икки бўлакка бўлади: милодий йил ҳисобигача тарихимизнинг қирқ беш фоизи, милоддан кейин эса — эллик беш фоизи жой олган. Худди шу 3,5 минг йил Ўрта Осиё моддий ва маънавий ўчоғини юзага келтириш ва уни жаҳон цивилизациясининг марказларидан бирига айлантириш даври бўлди.

Шундай экан, тарихчиларимизнинг муҳим вазифаларидан бири аждодларимиз асрлар давомида қандай қилиб Сирдарё ва Амударё оралиғи ҳамда атрофларини инсоният фахрланадиган ҳудудлардан бирига айлантирганлигини жиддий далиллар билан исботлаб беришдир. Менинг бу фикримга қўшиладиганлар ҳам бор, қаршилар ҳам топилади. Лекин, уларнинг тарафдор ёки қарши бўлишидан қатъи назар, менга бир нарса аниқ: Амударё ва Сирдарё оралиғини ва унинг атрофларини маданийлаштирган халқ аҳли — менинг аждодларим. Улар бу ҳудудни минглаб қишлоқлар ва юзлаб шаҳарлар ҳудудига айлантирганлар, ўз бунёдкорлик меҳнатлари натижасида яратган бўстонларини келаси авлодларга қолдирганлар. Албатта, тарих жараёнини тўхтатиб бўлмайди: урушлар бўлган, ҳудудга янги қабилалар ёки элатлар бостириб кирганлар, кўплари шу ерга жойлашиб, доимий қолиб кетганлар. Лекин, бундан ё ҳудуд, ё унинг аҳолиси, хўжалик тарзи, иқтисодий ҳаёти йўққа чиқиб кетган эмас.

Асрдан-асрга ўтган сари тарихий воқеалар қолдирган бу ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маънавий қатламлар халқимиз тарихининг ўсиш, кўтарилиш поғоналарини ташкил қилганлар. Шу поғоналарнинг энг уст зинасида биз, ҳозирги замон ўзбеклари, турибмиз.

Менинг асл мақсадим ва ғоям аниқ: уч ярим минг йиллик тарихий давр бир бутун занжирга айлантирилиши керак, шу ўттиз беш аср худди бир занжирнинг ўттиз беш ҳалқасидек бир-бирига мустаҳкам боғланган бўлиши шарт. Фақат ўшандагина биз айта оламиз: мана бизнинг тарихимиз; мана, қаердан ва қачондан бошланганмиз! Мана тарихий изчиллик, ўтмиш меросга ва аждодларга ҳурмат!

Бу мулоҳазаларимни ўқиб, баъзилар «муаллиф бу ҳудуд тарихида бўлган чуқур ўзгаришларни инобатга олмаяпти. Ахир, аҳолининг қабилавий, миллий, ирқий таркиблари ўзгариб боргани, вақт ўтиши билан бошқа тилли, бошқа динли, бошқа ирқий қиёфага эга аҳоли ҳудудни эгаллаган. Шу боисдан уларни, муаллиф хоҳлагандек, битта занжир қилиб бир-бирига улаб бўлмайди» дейишлари мумкин ва бу муқаррар. Мана шу ерда биз жуда мураккаб ва жиддий муаммога тўқнаш келамиз. Гап шундаки, биз аҳоли тўғрисида сўзлаганда, уни Сталин миямизга ўтмишда сингдирган, сийқаси чиқиб кетган андозадан фойдаланамиз, яъни масалан, ислом динигача миллий ҳудудимизда яшаган ажодларимиз билан тил бирлиги, ирқий бирлик, маданият ҳамда руҳият бирлигини қидирамиз. Уларни тополмасак, тарихнинг жонли жараёнини ва занжирини йўққа чиқарамиз.

Маълумки, ўтмиш мафкураси бизга мажбуран ўргатган мезон ва андоза ҳаётнинг кўп қиррали воқелигига тўғри келмас экан. Гап тилда ёки ирқий қиёфада эмас, гап шу қулай ҳудуднинг иқтисод учун, маданият учун, бунёдкорлик ҳаёти учун қулайдигида.

Биз шу нарсани ўзимизга аниқлаб олишимиз керакки, масалан, «ўзбек» атамаси бизнинг уч ярим минг йиллик тарихимизга нисбатан жузъий бир нарса, яъни тарихий тараққиётимизниг маълум бир поғонасида биз миллат сифатида ўзимизга «ўзбек» деган номни қабул қилиб олдик. Бошқа даврларда бошқача номларга ҳам эга бўлганмиз. Шу муносабат билан айтмоқ жоиздирки мустақилликка эришган Ўзбекистон давлатининг герби марказига ҳумо қушининг жойлаштирилиши чуқур маъно ва бой мазмунга эгадир. Ҳумо — халқнинг меҳрибон дўсти, ҳимоячиси, уни етти зулмат ичидан олиб чиқувчи халоскор. У ўтда ёнса ҳам, кулга айланса ҳам, ҳаётбахш мақсадларга эга бўлгани сабабли, яна ўзини тиклаб олади ва халқнинг асрий орзу-умидларига хизмат қилишни давом эттиради.

Афсонавий Семурғ қуши — халқимизнинг рамзи ва тимсоли. Юртимиз не-не босқинчилар томонидан забт этилган, не-не ҳокимлар халқимизни тарқатиб-тўздириб юборишга ҳаракат қилган. Лекин, охир-оқибатда ҳақ жойига қарор топди, — мустақил Ўзбекистон давлати юзага келди, халқимиз олдида порлоқ истиқболлар очилди.

Халқимизнинг энг қимматли ва бекиёс хислатларидан бири — унинг барча тарих тегирмонларидан ўтиб, ўз атрофидаги халқлар билан кенг мулоқотда бўлиш натижасида ўз таркибига, ўз онгига, ўз қаърига уларнинг барча ижобий томонларини сингдириб олганлигидадир. Биз атроф халқлардан кўп нарсаларни ўрганганмиз. Улар ҳам биздан кўп нарсани қабул қилиб олган. Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганлигимиз бизнинг халқимизни умуман ниҳоятда имтиёзли ҳолатда бўлишига сабаб бўлган. Минг йиллар давом этган бу жараённинг натижаси — ҳозирги ўзбек миллатидир. Халқимиз — тарих ва тақдир бизга инъом этган ажойиб бирликдир.

Ўзбекистон тарихини яратиш — барча ўзбек зиёлиларининг вазифаси ва муқаддас бурчи. Бу вазифани биринчи навбатда тарихчи олимларимиз бажаришлари ўз-ўзидан аён. Аммо, ҳеч бир тарихчи олим ўзбек халқининг уч ярим минг йиллик ўтмишини камраб ололмайди. Тарихни ўрганиш, ҳақиқатан ҳам, халқ тили билан айтганда, игна билан қудуқ қазишдир. Шу боисдан ҳар бир тарихчи ўтмишнинг маълум бир даврини, бўлагини, қисмини ўрганиш ва ўша соҳа бўйича мутахассис бўлиш билан чекланади. Бундай аҳвол табиий ва олимнинг ўзига бўлган талабчанлигининг кўринишларидан биридир. Файласуфларнинг тарихни ўрганишдаги вазифалари бутунлай бошқача: биз тарихчиларга методологик қурол бермоғимиз лозим, яъни тарихга қандай ёндашмоқ маъқул, ўтмишни ўрганишдан мақсад нима бўлмоғи зарур, илмий билиш фаолияти қандай ички мантиққа эга бўлмоғи керак ва ҳоказо. Биз, тарихий даврларни ўрганиб, билиб, уларни бир-бирига улаш, боғлаш, бириктириш йўлини топинг ва Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бир бутун, яхлит, занжир каби бир-бирига мустаҳкам тарихини яратинг, деймиз. Бундай тарих айрим қабилалар, кўчманчилар, этник гуруҳлар ёки ижтимоиий қатламларнинг парча-парча тарихи эмас, балки Ватанимиз, саждагоҳимиз, севимли диёримиз, асрлар давомида аждодларимиз меҳнати синггaн, уларнинг меҳнати ва пешона тери, ақли ва заковати, қобилияти ва салоҳияти, тадбиркорлиги ва ғайрати натижасида яратилган гулистоннинг ва унинг эгаси — ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг, — тарихи бўлажак.

ҚЎЧҚОР ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Навоий, кеч висол умидидан ким
ҳақ сени деди,
Дийёри қори-ёрини азизу
аржуманд этмиш
Навоий

ҚАДР ҲАМ ҚАДРИЯТ

Қадим Симнинг Беглар кишлоғи. Ундан сўнг Бешбола қишлоғи ва ниҳоят, Беглар маҳалласи деб юритилди. Беглар сўзи умуман ўчирилиб, Ғофир Султонов кўчаси деб номлана бошлаган. Беглар маҳалласида 1912 йилда қурилган Султонбек Райимбек ўғлининг саройи «хомталаш қилинган ҳолатда» сақланиб қолган. Қадриятларимиз қайтди. Бунда алломаи замонлар, ислом илми донишлари Убайдулло қори, Абдулло қори, Абдунаби қори домла, Жаҳон қори, Мулло Жалолиддин махсум, деҳқончилик илмининг олимлари Шовруқбек, Бобохонбек, Жалилбек, Сариқбек, Саримсоқбек, Юрсинбек, Ҳасанбек, Маъмурбек, Маҳмудбек, Элчибек, Субҳонбек, Муродбек ва одамийлик олими Қобилбек каби бебаҳо инсонлар, Саидаҳмад мингбоши, уста Шокир ота, уста Райим ота, Ортиқ полвон, уста Абдураҳмон бўлис, уста Ҳошимжон малҳам каби халқнинг фидойи сардорлари, халқ етакчилари яшаб ўтганлар.

Энди билсам бу сулола ҳазрат Нақшбанд пиримиз айтганларидек, «Дил баёру даст бакор»ни шиор қилиб олган эканлар. Халқ хизматини беминнат билиб, эвазига ҳеч нарса умидвор бўлмай, ўзлари деҳқончиликлари ҳисобига кун кечирганлар. Марҳум уста Абдураҳмон отани набираси уста Нозимга оқ фотиҳа бераётганда «болам, бировни соч-соқолини олганда қўлига қараган уста уста эмас» — деган сўзлари ҳамон ёдимда. Ўзлари етмиш йилдан ортиқ қишлоқ оқсоқоли, табиби, устаси, жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаганларида ҳам қўлидан кетмонини қўймаган уста деҳқон эдилар. Болаларига ҳам ана шу ўз сулоласи ишини давом эттиришни васият қилганлар. У киши амакилари Ортиқ полвон ота ҳақида кўп гапирар эдилар. Айтишларича, полвон отамиз деҳқончиликка, оти ва дўстига меҳр қўйган паҳлавон бўлган эканлар. Дўсти Каттабек билан Оқ тепа («ҳозирги Актюбинск»)гача бориб кураш тушиб елкаси ерга тегмаган зарбардаст полвон ўтган эканлар.

Баҳорги ер чопиш даврида рафиқаси Хайри момомиз тушликка саккизта патир билан бир чапя гўжа ош олиб борсалар, еб ичиб, нега оз олиб келдингиз, деган эканлар. Ахир бир тандирга саккизта сиғди холос-да десалар, уйда тандир биттами? — деб хафа бўлибдилар. У кишини ҳар жума куни дўсти Каттабек билан бозор айланиб, сўнг жума намозига бориш одатлари бор экан. Бозор оқсоқоли бу икки дўстни узоқдан кўрганларидаёқ ходимларини расталарга юбориб, Ортиқ полвон билан Каттабек келяптилар, у ёқ-бу ёқларини ўнглаб олсин, деб тайинларкан. Бозор айланишда аввало тозалик, нарх-наволарни кўздан кечириб, инсофдан чиққан ёки деҳқонни менсимайдиган кимсалар учраса, таъзирини бериб қўяр эканлар. Халқпарвар, ростгўй ва ўта соддадил бобомизни шунинг учун ҳам ҳамма ҳурмат қилиб Полвон ота дер эканлар. Ана шу отамиздан ёдгор Раҳмонбек акам узоқ қариндошимиз Тожинисо опага («Тожинисо отин») уйланади. Анча йил фарзанд кўрмай, тангридан тилаб Оқ мозорга оқ чироқ, Кўк мозорга кўк чироқ қилиб, ўғил кўрсак тўйларига Таваккал Қодировни айтиб, элга ош берсак, ўлсак ҳам армонимиз йўқ эди, деб орзу қилган эдилар. Яхши ният — ярим мол, ўғил ҳам кўрдилар. Акамиз ишчи, опамиз колхозчи бўлиб ишлар, фарзанднинг туғилиши бу хонадонга беқиёс хурсандчилик келтирган эди. Муродимга етай деб исмини Муроджон қўйдилар. Чақалоқ улғайиб тўй тараддудлари ҳам бошланди. Опамиз: жиянингизни тўйига Таваккалжонни айтсак келармиканлар-а? — деб сўрардилар. Ҳа опа, албатта келадилар. Худо хоҳласа, ўзим олиб келаман, деб юпатар, ўзи бирор марта ҳам учрашиб гаплашмаган одамга нима дер эканман, деган ўй-хаёллар билан банд эдим ва ниҳоят тўй куни ҳам белгиланди. Ўзим олийгоҳ талабаси бўлсам, тўй ҳақида камида икки-уч ой илгари хабардор қилиш, навбатга туриш масалаларидан мутлақо бехабар эканман. Одамларнинг ана шундай гаплари мени яна хаёлга кўмар эди. Эртага тўй дейдиган куни мен бориб айтиб келай деб мотоциклда йўлга чиқдим.

Вилоят театруси биноси олдига яқинлашганимда «ОШИ» белгили «Газ 21» да Таваккал акам жилиб кетаётган эканлар. Мен ҳам орқаларидан боравердим. Ҳозирги ал-Фарғоний, Б. Усмонхўжаев, М. Қосимов кўчаси билан Алишер Навоий кўчасини вилоят ҳокимлиги биноси олдидан яна ал-Фарғоний кўчасига юриб, театр олдида тўхтадилар. Мен ҳам мотоциклдан тушиб, у кишига қараб юз минг хижолат билан бораётганимни кўриб: Ҳа, дедилар. Сўрашдик. Ака, эртага тилаб-тилаб олган жиянимизга тўй қиляпмиз. Бир дақиқа бўлса ҳам бориб, пойи остонадан ўтиб берсангиз...

— Мен ўзимми? — дедилар. Ҳа, дедим овозим чиқар-чиқмас. Менга бир зум синчков нигоҳ билан қараб турдиларда, эртага Адҳам Ҳамдам аканинг тўйи, ўша ерда бўлишимиз керак (Ёзувчи Адҳам Ҳамдам ўша даврда вилоят рўзномаси муҳаррирининг муовини эдилар). Лекин эрталаб Жалолхон акангиз, Йўлдошалиларни олиб албатта бораман, дедилар. Қулоқларимга ишонмай, раҳмат дедим-да, изимга қайтдим. Тўйхонага келиб опа, эрталаб Таваккал акам келадилар, дедим. Опагинам бисотида бор сўзлари билан миннатдорчилик билдирар, дуо қилар эдилар. Буни кўриб турган яқинлар, ҳатто Раҳмонбек акам ҳам ишонмай, йўғ-э, шундай катта артист бизникига келармиди, уни орқасидан юрганлар қанча деб юрагимга ғулу солишарди.

Шу кеча мижжа қоқмай тонг оттирдим. Ниҳоят саҳарлаб ҳовли томондаги дарчадан хавотирланиб секин кириб борсам, не кўз билан кўрайки олмага қадар қўйилган сўрида Таваккал акам, Жалолхон акам, Йўлдошали ака ва мен танимаган иккита санъаткорлар ўтирар эдилар. Саломлашдим. Бир пиёла чой ичгунча овозасини эшитган халойиқ тўйхонани тўлдирганди. Хатмига айтилган оқсоқоллар, нонуштага чақирилган меҳмонлар девору том, дарахтларнинг устигача банд қилган болалар бу машҳур ҳофизу хонандани кўришни истар, қўшиқларини жон қулоғи билан тинглар эдилар. Устоз Навоийдан бошлаб Хазиний, Чустий, Ҳофиз Хоразмий ғазалларига басталанган қўшиқларни жуфтлаб-жуфтлаб тугатишлари билан уста Абдураҳмон ота бошлиқ қишлоқ оқсоқоллари омин, деб дуо қилишар, яна қўш-қўш қўшиқлар давом этарди. Сўнг Жалолхон акам: Абдураҳмон ака, нонуштага айтилганлар мақтал бўлиб қолмасин, бир фотиҳа қилсангиз, дедилар. Ўтирганлар дастурхондан туришлари билан бир зумда яна тўлди, яна қўшиқлар — «Айладинг», «Жамолларингдан», «Доғман» ва ниҳоят «Ўхшайди-ку» қўшиқлари билан тугатдилар. Олқишлар тинмас, ҳамманинг юзида ажиб бир кўтаринкилик намоён эди.

Жалолхон акам навбатни хизматга келган созандаларга бериб узр сўрадилар: Адҳам аканикига бормасак бўлмайди. Шунда Қобилжон акам бир пиёла чой ичиб кетасизлар, дастурхон мунтазир, деб қўшни Аҳмад акамлар ҳовлисига бошладилар. Тузалган дастурхон тўрида меҳмонлар. Мен икки уй ўртасида, пойи остонада чой келтириш баҳонаси билан кўнглим тоғдай кўтарилган бўлса ҳам, беадаблик қилмадимми? — деган андиша билан ўтирар эдим. Қобил акам Таваккалжон эртага биз ҳам невара тўйи бошлаб қўйдик, вақтлари бўлса, деб сазо қилдилар. Қобилжон ака, сиз учун жоним билан, лекин эртага Тошкентда бўлишим керак. Концертга билетлар сотилган. Бугун ҳам ҳеч илож йўқ эди, ўзингиз биласиз Адҳам Ҳамдам қаттиқ тийинлаганлар. Лекин кеча ана шу бола (мени кўрсатиб) орқамдан юраверди... Кўнглим алланечук бўлиб, юзидан ўтолмадим дедилар. Ҳамма менга қаради. Бу мен учун ҳатто исмимни ҳам билмаган ҳофизнинг дил сўзи. Шу боис Қобилжон акам то умрларининг охиригача ўғли тенги кўрган мени қандай маросим қилсалар ҳам уйи тўрисига энг азиз меҳмонлар қаторига ўтқазар, домла деб иззат қилар эдилар.

Ҳоли қолганда ака, мени домла деманг, ўғлингиз тенгиман-ку, кўп хижолат бўляпман, десам, кулиб: йўқ, сиз домласиз, сизни Ҳизр назар қилган, Таваккалжондек бир улуғ санъаткор ҳатто исмингизни билмай туриб, шу қадар ҳурмат қилганда, биз нима? Сиз домласиз, сиз ҳали кўп яхши ишларни қиласиз. Худо хоҳласа, маҳалламизга, халқимизга хизмат қилишдек бахт кутяпти сизни...

Беглар маҳалласидагина эмас, бутун водийда кўплаб дўстлар орттирган, камтарлиги, очиққўнгиллиги ва ҳожатбарорлиги билан эл ҳурматини қозонган, исми-жисмига монанд Қобилжон академик инсоннинг эътибори юз чандон ошганлиги чексиз мукофот эди менга.

Ушбу сатрларни битаётибману эл аро қадр топган, бетакрор, гўзал қўшиқлари билан азизу мукаррам бўлган устозимнинг ҳазрат Навоий ғазалига басталаган қўшиғи қулоғимда:

Фалакким, яхшилар базмида қадримни баланд этмиш...

* * *

Бешболада бир йигит бор,
Дил яраси битмайдур.
Аҳли малҳам бўлиб айтур,
Тил яраси битмайдур.
Сиёҳ қилиб дил ярасин,
Оққан қатра қонидан.
Гоҳ-гоҳ ёзар ўтса ҳижрон
Аламлари жонидан.

***

Яна кўз ёшими?..
Йўқ!... Устоз єди...

КУЙЛАБОН ОБОД ЭТАЙ (мухаммас)

Ўқиб Зокиржони Фурқат
фасли навбаҳорини,
Ҳам Муқимию Хувайдо,
Машрабини зорини
Айлади ўзига шайдо
мухлиси дилдорини,
Сел бўлур оҳангидан ҳам
бу Таваккал торини,
Бизни ташлаб қайга кетдиз
дил чекар озорини.

Тушларимда дедингиз айтинг қўшиқ,
айтинг қўшиқ,
То ҳаётман куйлайин
пок номингиз куйга қўшиб,
Ҳам баёз битдимки ҳазратдан олиб
илҳом жўшиб,
Ёрласин сизни худойим дейди
шогирд оҳида,
Рўзи маҳшар учрашурмиз
Тангрининг даргоҳида.
Десалар хонишларингиз
авжини парвозида,
Англадим устозингизни
ўхшаши овозида,
Ҳам сеҳр бор эрди мундоқ
куй таралган созида,
Қолдингиз достон бўлиб сиз
шоирлар баёзида,
Ёдингиз Омонни ўртар,
қиш, баҳору ёзида.
Ёзибон бўлди жигархун,
бу умр бозорини
Куйлабон бўлди жигархун,
бу умр бозорини
Куйлабон обод этай мен
руҳингиз мозорини

Омонжон ҲОШИМОВ

Фарғона

Ҳаёт йўриқлари

ҚАРИ БИЛГАНИНИ ПАРИ БИЛМАС

Аллоҳ ҳаммага етказсин, тўй шодлиги уйга келса — маслаҳатга қарияларни чақирамиз. Аллоҳ кўрсатмасин, бошга мушкул иш тушса, яна қарияларга маслаҳатга борамиз.

Миллий тикланиш — қарияларни серҳосил олтин куз каби донолигидан баҳраманд бўлишдир.

Биз ҳаётда мўътабар, элга ҳурматли, оилада эъзозли қарияларнинг турмуш насиҳатларини доим эъзозлаймиз. Суҳбатдошимиздан бири ХОНАЗАРБЕК ЎҒЛИ МЎМИН БОБО умрида биринчи марта «Меҳнат дафтарчаси»ни 50 йилу 17 кунда олган инсон. 24 йиллик умри ғилдирак устида ўтган. 6 ўғил-қизнинг отаси, 27 та неваранинг бобоси, 4 эваранинг бобокалони. У нима дейди, эшитинг:

ХАРИДОР РОЗИ БЎЛМАСА, ФОЙДА ҲАРОМ БЎЛАДИ

— Халқимиз донолари «Не яхшилик кўрсанг Худодан, не ёмонлик келса ўзингдан кўр, сўзингдан кўр» дейдилар.

Тақдирдан нолиш ҳеч кимда ҳурмат уйғотмайди. Замондан ҳам нолинмайди. Тақчиллик, муҳтожлик, қора нонга қорин тўйса бахтли ҳисобланган даврларни бошдан кечирганмиз.

Инсон умид чироғи ила тирик. Умидларимиз сўлган, қадриятларимизни соғиниб қўмсаган даврлар ҳам бўлган.

Орзулар не эди? Савдодан мурод — одамларнинг ҳожатини чиқариш. Майли, бу ҳожат қай ҳолатда ва амалда бўлмасин.

Кишилар орасида «савдо ходими»га шубҳа, гумон билан гўё одамларнинг ҳақини ейдиган кимса деб қаровчилар йўқ эмас. Ҳолбуки, савдо-сотиқ Одам Атодан қолган ва жаноб пайғамбаримиз ҳам касб этган жуда олижаноб иш. Юртимизга қай ерлардан не-не есл молларни олиб келмадик. Эл-элатнинг не-не юмушларини осон қилмадик. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳожатини чиқардик.

Миллий қадриятларимиз қайтиб келди. Шунча тажрибалар кўрдим ва шунга ишонч ҳосил қилдимки, харидорнинг розилиги фойданинг ҳалоллиги ҳисобланади.

Оддий юкчиликдан иш бошлаб, қирқ йил вагон-ресторанда директорлик лавозимида ишладим.

Ўзбекистон темир йўлларида ҳозир неча юзлаб шогирдларим хизматда. Маҳаллада ҳурмат, оилада эъзоз, ишхонага қачон бормай яхши кутиб олишади. Бир одамга яна қанча эъзоз-икром керак? Мен бунга қандай эришдим? Ҳар қачон халқимизнинг икки ҳикматини ҳеч эсдан чиқармадим. Бировнинг ҳақини емадим. Харидорни ҳамиша рози қилдим.

Ота-боболардан шу икки йўриқ қолган, биз унга амал қилдик ва сизларга мерос қолдирамиз.

Акбар ЮНУСОВ

ОСУРЛИК ҲАҚҚОНИЯТИ

Ҳурматли «МТ»!

100 йиллик жуда катта тўй ва ёруғликка чиққан Чўлпондек улуғ шоир учун алоҳида тантана.

1997 йилда Абдулаҳамид Чўлпоннинг ҳам 100 йиллигини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Шу муносабат билан бир фуқаро ва ўқувчи сифатида айрим мулоҳазаларимни билдиришга журъат этаман. Ўқувчиларга Абдулҳамид Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ёритиб берган бир китоб жуда зарур. Ҳаммамиз шундай батафсил, ҳаққоний китобга ташнамиз. Балки нашриётларимиз бундай салмоқли китоб устида иш олиб бораётгандирлар. Унда менинг бу сўзим китобнинг нечоғлик зарурлигини яна бир карра таъкидлайди, холос.

Сабо, етқур саломимни

Бир неча йил аввал бир видеофилмни томоша қилдик. Видеофилмнинг аҳамияти, ижобий томонлари ҳақида Ўзбекистон ТВ «Мулоҳаза» кўрсатувида ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (16 июл 1993 йил) рўзномасида ҳурматли халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг мақолаларида батафсил айтилган. Чўлпоннинг улуғ санаси муносабати билан бу видеофилм яна ТВ да намойиш этилиши мумкин. Шунинг учун мен видеофилмдаги айрим, оддий томошабин тушуниши мушкулроқ бўладиган масалалар тўғрисида бир оз тўхталмоқчи эдим. Сўзларим жўяли кўринса, шояд ислоҳ йўлида ғайратлар қилинса.

Видеофилмнинг бошидан охиригача романга асосланган ҳолда халқнинг турмуши ифода қилинади (ижобий ва салбий томонлари), аммо ўша даврда ҳукмронлик қилган Чор Русиясининг Туркистондаги амалдорлари олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг машъум томонлари етарлича ифодаланмаган, масалан: Ноиб тўранинг янги мактабни мингбоши орқали йўқ қилиши: тоғли ердаги қўзғолоннинг бостирилиши; ҳарбий суд инкор қилган нарсани иқрор бўлди деб ҳукм чиқариши бизнингча филмда ўз ифодасини топиши зарур эди.

Ноиб тўра ҳамда унинг хотинининг ахлоқи, пора сўраши ҳам негадир четлаб ўтилган. Жадидларнинг болаларни тарбиялаш, чет эл билан савдо алоқаларини кучайтириш борасида жуда характерли мулоҳазалари ўз ўрнини топмаган. Ҳолбуки жадидларнинг бундай миллатпарварлик йўналишидаги фикрлари ўша замон учун жуда хос бир ҳодиса.

Ушбу видеофилмни кўргандан сўнг менда шундай фикр туғилдики, гўё видеофилм сценарийсини генерал-адъютант К. П. фон Кауфман хизматчиси синчиклаб кўриб чиқиб, чор ҳокимиятининг Туркистондаги амадорларининг кўпчилик камчиликларини чиқариб ташлаб, фақат маҳаллий аҳолининг камчиликларини кўрсатишга рухсат бергандек.

Бу тўла ҳақиқат эмас, ярим ҳақиқатдир. Улуғ ёзувчи Сервантес ўз даврида «тирихни нотўғри ифодаловчиларни қалбаки пул ясовчилар каби судлаш керак», деб айтган экан.

Биз видеофилм кўп серияли бўлгани учун ундан талай нарсалар кутиш, давр ҳамда романни кенг қамраб олишини тилашга ҳақлимиз.

Ундан ташқари видеофилм тарихий мавзуда эканлигини назарга олинганда, иштирок этувчиларнинг баъзи бир кийимлари, уй-рўзғор буюмлари (кўйлак, паранжи, супурги ва ҳоказолар), отарава жабдуқлари этнографик нуқтаи назардан ўз даврини тўла акс эттиради дейиш қийин.

Албатта, бу видеофилм илк тажриба эди. Муаллифларнинг ўзига хос талқинлари, ижодий ёндашувлари бўлиши мумкин. Буни инкор қилиб бўлмайди. Аммо ижодий ёндашиш марҳум ёзувчи фикрини бузиш, чалакамчатти ифодалаш ёки унда йўқ нарсани бор қилиб кўрсатиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Бундай ҳолда марҳумнинг ўқувчилар ва жамоатчиликдан ўзга ҳимоячиси йўқ.

Бу фикрларни бугун ўртоқлашишдан мурод келажакда тайёрланадиган видеофилмларда шунга ўхшаш (асосий манбадан узоқлашиш) камчиликларга йўл қўймаслик зарурлигини эслатиб қўйишдан иборат.

Улуғ адиб, шоир, миллатпарвар Чўлпоннинг юз йиллигини муносиб буюклик билан кутиб олиш, ўтказиш эндиги насллар зиммасида. Биз ҳаммамиз адиб олдида қарздормиз.

Н. УСМОНОВ,
меҳнат фахрийси

Олтин мерос

ҚИЗ — ҒОЗ ЭМАС

«Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») — фалсафий-дидактик достон. Туркий тилда битилган биринчи бадиий асар, туркий достоннависликнинг илк намунаси, туркий халқлар «Шоҳномаси». Қорахонийлар салтанатига кирган ҳудудда яшаган қабилалар, элатлар учун муштарак ёдгорликдир. «Қутадғу билиг»нинг муаллифи ҳозирги Қирғизистонда бўлган Боласоғун шаҳрида туғилиб, кейинчалик Қашғарда яшаган Юсуф Боласоғуний томонидан ёзилган (1069-1070 йилларда) ва қорахонийлар ҳукмронларидан бўлган Бўғрохон Ҳорунга тортиқ қилинган. Хон Юсуфни бу хизмати учун Хос Ҳожиб (эшик оғабошиси) лавозими билан тақдирлаган.

Тулкий халқлар ва адабиёти учун баназир манба ҳисобланган «Қутадғу билиг» 6500 байт ёки 13000 мисрага яқин шеърлардан иборат (қирғизча нашри эса 6645 байт 13290 мисра, русча нашри 6646 байт ёки 13292 мисра). Ёдгорликнинг аруз вазнининг мутақориб (саккиз солим мутақориб) баҳрида ёзилганлиги узил-кесил исботланди.

Маълумки, матннинг шеърий, бадиий талқини аслият мазмунинигина эмас, шу билан бирга унинг поэтикасини ҳам айнан бера олишни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан шоҳона ёдноманинг русча таржимаси ҳам, қирғизча таржимаси ҳам диққатга лойиқдир. Гарчи буюк асарнинг қирғизча нашри (1988, Фрунзе) ва русча таржимаси (1990, Ленинград) босилиб чиққанига бир неча йилар ўтганига қарамай, илмий ҳақиқат юзасидан айрим фикрларни айтиб ўтиш ҳеч қачон кеч эмас.

С. Н. Иванов «Қутадғу билиг»ни рус тилига аруз вазнини ҳисобга олган ҳолда таржима қилган. Ёдгорликнинг шеърий мазмуни таржимада айнан берилган. Лекин тўрт туёқлилар ҳам тайғонади дегандек, таржимон айрим ноаниқликларга йўл қўйган: С. Н. Иванов **«улар куш унин туздимундар эшин»** деган мисрадаги **«улар»** (қуш) сўзини олмош деб тушуниб **«они»** деб таржима қилган (72 бет). Аслида эса «улар» (тўғриси: **уларкуш**) ёввойи тоғ куркасидир. Бошқа бир ўринда **«киз»** сўзини С. Н. Иванов **«қаз»** деб ўқиган ва «гуси» деб таржима қилган. Шу каби баъзи бир жузъий камчиликлардан қатъий назар, С. Н. Иванов вариантини классик шеърий адабиёт таржимасининг юксак намуналаридан дейиш мумкин.

Энди асарнинг «Куталчу билим» номи билан босилган қирғизча нашрига икки оғиз тўхталиб ўтамиз. Асарни бугунги қирғиз тилига Тўлаган Қўзибоев таржима қилган. А. Мўминалиев эса бадиийлаштирган. Асарга академик ёзувчи Тўгалбой Сидиқбеков сўз боши ёзган. Қирғизларнинг Юсуф Хос Ҳожибга қонқариндошлик кўзи билан қарашга интилишларини тушунса бўлади. Жумладан, Тўгалбой Сидиқбековнинг ўз вақтида «Қутадғу билиг»ни рус тилига таржима қилган шоир Наум Гребневнинг: «Бу ёдгорлик кўпроқ сенларники. Гап оқиннинг сенларнинг ерларингда дунёга келганидагина эмас, унинг характери ҳам, дунёси ҳам сенларникига яқин» деган гапларини келтиришини юқоридаги маънода тушиниш мумкин. Аслида эса «Қутадғу билиг»ни XI асрда яшаган бирор халқ ёки қабиланинг адабий ёдгорлиги дейиш тўғри эмас. У барча туркий халқларга баробар тегишли хазинадир.

Қирғизчасини аввал қадимги турк тилидан Т. Қўзибеков насрий таржима қилган. Сўнг Мўминалиев II бўғинли шеър билан байтга солган. «Қутадғу билиг»нинг қирғизча таржимасини русча таржима билан таққослаган китобхонда Мўминалиев бир қанча ўринларда С. Н. Иванов таржимасидан фойдаланиб иш кўрмадимикин деган савол туғилади. Бундай дейишга асосий сабаб шуки, Мўминалиев Юсуф Хос Ҳожибнинг қофияларидан бирон марта ҳам фойдаланган эмас, тўғри, Мўминалиев Юсуф Хос Ҳожибни соф қирғиз тилида шеър битишга ундай олган; бунда мазмунга ҳеч ҳам путур етмаган. Шунга қарамасдан қадимий турк тилидаги матнда ҳозирги қирғиз тилида бемалол ишлатиш мумкин бўлган қофиялар оз эмас: сўзин-юзин, туғи-тиғи, кўз-сўз, тил-бил, тилак-йўлак, уруғ-куруғ, юлдузи-кундузи ва б. Тўғри, аслият вазнига туширганда муаллиф ишлатган қофия тўғри келмай қолиши мумкин, албатта. Лекин бу қофиялардан қисман бўлса ҳам фойдаланилганда оригиналлик сақланган бўлур эди.

Бундай фикрга яна бир асос шуки, сайёралар ва буржлар ҳақидаги боб таржимасида баъзи сайёраларнинг русча номлари келтирилган: **Сатурн, Юпитер, Марс** (47 бет). Ҳолбуки аслиятда бу сайёраларнинг қадимий номлари берилган: Секантир, Ўнғай, Кўруд. Матнда сайёраларнинг қадимги туркча номи билан тилга олиниб, тагида изоҳ берилса, яхши бўлар эди.

«Қой жылдыз Уркер менен қатар келет» деган сатрда муаллиф **кўй** (юлдуз) деган эмас, **Кўзи** деган; иккинчидан, **уд** (ҳозирги қирғиз тилида — **уй**) **Уркер** — **Ҳулкар** эмас, балки **Савр** (ҳўкиз); руслар уни **Телец** дейди. Ҳулкарнинг русчаси эса **Плеяды**. Русча нусҳасидан фойдаланганлигига яна бир далил шуки, русча матндаги **«қадий»** сўзи (439 бет) қирғизчада ҳам **«қадий»** деб берилган (430 бет); ҳолбуки, бу сўз оргиналда **«қазы»** деб ёзиб қўйилган (Қ. Каримов нашри, 786 бет); қирғизлар ҳам бу сўзни **қазы** дейишади. (Юдахин, қирғизча-русча луғат, М. 1965, 317 б). Ёки Ҳодиб лақабини айнан русча шаклда хаджиб деб ёзилган (75, 78 ва бошқа бетлар), ёзувчи Сидиқбеков эса ҳажип деб тўғри олган. (8 бет).

Қирғизча таржимасида диний тушунчалар, персонажлар изоҳлари бир қанча ўринларда нотўғри кетган. Масалан, Муҳаммад пайғамбарнинг тўртта энг яқин сафдоши, дастлабки тўрт халифа — чорёр қалимги турк тилида, жумладан, «Қутадғу билиг»да **тўрт эш** (қисқача **эш**) деб аталган («Қутадғу билиг»нинг ўзбекча нашри, 51, 70 бетлар); қирғизчасида бу сўз **тўрт шогирд** деб таржима қилинган (39, 41, 527 бетлар), ҳолбуки қирғизчада ҳам **«чарыяр»** деган тушунча бор ва у қирғизча луғатларда акс этган.

Қирғиз ноширлари барча чорёрларни пайғамбар деб изоҳлаган (41, 520 бертлар). Эрон подшоларидан Шаддод бир ўринда Шагдод деб аталган (386 бет), иккинчи ўринда эса Шаддод — Беҳиштдаги боғ деб нотўғри изоҳланган (520 бет). Аслида эса Беҳиштдаги жаннат боғларидан бири афсонавий подшо томонидан барпо қилинган ва унинг номи билан аталган деган ривоят ҳақида сўз бормоқда. Достоннинг бош қаҳрамонларидан бири **Ўгдулмиш** (қадимги турк тилида ўг — ақл, заковат) қирғизча нашрда Ақдилмиш деб аталган.

Бу каби ноўрин «миллийлаштириш»лар достон нашрининг сифатига таъсир қилмай қолмайди.

Бизнинг бу қисқача мулоҳаларимиз бадиий таржима нақадар катта ижодий масъулият талаб қиладиган ҳодиса эканлигини яна бир карра исботлайди. Бизнинг сўзимиз шу масъулиятни ҳис қилишга хизмат қилади деган умиддамиз.

Суюн ҚОРАЕВ,
ЎзРФА тилшунослик институти катта илмий ходими

Олтин мерос

Ҳулкар ОЛИМЖОНОВА эл ардоқлаган шоира Зулфиянинг таваллуд айёмлари арафасида «Миллий тикланиш» газетасига адибамизнинг дафтарларда битилган, лекин эълон қилиб улгурмаган шеърларидан бир қанча намуналарни илтифот билан тақдим этдилар. Биз бу шеърларни орзиқиб, соғиниб кутган эдик. Зулфия опамиз шеърга илоҳий бир мўъжиза деб қарар ва уни дил тўрларида жуда узоқ сақлар эдилар. Сайқаллар эдилар. Қалбнинг энг нозик кечинмалари билан оролантирар эдилар. Газета-журналларга шеърларини тақдим этишга сира ошиқмас эдилар. Обдон-обдон кўнгиллари тўлгандан кейингина ва ўшанда ҳам ўта камтарлик ва минг узрхоҳлик билан босишга журъат этардилар. Шеър гавҳар мақомида етилганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина уни ўқишга қарор этардилар. Шоирада талабчанлик беҳад юксак тарбия топган эди. Илҳомнинг тошқин селлари ва дарёларини ҳамиша шу олий талабчанлик тўғонларидан ўтказар эдилар. Маҳоратнинг онаси — талабчанлик. Талабчанлиги бўлмаган, тарбияланмаган ёзувчи, шоир, мусаввир, бастакорда маҳорат ҳам йўқ. Талант ҳамиша сайқалга муҳтож. Бу шеърлар шундай юксак иқтидор ва талабчанликнинг ҳамкорлигида дунёга келгандирлар. «МТ» баҳорнинг ҳаётбахш нафаси гуркираб бағримизга урилаётган кунларда улуғ шоиранинг дафтарда қолган шеърларидан айрим намуналарини эълон қилишга муяссар бўлганидан бахтиёрлигини яширмайди, шеърхон ўқувчи!

МУКАРРАМ ВА МУМТОЗ

Баҳорнинг биринчи куни эди. Тонгдан бошланган иссиқ қор борлиқни оқ чодрасига ўраган. Оппоқ қор салтанатида шаҳар ғаройиб эртаклар қасридай кўринарди. Бахмал қирларидан Тошкентга — Зулфияхоним хонадонидаги бойчечаклар келиб улгурганди. Бойчечакнинг нозик гуляпроқлари шамнинг ёниқ илдизларидай нур сочарди. Кафтдайгина гулдонда баҳорнинг арзанда қизи шоирага севинч бахш этарди. Тинимсиз қўнғироқлар. Кетма-кет келаётган меҳмонларни шоира меҳрибонлик ва илтифот билан кутиб оларди. Шогирдларини бағрига маҳкам босиб, пешоналаридан ўпар ва юзларини оҳиста силаб, тўрга таклиф этарди. Шеър ва сўз. Сўз ва шеър. Бу давранинг шукуҳи, файзи, мазмуни шунчалар гўзал ва оромижон эди. Ўзи учирма қилган қалдирғочларини қанотига олиб, лутфу назокат ила ардоқлаб, уларнинг камолидан яйраб тўрда ўлтирардилар Зулфияхоним. Бу суҳбатлар, дийдорлашув дилдаги армонларга айланиб қолганига анча бўлди. Ушбу сувратда муҳрланган устознинг мунис чеҳрасидаги майинлик ва мукаррамлик ёзилмаган шеърларнинг сирли сатрларидир. Бойчечаклар Зулфияхоним нафаси кезиб юрган хонага ҳар гал 1 мартда эшик қоқиб келаверади. Гуллар, лолалар йўқлаб боради уни. Энди шогирдлар, дўстлар, мухлисларнинг ўчмас хотираларини нозик ва бағоят нурли бир суврат тинглайди. Бу монийнафас мусаввир Чингиз Аҳмаров яратган, Зулфияхонимнинг матога кўчган гўзал сиймосидир.

Сизни сўроқлаб баҳор келди, Зулфияхоним...

Ойдин ҲОЖИЕВА

Суврат 1996 йилнинг 1 март куни шоира хонадонида олинган. Машраб НУРИНБОЕВ фотоси

Зулфия

ИАТИЖО

Дард сахросин ўнгу сўлига
Имдод кутиб сарбондир нигоҳ.
Бугун бунда парвона бўлган
Эмиш мумтоз ҳазрати жарроҳ.

Тангри берган чипқонни ёрмоқ
Бандасига эмасдир раво.
Қўрасида бурч экан пишмоқ,
Хўп қоврилиб бўлганман адо.

Не-не наштарларга чидам берганман,
Гоҳо зако тиғи ҳам ларза.
Бўронида хўб соврилганман,
Ўзим ўлиб, ўзим тутганман аза.

Ҳажр чипқонининг кўзим очмоққа,
Вожиб олмоқ тангридан ризо,
Ўзи ярлақаса тонг-ла уёқда
Нур бўлиб ёғармиш ҳар ноҳақ жазо.

Бегуноҳ гуноҳга ботганлар озми.
Тақдири жафога солган қийноқлар.
Сафоси, жафоси, вафоси билан
Зиндонга ташланган қалби қайноқлар.

Оғриқ кўкракларда қуриганда сут
Тирик беваларнинг етим фарзанди
Эмдилар сут эмас, заҳарни қулт-қулт,
Қатоғон йилларнинг дардию-зардин.

Тарихдан қадрли, боқий туйғулар,
Маҳбуслар танида қолиб кетган куч,
Ҳали-ҳамон кезар, билмай уйқулар
Қурбонлар руҳида уйғоқ қолган ўч.

Мен ҳақ меҳробининг пойига чўкиб,
Тўкиб солдим таваллоларим.
Бир кун йиғлаб қолар ҳаммадан ҳам кўп
Етимликка увол шўрлик шеърларим...

Изларига қиламан таъзим,
Қайтаринглар келган йўлига...
... Бу ёғига топарман тўзим,
Берманг мени жарроҳ қўлига.
1995.

ТУНГИ ГУЛХАНЛАР

Биз кундуз ошиғи эканмиз асли,
Тунни севамиз деб ёзамиз қўшиқ,
Тоғлар этагида бўлдим ёз фасли,
Ҳар салқин парчаси минг сирга тўлиқ.

Мен сиру сеҳрни билмас ожиза,
Жодугар домига тушгандай бўлдим.
Тоғлиқнинг чақнаган юлдузи ора
Ёниқман деган мен, бир йўла сўндим...

Тўлин ой самонинг қулуни мисол,
Саллона-саллона булут-ла ўйнар,
Этакда чўпонлар қургани гулхан
Тиллари еллар-ла чирмашиб ўрлар.

Елнинг майин куйин қолдимми илғаб,
Тошларнинг бағрида туғилар чашма...
... Қалбимни инжитиб дард, орзу йиғлаб
Ажиб оғриқ ҳислар қилди карашма...

Бахмал

ШАРШАРАНИНГ ҚУШИҒИ

Тоғ бағридан оқилишидан,
Қорилишин зулмат шуъла,
Тошга тегиб қоқилишидан
Пайдо бўлган шўх ашулага
Масту аласт бўлиб ўйнар ел.
Тош-тикан ҳам дилим этса хуш,
Вужудимга йиллаб тўлган зил
Доғу ҳижрон бўлиб қолса туш.
Мен, бинафша ийманиб маъсум,
Буюк борлиқ бўлиб фарзанди.
Илҳом тангрисининг неъмати лим-лим,
Қалбимдан қоқилиб тушса шеър банди —
Менинг шаршарамнинг ажиб қўшиғи...
Зомин.

***

Ухлолмадим тонггача яна,
Кипригимга уйқу ҳам қўнмас.
Сен-чи, эй сен, Ойқор тоғ, мана
Тош юрагинг уйқу билан маст.

Қорликларнинг оппоқ чақнаши
Завқларимни эркалар кундуз.
О, тун, қўзғаб бедорлик ғашим,
Оромингга суқ-ла тикдим кўз.

Бедорликдан ҳориган жоним
Қурашади тонгдан шомгача.
Хотиралар титиб хаёлим,
Азобимдан кулар тонггача...
Назаримда курра оромда,
Борлиқ узра тун ёйган қанот...
... Сиёсату Замондан доғда
Ўз-ўзим-ла қилдим мулоқот.
Бахмал

СУВ БЎЙИДА

Сингиб кетсам сенинг қўйнингга,
Сочим каби ёйилиб кетсам,
Сўнг қўлларим солиб бўйнингга,
Ҳар тўлқинга бир шеър айтсам.

Кўм-кўк, муздек тўлқинларингда
Эркаласам қайноқ танамни.
Эриса-да кўнглим бир нафас,
Отса тоғдай зил-замбил ғамни.

Эримаса тўлқинларингда,
Яшаб қолсам изимда ҳийли.
Марҳаматинг бордир қўлингда,
Қайтариб бер шеърга майлим.

БИЗНИНГ ЁШЛИК ЙИЛЛАРДА ҚОЛДИ

Бизнинг ёшлик қолди йилларда.
Йиллар эса ярим асрлик.
Ҳар йилида гўё йилларда
Сен сақлаган муқаддас сирдек —
Гавҳар ҳам бор.
заҳари ҳам бор.
Шодлигидан заҳмати зиёд.
Нур тагида қолди гоҳ ғубор,
Гоҳ шодлигим ғам этди барбод...
27.V.74 йил

Миллий чолғулар

ҚОНУН

Қонун чангсимон чолғулардан бўлиб, чолғучи бармоқларига нохун (мизроб) боғлаб, қонун торларини териб чалади. Қонун товуши чанг товушидан фарқли ўлароқ, унча баланд, яъни кучли товушга эга бўлмаса ҳам, унинг нафис, мулойим садоси тингловчини ўзига тортади. Мозийга бир назар тишлаб кўрсак ажойиб бир воқеанинг шоҳиди бўламиз.

Мўғуллар истилоси даврида (XIII аср) Ўрта Осиёнинг маданий ҳаётида бироз орқага кетиш бўлди ва фақат сохибқирон Амир Темур Ўрта Осиёни бирлаштиргач, санъатнинг турли соҳалари яна равнақ топа бошлади. Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Насимий, Фузулий, Байҳақий, Дехлавийларнинг асарларида 60 дан зиёд халқ чолғуларининг номи зикр этилган.

Устод Абдусаттор қонуний, Ҳўжаки Жаъфарий қонуний, Ҳофиз Бобоий қонуний ва бошқа чолғу ижрочилари ўз даврларида миллий чолғуларни фақатгина асраб қолмай, уларни такомил топишида муҳим рол ўйнаганлар. Шул азиз зотлар шарофати туфайли миллий чолғуларимиз қатори қонун сози ҳам бизга насиб этди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг эътироф этишича, Алишер Навоий ўз даврида кўплаб чолғучиларнинг истеъдодини намоён этишга кўмаклашган. Бобурнинг таъкидлашича, ўз замонасининг моҳир чолғучи ва бастакорларни миллий назм ва наволари билан Навоий ёрдами ва ҳомийлигида катта шуҳрат қозонганлар. Қонун асосан Шарқ мамлакатлари ва Кавказда кенг қўлланади. Ўзбекистонда қонун сози турли ансамбларда ва якканавозликда ўз муносиб ўрнини эгаллаган. Яқин йилларда хориждаги устозлар каби моҳир чолғучилар етишиб чиқади. Бунга имконимиз комилдир.

Юнон ривоятидан,
варақлаб истасангиз,
Машойих айтганидек,
пур навони топгайсиз.
Чуқур билмак учун сиз,
ҳаётдан истасангиз,
Шифокордан сўранг
сиз,куй дардга
даво тенгсиз.
Бир вақт йўқолган қонун,
қайтиб келди
ўрнига,
Баркамоллик қўшиғин,
куйладилар кўпми-кам.
Мустақиллик қуёши
етди меҳр тўрига.
Қанча битсак тарбия,
бўлғусидир созу кам.
Қонун ҳасратин айтса,
кўзингизга ёш келур
Қонун дилбар куйласа,
кўнглингиз ҳузур қилур.
Рез қилганда майдалаб, рухингизга бир талаб,
Будир эзгу, нафосат,
Сайфи соз наво тилаб.

Сайфи ЖАЛИЛ,
профессор



Кўпни кўрган одамлар

ЮРТИМИЗНИНГ ЖЎРАСИ

«Жўра» деган исм юртимизда кенг тарқалган. Унинг асл маъноси «ошна», «оғайни», «ўртоқ». Жуда яхши исм. Мен билган ва таниган Жўраларнинг ҳаммаси ўз исм-отларига монандлар. Улар ҳақиқатда ҳам ҳар биримизга ўртоқ, ошна ёки оғайни. Биз улар билан фахрланамиз. Лекин, шуларнинг биттаси менга жуда ҳам ўзининг жўралиги, ошна-оғайнигарчиликни қадрига етиши, бу муносабатларни ўрнига қўя билиши билан ниҳоятда маъқул тушади. Бу инсон — Жўра Хоназаров. Жўра ака туғилганда, катта ойиси «Худо сизларга, Хоназарвой ва Зебиниса, ўғил берди. Ўғлингиз, худо хоҳласа, ўртоқлари билан ўйнаб, уларга жўрабоши бўлиб юради. Исмини Жўра қўяйлик», деган экан ва шу-шу халқимиз қаторига яна бир Жўра қўшилган экан. Жўра аканинг катта ойиси шу сўзларни айтганда, паришта «омин» деган чоғи, ҳақиқатда ҳам, Жўра ака эл-юртда ўз исмига монанд кўп хайрли ишлар қилди.

Ўн икки яшар Жўра республикада мактаб болалари учун чиқадиган рўзноманинг доимий фаол муҳбири эди. Унинг мақолалари рўзнома саҳифаларида тез-тез чиқиб турарди... Ўн тўққиз ёшида у Тошкент шаҳар ёшларининг дарғаси этиб сайланади. Шу-шу у Тошкент вилоятининг Қорасув, Бўка туманларида, Қорақалпоғистонда, Мирзачўлда, Халқободда ишлади. Эл-юртнинг хизматини сидқидилдин адо этди. У қаерда ишламасин, доим халқнинг фаровонлиги учун янги имкониятлар ва заҳиралар топди, меҳнат самарадорлигини кўзлади, ҳар бир жамоада ишчанлик руҳи, талабчанлик муҳити юзага келишига алоҳида эътибор берди.

Жўра ака кўп қизиққан соҳаларидан бири — республикада футбол спорти ва унинг равнақи. Футбол деса жонини беради. У кишининг бу борадаги фаоллиги ҳақида афсоналар юради. «Пахтакор» футбол командаси Жўра ака қишлоқ хўжалик вазири бўлиб ишлаб турганда, кундалик жонкуярлик ва кўмак туфайли халқаро мезонлар даражасидаги футбол жамоалари билан беллаша оладиган командага айланди.

Жўра Хоназаров бугун саксонни қаршиладилар.

Ҳозирги кунларда Жўра ака ўзи яхши билган Қибрай туманида «Нуроний» жамғармасининг раиси. Жўра ака кексаларга барча шарт-шароитлар яратиб бериш учун қайғургани қуйғурган. Жўра аканинг ҳаракати билан тумандаги минг фахрийнинг уйига телефон ўрнатилди. Фахрийларга алоҳида маскан қурилди ва бу жойда бир йилнинг ўзидаёқ мингга яқин кексалар текин дам олди. Тўрт жойда гузар қурилди ва улар «Экосан» ташкилотининг етти юз минг сўм мукофотига сазовор бўлди. Бу маблағ кексаларга дори-дармон олишга сарфланди. 1996 йилда туман фахрийлари Хўжақўрғон қишлоғида болалар боғчасини қайта қуриб, уни жиҳозладилар ва тантанали вазиятда ёш авлодга топширдилар. Ҳозирги кунларда «Қизил кўприк» деган жойда фахрийлар ташаббуси билан санаторий-профилакторий қурилмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жўра ака фахрийларнинг мустақиллик шароитида маънавиятга бўлган ташналигини қондиришга катта эътибор беради. Республикамизнинг атоқли ёзувчилари, шоирлари, олимлари, жамоат арбоблари билан доимий ва мунтазам учрашувлар ташкил қилинади. Қибрай фахрийлари Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Неъмат Аминов, профессор Абдуҳафиз Жалолов ва бошқалар билан учрашувларда бўлдилар.

Жўра ака ўзининг саксон йиллигини байрам қилаётган кунларда сиҳат-саломатлик, куч-қувват ва дойимдагидек жўшқинлик тилаймиз.

Эргаш БОЙЗОҚОВ

Қибрай

МУНАҚҚИДЛАРГА ЁҚМАГАН «ФАРҒОНА ҚИЗИ»

Роппа-роса 50 йил муқаддам худди шундай фаслда — ҳали дала-даштни қишнинг изғирин шамоли кезиб юрган чоғларда Водил атрофларида «Фарғона қизи» деб аталган янги ўзбек бадиий филми суратга олина бошланган эди. Асар тайёр бўлиб, экранга тақдим этилганида ва нуроний отахонлар айтишича, Беш ёғоч даҳасидаги Алишер Навоий номидаги (аввалги номи «Турон») кинотеатрида бу асар ижодкорлари билан учрашув ташкил этилганида, «ортиқча чипта» излаганларнинг сони жуда кўп бўлган. Хадра даҳасидаги «Ватан» (ҳозирги Ҳамза номидаги театр биноси ўрнида бўлган) кинотеатри ҳам сеансни сеансга улаб фарғоналик қизнинг ҳаётидан олинган лавҳаларни кўрсатаётган кунлари айрим мунаққидлар асарни қоралаб чиқдилар.

Ҳаммани зир титратган «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1948 й., 20 ноябр) филмга «партиявийлик принципи етишмайди. Колхоз қишлоғи социалистик хўжалигининг мислсиз даражада ривожланишига бевосита раҳбарлик қилувчи партия ташкилоти ва қишлоқ коммунистларининг роли авторларнинг эътиборидан четда қолган. Партия раҳбарлигини асарнинг руҳига сингдириш совет санъатининг асосий бурчидир... Раҳбарлик қилувчи колхоз партия ташкилоти кўринмайди. Бу эса филмнинг энг катта нуқсонидир...» — деб ёзди.

Машъум коммунистик партияни улуғлаш, унинг «донолигини» қайд этиш, баландпарвоз гаплар билан замонни куйлаш талаб этилган дамларда оддий ўзбек қизи Дилбар, унинг оиласи, севгиси ҳақида, Жаббор ота исмли бригадирнинг қишлоқ ҳаётидан кўнгли тўлмай, иккиланиб, техникага ишонмай қишлоқдан бош олиб чиқиб кетишини таърифлаш догматик танқидчиликка маъқул бўлмагани ажабланарли ҳол эмас.

Сценарийнавислар ва режиссёр қаҳрамонларининг характеридаги зиддиятларни силлиқламадилар. Дилбарнинг шижоати, меҳнатдаги

ғайрати, ташаббуси билан бирга қайсарлиги, чўрткесарлиги, ваъдани катта олишини ҳам кўрамиз. Жаббор ота эскиликни қўмсайдиган, бинобарин, янгиликка ҳамиша шубҳа билан қарайдиган, оиладаги «яккаҳокимлик» тарафдори сифатида намоён бўлади. Ранг-баранг характерлар, ўз таржимаи ҳолига эга бўлган қаҳрамонлар образларини яратишда Наби Ғаниев ҳам драматург, ҳам ижрочилик санъатига меҳр қўйган, унга ишонган режиссёр сифатида ижод этганини кўрамиз. У томошабин кўнглига дарҳол йўл топадиган ҳикоя услубини қўллайди. Яқиндагина «Тоҳир ва Зуҳра» афсонасининг сирли муҳитида яшаган, гўзал, садоқатли ёрни таърифлаган Юлдуз Ризаева шоҳ қизининг либосини, тақинчоқларини ечиб, коржома кийиб, трактор, пахта териш машинасини бошқарувчи қиз ҳолатига кириши, майда сочларини бошига чамбар айлаб, «Тановар»ни айтиб, гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ дугоналари даврасида ҳазил қилиб эътиборимизни тортади. Юлдуз опа ўша суратга олиш дамларини эслаб: «Сценарий бўйича Дилбар мотоцикл ҳайдаши керак эди. Трактор, катта қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариши керак эди. Ўрганганман. Дублёрлар у вақтларда бўлмас эди. Тошкентдаги «Мотоклуб»га бориб ўқиганман. Эндигина шаҳримизда пайдо бўла бошлаган мотоциклни миниб катта, шоҳ кўчаларда ҳам, Фарғона йўлларида ҳам миниб юрган чоғларим бўлган. Мени бу аҳволда кўрган спорт клуби мотоцикл бўйича ўтказиладиган мусобақага кўп таклиф этган ҳам. Бормаганман. Юборишмаган», — дейдилар. Филмда биз Дилбарни фақат техника билан банд бўлганида, бу ҳақда баҳс бўлганидагина кўрмаймиз. Режиссёр ва муаллифлардан бири Н. Ғаниев дадил, сермулоҳаза, тиниб-тинчимайдиган қизалоқнинг лирик кайфиятини, севгисини, изтиробларини тасвирлашга ёрдам берадиган ўйчан куй ва қўшиқлардан ҳам фойдаланади. Табиат оғушидаги қиз сочларини ўраб, ўйнаб ашула айтиб келиши сюжет билан, қаҳрамон кайфияти билан боғланган. Бошқа эпизодларда ҳам гоҳ кадрда гоҳ кадр ортида халқ куйлари ижро этилиб бориши филмни янада нафис бўлишини таъминлаган. Дилбарнинг ота-онасига, ёрига, дугоналарига бўлган муносабатларида асл ўзбек қизларига хос бўлган одобни, ҳаёни кўрамиз.

Хон Бобохон ролини («Тоҳир ва Зуҳра» филми) ўйнаб барчанинг диққатини тортган ва Ҳусайн Бойқаро («Алишер Навоий» филми) образи устида иш бошлаган Асад Исматов бу гал у қадар катта ва таъсирчан адабий «юк» билан таъминланган бўлмаса-да, икки-уч эпизодда «юраги тоза, лекин ўжарлиги, қайсарлиги» туфайли ҳижолатда қолганида дарбадарликни афзал кўрган ойла бошлиғини, ном қозонган деҳқонни тасвирлаб беради. Унинг қўлидаги чилим ҳам, пиёла ёки тўн ҳам, бошидаги дўпписи ҳам характерни, кайфиятни очишга ёрдам беради. Андижон театридан «Ўзбекфилм»га келган бу актёр қанчалик ўзбек ҳаётининг икир-чикирларини, урф-одатларини чуқур билганидан, ўзлаштирганидан дарак бериб туради. Хотинига жаҳл қилиб чилимни тортиши ва бадҳўр тутунга бардош беролмай қолиши... Полвонни кўриб қолиб катта пиёладаги чойни бир хўплашда тугатиб, ҳазил, сўз олишувига ҳозирланиши актёр ҳар бир имо-ишора, хатти-ҳаракатни талабчанлик билан қўллашини тасдиқлаб туради. Бу образ бош қаҳрамон билан ёнма-ён туради ва унга тавсиф беришда муаллифга, Ю. Ризаевага ёрдам беради.

Колхоз раиси Жамол опа (арт. Х. Аминова), агроном Олимжон (арт. М. Юнусов), муҳандис Собиржон (арт. Г. Тожиаълоев) ва унинг ҳамкасблари образлари эса аввало адабий жиҳатдан заиф-роқ ёзилган. Шу сабабдан истеъдодли актёрларнинг ижроси мукаммалликдан йироқ кўринади. Лекин филмда ўзбек киносида илк бор аёл кишини колхоз раиси сифатида кўрсатишга бўлган интилишнинг тарихи бор, сабаби бор. Н. Ғаниев аёлларга паст назар билан қаралган дамларда улар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, «заифа» ҳисобланиб келганлар раҳбар лавозимларда ҳам фаоллик кўрсата олишларини намойиш этиш ниятида бундай образни ўзбек киносида биринчи марта ёритишга қарор қилгани сезилади. Биринчи синов, тажриба, қадам эса бенуқсон бўлмас...

40-йилларда миллий кинематография тарихий мавзуларни ёритиш билан бутқул банд эди. Долзарб масалаларга бағишланган бадиий кинофилмлар мутлақо ишланмас эди. Бинобарин, бу соҳада тажриба ҳам йўқ эди. Шу боис мазкур асар ижодкорлари жасорат кўрсатганини, ҳеч ўрганилмаган колхоз ҳаётининг бадиий таърифини экранда намоён этганлигини таъкидлардик. Бу изланиш даврида улар соцреализм тавсия этган қолиплардан воз кечишга журъат этганлари, қаҳрамонни фақат оқ ва қора туслар ёрдамида ифода этмай, нозик ранг-баранг бўёқлар излаб топганлари ва улар кўмагида мураккаб бадиий тўқима, ҳаётий манзара яратганларини бугун — асарнинг ярим асрлик тўйи нишонланаётган кун айтиб ўтардик. Тўғри, асарга 40-йилларда ҳукм сурган муҳит ҳам ўз таъсирини маълум даражада ўтказган. Айрим қадрларда «фаровон ҳаётга» бўлган ишора йўқ эмас, сўнгги қадрларда эса ортиқча дабдаба, сунъий равишда ташкил этилган «кўтаринки руҳ» лирик қиссага мос келмаган. Шу билан бирга Наби Ғаниевнинг бу асарини ўрганса арзийди, унинг тажрибаси ҳозирги ижодий жараён учун ҳам хизмат қилади.

Шоира ИБРОҲИМОВА

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0112.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил. 4 март | 9 (90)- сон

КУН ТАРТИБИДА: ОРОЛ ҲАВЗАСИ МУАММОЛАРИ

БЕШ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТНИНГ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ МУАММОЛАРИНИ ЕЧИШ УЧУН АЛМАТИДА УЧРАШДИЛАР.
УМУМЖАҲОН БАНКИ ВА БОШҚА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШГА БОШ ҚЎШМОҚДАЛАР.
ИСЛОМ КАРИМОВ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ САЙЛАНДИ.

Алматида бўлиб ўтган бу улкан халқаро анжуманда 60 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган регионлдаги табиий ҳамда иқтисодий, ижтимоий аҳволга бутун жаҳоннинг эътибори тортилди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон президентлари Орол ҳавзаси муаммосига соғлом, реалистик кўз билан қараб, унинг оғир дардлари ҳақида сўзлаб дунёга бонг урмоқдалар. Чиндан ҳам, тинмай бонг урадиган палла аллақачон етган.

Уларнинг ғайратли сай-ҳаракатлари натижасида эндиликда дунёнинг нуфузли ва қодир ташкилотлари Орол муаммоларини яқиндан ҳал этишга бел боғламоқдалар, маблағлар ажратмоқдалар. Йирик олимлар, офатлар билан курашда чиниққан омилкор мутахассисларни бу зўрабор ишга жалб қилмоқдалар. Орол ва Оролбўйини қутқариш ҳаракати кучли тўлқинга айланмоқда.

Бирлашган ўзар деган ҳикмат бунда ўз исботини топмоқда.



Суратда: учрашув пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва Муҳаммад АМИН суратлари (ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС КЕНГАШИДА

ҚОНУН ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Ўтган ҳафта Олий Мажлис Кенгашининг анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги масала кўрилди.

Мажлисни Олий Мажлис раиси Эркин Халилов олиб борди. Кенгашда Олий Мажлис қўмиталарининг раислари, Ўзбекистон Бош прокурори, Олий суд раиси, адлия вазири, Конституцион суд раиси, Олий хўжалик суди масъул ходимлари, партиялар фракцияларининг раҳбарлари, масъул идораларнинг раҳбарлари, вилоятларнинг прокурорлари, матбуот вакиллари қатнашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Бўритош Мустафоев қўйилган масала юзасидан ҳисобот берди.

Унда қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тенгликка ҳар томонлама изчил риоя этиш, вазиятга кескин таъсир кўрсатишга қобил, тезкорлик ва ташаббускорлик билан ишлайдиган назорат механизмларига эътиборни кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишига қарши кескин чора-тадбирлар кўриш ва суд амалиёти билан чамбарчас боғлиқ кенг тарздаги вазифалар кўздан кечирилди ва таҳлилдан ўтказилди.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан жуда муҳим таклифлар, мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон прокуратураси собиқ иттифоқнинг машъум андозаларидан бутунлай воз кечиб, янги, тамомила демократик иш усулларига ўтганлиги қайд этилди. Олий Мажлис Кенгаши қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоялаш ишларини ташкил этишни қўйилаётган талаблар даражасига кўтариш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

БИЗ ЎЗ-ЎЗИМИЗНИ ТАНИЙМИЗМИ?

Эркин бозор иқтисоди муносабатларига ўтилаётган даврда мамлакат ва одамлар олдида бошқа жуда кўп муҳимдан муҳим масалалар турганда «сиз ўз-ўзингизни танийсизми?» — деган савол унчалар аҳамиятга эга эмасдек туюлиши мумкин. Адашмасам, ҳазрат Навоийда ўқиганман: «Сен ўзингни тонимас эрмишсан, ўз-ўзингни тонимас эрмишсан...» деган сўзларни. Одамнинг маърифати шу жуда оддий ва содда нарсадан — ўз-ўзини танишдан бошланади. Ўзини таниган одам осмонни ҳам, ерни ҳам танийди. Ўзини таниш қанчалар бўлса, бошқаларни таниш ҳам шунчалар бўлади. Ўзини танимаган одамларни ҳам танимайди. Муҳитни ҳам англамайди. Оламга келиб кўзи очилмай ўтиб кетади. Ўз-ўзини таниш табиат томонидан қанчалар ноёб ва ҳайратомиз қилиб яратилганлигини англаш ва туйиш демакдир. Шу англаш баробарида кишида ўз-ўзига ҳурмат уйғонади. Ўз-ўзига ҳурматни баъзан худбинлик деб англайдилар. Ўз-ўзига ҳурмат асло худбинлик эмас. Асли ўз-ўзига ҳурмат ўзгаларни ҳурмат қилишга тенг.

Ўзини таниш — ҳайратнинг боши, ибтидоси.

Кишининг ташқи дунё билан муносабати худди шу нарсага — ўз-ўзини қанчалар билиши, танишига туппа-тўғри боғлиқ.

Ўз-ўзини таниш аслида ўз-ўзини баҳолаш дегани бўлса керак.

Сиз ўзингизга қандай баҳо берасиз? Берган баҳонгиз бошқаларнинг баҳосига қанчалар тўғри келади? Баҳони атроф муҳитнинг сизга берган баҳоси, умуман, сизга қандай қараши билан чоғиштириб, солиштириб, қиёслаб кўрганмисиз?

Ўзига тўғри баҳо берадиган одам ҳаётда кам янглишади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов яқинда Вазирлар Маҳкамасида сўзланган нутқда жаҳон бозори тўлиб ётибди, жаҳон бозорида ҳеч ким сифатсиз товарни оламан деб кўзи учиб тургани йўқ. Ташқи бозорга фақат энг аъло сифатли ва юқори даражали мол-товар маҳсулотлар билангина чиқиш, унда ўз ўрнига эга бўлиш мумкин. Алмисоқдан қолган ускуналар ва алмисоқдан қолган иш усуллари билан жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариб бўлмайди, деган фикрларни айтдилар. Ва шу муносабат билан интеллектуал лаёқатларни рўёбга чиқариш, янги ташаббуслар, бунёдкорлик дастурларини ўртага ташлашни жон-дилдан ёқлаб сўз айтдилар. Шундай масалаларни юрагимиздан ўтказиб турайлик. Истеъдодларга қанот берайлик! — деган ажойиб фикрларни ўртага қўйдилар.

ИСТЕЪДОДЛАРГА ҚАНОТ БЕРАЙЛИК!

Қанчалар ёрқин салоҳиятга эга бу сўз! Мустақиллигини қўлга киритиб мустаҳкамлаётган мамлакат биринчи навбатда изчил қатъият билан адо этадиган биринчи навбатдаги иш бу!

Баъзи одамлар истеъдод нима? Уни қаердан оламиз? — дейдилар. Истеъдод халқ орасида кўп. Агар замирга қарайдиган бўлсак, ҳар бир одамнинг ўзи истеъдод. Истеъдод бўлмаса, шунчалар ҳайратомиз механизм қаердан ҳам келарди? Лекин истеъдодлар тўғри баҳоланяптими? Тўғри аниқланяптими? Тўғри белгиланяптими? Президентимиз ўртага ташлаган инсон манфаатларини ҳимоя қилиш шиорини соддалаштириб, одмилаштириб юбориш ва тасаввур қилиш ярамайди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш аввало — истеъдодларни ҳимоя қилиш, уларга ҳақиқатан ҳам, қанот бағишлаш, уларнинг равнақи учун куч сарфлаш деганидир.

ҲАР БИР ОДАМ МИЛЛИЙ БОЙЛИК

Ҳа, бизда ҳар бир одам миллий бойлик. Ҳар бир одамни истеъдод деб билсак, ҳар бир одамга миллий бойлик сифатида қарашга ҳам ўрганишимиз турган гап.

Гап шу миллий бойликни қандай рўёбга чиқаришда. Миллий бойликни қандай тарбиялашда. Камол топтиришда.

Яқинда хассос рассом укам Ортиқали Қозоқов мени ўз устахонасига таклиф этди. Укам минглаб ноёб иқтидор маҳсули бўлган асарлар яратибди. Томоша қиламану ўз-ўзимга қандай улгурди экан? қандай улгурди? — деб савол бераман. Шу кичкинагина инсон жуссасига шунчалар истеъдод қудрати жо бўлганига ҳайратланаман. Кеча-кундуз тинмай сурат чизганда ҳам, шунча асарларни яратиб улгуриш жуда қийин. Фақат истеъдод мўъжизасигина бунга қодир. Истеъдод — миллий бойлик. У неча юзлаб, минглаб бебаҳо бойликларни бунёд этади. Дунёга беради. Ортиқали учун ҳақиқий ҳаёт сурат чизишга ўтирганида бошланади. Ҳаёт, яшаш тушунчаси унга яратиш, бунёд этиш тушунчаси билан тенг. Ортиқали истеъдод фақат иш чоғида очилишини яхши билади. Боши билан ишга шўнғийди. Баъзан вилоятлар ҳаётини соғиниб, вилоятлар газеталари, вилоятларда чиқаётган иқтидорли кишиларнинг китобларини завқланиб варақлаб ўтираман.

У китоб-бу китобдан ярақюрақ қилиб ноёб фикрлар порлаб қолади. Ҳаётнинг биз пойтахтда ўтириб билмаган қирралари товланиб кетади. Шу билан бирга сўз том маънода исроф бўлган, пароканда, паришон, фаросат яқин йўламаган, ҳаваскорлик даражасидан ҳам паст назмбозлик, ҳикоябозлик, мақолабозликлар қанчадан қанча! Шунча қоғоз, пул сарфлаб ким учун чиқарилди бу нарсалар дейсиз. Шулар ҳаммаси муаллифлар ўз кучлари ва ўзларини тўғри баҳоламаганликлари натижаси. Барча катта-кичик хатоларнинг илдизи киши ўзига ўзи нотўғри баҳо беришидан, ўз кучларини тўғри чамаламасликдан, ўтиш даври кайфиятлари ҳамда қийинчиликларидан ўз шуҳратпарастликлари, ортиқ даражадиги иззатпарастликларини қондириш учун фойдаланиб қолишга уринаётганликларидан дарак беради. Агар улар ўзларига тўғри баҳо берганларида эди бундай шеърлар, достонларни ҳеч қачон шеър ва достон деб тақдим этмас эдилар. Кўчаларда, денгиз соҳилларида яланғоч юришни яхши кўрадиган одамлар бўлади дейишади. Тутуриқсиз, пала-партиш «асарлар»ни қандай бўлмасин китоб қилиб чиқаришга уриниш ва уларни жамиятнинг бурнига тиқиштириш ўшанақа кўчага яланғоч чиқишдан бошқа нарса эмас. Ўзини ва жамиятни ҳурмат қилган одам бундай қилмаслиги керак. Булар бари мактабларда, боғчаларда, олий ўқув даргоҳларида бадиий тарбия ўта суст ва паст эканлигини кўрсатади. Инсоннинг айби йўқ. У фақат ўз-ўзини яхши таниб олмаган, ўз истеъдоди нимада эканлигини аниқ белгиламаган.

Бизнинг бу гапларимиз ҳар бир одам — миллий бойлик деган тушунчамизга асло зид эмас. Ҳаётда ўз ўрнини топмаган, кўпинча бошқа соҳаларда адашиб юрган кишилар оз эмас. Улар эҳтимол ўзларини тўла ва яхши таниб улгурмагандирлар. Гап ўз-ўзини танишда.

Ўз-ўзига тўғри баҳо беришда. Ўз-ўзини таниган одам истеъдодини парвозга шайлаган одамдир.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Партиямиз фаоллари

Ким аслида ким?

Акрам КАТТАБЕКОВ — Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Сирдарё вилояти кенгашининг раиси.

Акрам КАТТАБЕКОВ 1944 йилда ҳозирги Жиззах вилоятига қарашли Ғаллаорол туманида туғилган. 1966 йилда Тошкент Давлат университетининг филология факультетини битирган. Шундан буён Сирдарё давлат педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Филология фанлари доктори, профессор.

А. Каттабеков «Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат» (1982), «Олис юлдузлар жилоси» (1984), «Тарих сабоқлари» (1986) сингари монографиялар муаллифи.

Матбуот саҳифаларида А. Каттабековнинг 80 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган.

А. Каттабеков олий ва ўрта мактабларда адабиётни ўқитишни янги асосга қўйиш муаммоларини матбуотда кўтариб чиқди, бир қатор дарслик ва қўлланмалар яратди.

А. Каттабеков узоқ йиллар Гулистон университетининг илмий ишлар проректори лавозимида ишлаб, илмий-педагогик мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб улуш қўшди.

Профессор А. Каттабеков кенг жамоатчилик фаолияти билан шуғулланади: вилоят маънавият ва маърифат Маркази Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, МТДП вилоят Кенгаши раиси сифатида фаол иш олиб бормоқда.

Сабо, еткур саломимни

ТАШАККУР

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари!

Бир мухлис сифатида ушбу «Миллий тикланиш» рўзномасининг «Миллий чолғулар» рукни остида бериб борилаётган атоқли ўзбек композитори, профессор Сайфи Жалилнинг созларимиз ҳақидаги мақолаларини ўқиб жуда қувонаман. Мақолалар мусиқага алоқадор ёки алоқаси бўлмаган кишиларга ҳам тушунарли қилиб ёзилган, улар ўқиган ҳар бир одамнинг созлар ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради ва уларга қизиқиш уйғотади. Менимча, созлар ҳақида шу вақтгача ҳеч ким бу тарзда (яъни, ҳар бир созга алоҳида эътибор бериб) мақола ёзмаган. Демак, домланинг бу ишга қўл уришлари айни савоб ишдир. Биз, ўқувчилар мақолаларни ўқиб, созларнинг гуруҳларга бўлиниши (пуфлама, чертиб чалинадиган ва камонли), уларнинг келиб чиқиш тарихи ва шунинг билан бирга бу чолғуларда ажойиб куйлар яратиб, уларни қойилмақом қилиб ижро этган устоз санъаткорлар ҳақида ҳам қимматли маълумотларга эга бўлдик. Бу мақолалар болалар мусиқа мактаблари учун ҳам жуда керакли деб ўйлайман. Чунки илк бор қўлига соз олган бола учун у чалаётган чолғунинг қандай пайдо бўлгани, қандай қўлланаётгани ҳам қизиқ бўлади. Агарда ўқитувчи бу ҳақда ўқувчисига сўзлаб берса, «нур устига аъло нур», албатта.

Демоқчиманки, мусиқа муаллими учун бу мақолалар дарс пайти яхши ёрдам беради. Муаллифнинг яна бир фазилати, бу унинг шоиртабиатлиги. Мақолалар шеърий сўзлар билан таъриф-тавсиф қилиниб, куйларнинг нота ёзувидаги намунаси билан эълон қилиниши, худди узукка кўз қўйгандек ажойиб. Шунинг учун улар ўқиган одамнинг эсида муҳрланиб қолади. Мен домлага бундан кейин ҳам шундай савоб ишлар қилиб, биз ёшларга, шогирдларига ўрнак бўлишларини тилайман.

Ҳурмат билан М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси шарқий мусиқашунослик кафедраси IV курс талабаси

Шаҳноза ОЙХЎЖАЕВА

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ИЗЧИЛ БОСҚИЧ АВВАЛИДА

Шубҳасиз, ўтган ҳафта мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа - Президентимиз раислигида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 1997 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисидир.

Ҳар қандай тартибсизликда ҳам бир ички тартиб бор. Ёдингизда бўлса, биз мактаб вақтимизда кимё фанидан ўтган Броун ҳаракатининг моҳиятида чуқур қонуният ётгани аниқланган.

Шунга ўхшаб, биз минг бор «бозор! эркинлик!» деб жар солмайлик, уни «режали социализм»га қарши қўймайлик, барибир, бозор иқтисодининг кўзга илғанмас унсурларидан бири - унинг таҳлилий режага асосланганидир. Албатта, бу режа «фалон жуфт калиш ишлаб чиқарамиз, уни ҳамма сотиб олади, чунки рақобат қиладиган бошқа маҳсулотнинг ўзи йўқ» сингари ўта жўн кўринишларда эмас, кенг кўламли, устивор йўналишларда ўз аксини топади.

Шу маънода мазкур йиғилиш 1996 йилда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларга холис баҳо бериб, Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилнинг асосий вазифаларини белгилаб берди.

«Биз 1997 йилга... Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ислоҳотлар йўлидан дадил боришидаги изчил босқич сифатида қарашимиз лозим», — дея алоҳида уқтирди Президент ўз маърузасида.

Ушбу анжуманда тилга олинган рақамлар, белгиланган йўналишлар хусусида ҳали мутахассислар ўз хулосаларини, фикр-мулоҳазаларини билдиришар. Бизни эса миллатнинг миллат бўлиб тикланишида муҳим ижобий омил бўлиб хизмат қиладиган Инсон манфаатлари тушунчасига алоҳида эътибор қаратилгани мамнун этди. Маълумки, ҳукуматимиз Инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг 1997 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқди. Унда, жумладан, шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини амалга ошириш; инсон ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш; инсоннинг маданий- маънавий интеллектуал лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш сингари тадбирларга кенг ўрин берилган. Асосий гап режаларнинг ҳаётга, турмуш тарзимизга кўчишида, амалиётга жорий қилинишида.

Бу эса фақат ҳукумат, манфаатдор ташкилотларнинггина эмас, ҳамманинг иши. Президент таъкидлаб ўтганидек: «Мазкур дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаро, ҳар бир шаҳри, ҳар бир қишлоғи ҳаётида ўз ифодасини топиши... янги ташаббуслар туғилишига, янги имкониятлар очилишига олиб келиши, одамларимизга бунёдкорлик кайфияти бағишлаши билан ғоят муҳимдир».

ТАРАҚҚИЁТ МАНБАИ

Пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган 450 ўринли «Чинобод» санаториясида «Маънавият - тараққиёт манбаи» мавзуида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда таниқли ёзувчи, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси Худойберди Тўхтабоев ҳамда ёзувчи-шоирлардан Нормурод Нарзулаев, Ҳожиакбар Шайхов, Ориф Одилхоновлар иштирок этишди.

Санатория бош врачи Насим Зуфаров кириш сўзида мустақил юртимизда маънавиятга, жумладан, соғлом авлод тақдирига алоҳида эътибор берилаётгани, бу эса миллатнинг руҳий-жисмоний баркамоллигига омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Шундан кейин сўзга чиққан қаламкашлар маънавият, қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни борасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар, ижод намуналаридан ўқиб бердилар, келгуси режалари билан ўртоқлашдилар.

Қизиқарли учрашув сўнггида санатория бадиий гуруҳи ҳамда ҳамширалар ҳамкорлигида мўъжазгина концерт дастури намойиш этилди.

Учрашув республикамизнинг барча вилоятларидан келиб, ҳордиқ олаётган юртдошларимизда катта таассурот қолдирди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзининг серқирра фаолияти билан тобора тилга тушиб бораётган «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Жамғарма Қодирий номидаги Маданият институти, Улуғбек туманидаги Маданият уйи, М. Алавия номидаги 148-мактаб фаоллари билан ҳамкорликда «Маҳалла, мактаб, маънавият» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди.

Анжуманда таниқли олим, фалсафа фанлари доктори, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим мудири Турғунбой Саксонов «Миллий қадриятларнинг мактаб ислоҳотидаги ўрни», Адабиёт институтининг директори, филология фанлари доктори Т. Мирзаев «Халқ ижодиёти — маънавият асоси», «Олтин мерос» жамғармасининг бўлим мудири Насиба Усмонова «Маънавий меросни ўрганишнинг янги йўналишлари», Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг раиси муовини, тарих фанлари номзоди Муборак Юнусхўжаева «Ёшлар маънавиятини камол топтиришда маҳалланинг ўрни», Маданият институтнинг проректори А. Маврупов «Ўзбек миллий маданиятига ошкора назар» мавзуларида маърузалар қилдилар. Шунингдек, институтнинг етакчи профессор ва ўқитувчиларидан Ғайрат Жалолов, Саодат Йўлдошева, Шоҳруҳ Рўзиев, М. Содиқова, Ш. Қодироваларнинг аждодлар мероси, ўзбек эртаклари, боқий қадриятларимиз, адабий мутолаа аҳамияти, кутубхоналар ўрни ҳақидаги маърузалари ҳам қизиқиш билан қарши олинди.

Г. МУРОДАЛИЕВА

ЙИЛОЙКУН ДЕСАК ЯХШИРОҚ ЭМАСМИ?

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг навбатдаги илмий кенгашида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижроси юзасидан қизғин ва фойдали муҳокама бўлиб ўтди. Унда чунончи ҳужжатлар, ҳужжатчиликда халқаро андозаларга риоя этиш, шу билан бирга миллий андозаларни ишлаб чиқиш, тушуниш осон, аниқ, тез илғаб олинадиган меёрлар яратиш, Давлат тилини жорий этиш юзасидан ҳар томонлама кўмаклашиш сингари жуда муҳим масалалар кўриб чиқилди.

— «Қутадғу билиг»да «йилойкун» тушунчаси ишлатилган. Биз буни ҳозир тақвим деб қабул қилмоқдамиз, — деди кафедра мудири олим Нусрат Жумаев. — Лекин нега йилойкун тушунчасини қабул қилмаслигимиз керак. Бу жуда чиройли ва жуда аниқ топилган тушунча. Сана белгилашнинг соф миллий усули. Яъни олдин йил кўрсатилади, сўнг ой, ундан кейин кун келади.

Илмий кенгашда шунингдек, диншунослик кафедрасининг ҳисоботи муҳокама этилди. Диннинг дунёвий фанлар билан муносабати, диний маросимлар ва замон, диншуносликни ҳозирги замон талаблари асосида жонли ва юксак илмий савияда ўтиш билан боғлиқ масалалар кўздан кечирилди.

АЁЛ МЎЪЖИЗАСИ

Фалсафий гурунг

Донишмандлик аёлга бўлган муҳаббатдан бошланишини тан олмагунча фалсафа ўткинчи талаблар, қотган қоидалар ва сийқа таърифлар қурбони бўлиб қолаверади.

Шарқ ривоятларидан бирида айтилишича, Қодири мутлақ мукаммал дунё яратишга аҳд қилибди. Шу мақсадда тундан кунни ажратиб, сув, ер, ўсимлик, жониворларни, охирги куни эса эркакни яратибди. Яратганлари бир-бирига шунчалик мутаносиб эканки, уларнинг мукаммаллигига Қодири мутлақнинг ҳаваси келибди. Кейин қарасаки, аёл йўқ. Бахтга қарши лой ҳам тугаб қолганмиш. Шунда у ойдан аёл жамолини, тундан қошу кўзини, мажнунтолдан сочини, камалакдан ранг, гуллардан ҳид олиб баданини, кийикдан нафислик ва ҳуркакликни, тонгдан мусаффоликни, итдан садоқатни, асаларидан бол териш хислатини, серфарзанд бўлсин деб, балиқдан увулдириқни, айтганлари куй, хониш бўлсин деб, булбулдан навони, хуллас, ҳамма нарсадан бир чимдим-бир чимдимдан олиб аёлни яратибди. Натижада мукаммал дунё бир кам дунёга айланибди, ёлғиз аёлгина мукаммал эмиш...

Зеро, табиатда битта мукаммал мўъжиза бор, у — Аёлдир!

Қадимги ҳинд қабилаларидан бирида қабрга аёлни эркаклар, эркакни аёллар кузатиб қўйишаркан. Қандай серҳикмат удум!

Инсоният заифани шарафлаган даврларни шарафлаб, заифани улуғлаган шахсларни улуғлаб келади. Заифани шарафлашга ўзида куч тополмаган даврда комиллик, заифани улуғлашга ўзида куч тополмаган одамда каримлик йўқ.

Кўҳна ҳинд афсоналаридаги худолар рамзи — аёл. Масалан, Индрани олайлик. Унинг эркакмижоз тасвири кейинги даврларга хос. Аммо одамзот ҳанузгача азалиятни аёл деб билади. Шунинг учун Расул Ҳамзатов аёлга қарата: «Сен — шонимсан, сен — саройим, Сен — жонимсан, сен — худойим!» деганида юз карра ҳақ эди.

Биринчи муҳаббат — аёлни билиш сари қўйилган биринчи қадамдир. Лекин аёлни билиш учун биринчи қадамнинг ўзи камлик қилади. Буни қирқдан ошган ҳар бир эркак яхши билади.

Бир донишманд: «Аёлсиз яшаш қийин, лекин аёл билан яшаш ҳам мушкул», — деган экан. Даҳолик ва бақолик ҳикмати ана шу «икки ҳикмат» орасида: биринчисида даҳоликка эришиш мумкин, лекин танҳосан, иккинчисида гадо бўлишинг мумкин, лекин бақосан.

— Она қарғиши — тилдан, ота қарғиши дилдан, — деб насиҳат қиларди онам ёшлигимда. — Ота қарғиши — худо қарғиши, ота қарғишидан қўрқ, болам!

Аёлни алдаган — ўзини алдайди. Бироқ мен ҳозиргача аёлдан алданганман, деган эркакни учратмадим.

Эркакдан кечган аёл— эркидан кечган аёл, эркидан кечган аёл — ўзига ўзи қул аёл.

Заифадан рақиб излама, охирида ўз ақлинг қосир, руҳинг заиф эканлигига икрор бўлишдан ўзга чоранг қолмайди. Аёл дўст қидир, ёр тут, алқисса, руҳинг шод, уйинг обод бўлганлигини кўриб Қодири мутлаққа ҳам, кулбаи чироққа ҳам раҳмату тасанно айтасан.

Ҳаётнинг ибтидоси ҳам аёл. Сен аёл учун ўзингдан кечсанг-да, аёл сен учун ўзидан кечолмайди. У фақат фарзандлари учун ўзидан, лозим бўлса, сендан ҳам кечиши мумкин.

Аёлдан айш қидирган ҳам, айб қидирган ҳам эркак. Яна унинг айбини оламга ёйган ҳам эркак. Масалан, «Кама сутра»дан тортиб то «Лолита»гача ҳаммаси унинг иши. Бу билан эркак ўзини-ўзи бадном қилаётганини билмайди. Аёл эса ҳамон унинг истакларига ҳам, қилмишларига ҳам жимгина кўниб келади. Назаримда, нодонга энг тўғри жавоб сукут эканини аёл яхши уқиб олган.

Эркак ғайрати ва илми билан дунё қуради, аёл латофати ва ҳилми билан. Эркак ҳамиша безовта, борини сарфлаб дунё кезгани кезган, аёл — осуда, меҳрини сарфлаб уйини безагани безаган. Эркак учун дунё — уй, аёл учун уй — дунё. Эркакнинг қисмати — жабр, аёлнинг қисмати — сабр. Чунки эркак жабр тортиб тахт топади, аёл сабр қилиб — бахт...

Аёлдан сирдош тутмагунингча, одамзотнинг бир елкасида Холиқ, бир елкасида Махлуқ ўтиришини билмайсан.

Адолат заифага иззатдан бошланади. Токи кўзи нам, боши ҳам бирорта заифа бор экан, адолат ҳақидаги сўзлар ҳавойи бўлиб қолаверади.

Аёллар қисматига қараб юртнинг қисматини айтиб берса бўлади.

Машҳур донишманд Диоген бочкада яшаган. У: «Нима иньом этмасин, аёлни ёнимга киритмайман», деган. Бу аслида аёлдан кечганнинг эмас, аёлни севганнинг гапи.

Аёлнинг бир нарсага ҳеч ишонгиси келмайди — қариганига. Шунинг учун ҳам вақт дарёсини орқага қайтаришни орзу қилмаган аёлни топиш душвор.

Исо алайҳиссалом гуноҳкорларни кечириб, ғанимларни севиб яшашга даъват этади. Буни у онаси Биби Марйамдан ўрганган бўлса, ажабмас. Фақат аёлларгина бундай жасоратга қодир, эркаклар эса рақиб истаб ва рақиб излаб яшайди. Шу боис барча уруш ва қирғинлар сабабчиси эркаклар.

Ҳаёт гули сўлмасин деб, аёл ўз бокиралигидан воз кечади. Айнан мана шу фидойилиги учун эркак доимо унинг атрофида парвона.

Ҳамд ва ҳадяга зиқна киши аёлга дўст бўлолмайди.

Икки пурмаъно ҳикмат бор: биринчиси — аёл қулоғи билан севади, эркак — тили билан. Иккинчиси — ҳақиқат гапирувчининг тилида эмас, эшитувчининг қулоғида. Бу икки ҳикматни қўшолсангиз, аёл дилига йўл топасиз.

Султон Абдул-Мажид, аёл — заҳар, эркак учун у билан заҳарланишдан ҳам ортиқ саодат йўқ, деган экан. «Асал» деб «заҳар» тотиш эркак қисмати, «асал»дан эркак безмасин деб, «заҳар» бўлиш аёл ҳикмати.

Аёл ўзини малика деб қанчалик кўз-кўз қилмасин, ўзи тукқаннинг чўриси эканини асло унутмайди.

Давлатларни аёллар бошқарганида эди, дунёда ўз фуқароларини шилувчи бирорта

ҳам ҳукумат бўлмасди. Чунки топганини фарзандларига сарфлаш фақат аёлларга хос.

Эркак учун севилиш эмас, севмаслик азоб, аёл учун севиш эмас, севилмаслик.

Малик бўлишни истамаган йигит йўқ, малика бўлишни истамаган — қиз.

Биринчи бўса фахр уйғотади, иккинчиси — меҳр, учинчиси ... Учинчи бўсадан кейин аёл жабру истакларига банди бўлганингни тан олишга мажбурсан.

Опам менга қадр нималигини ўргатди, хотиним — меҳр, қизим-жабр. Ҳайратга соладигани шундаки, жабр нималигини ўргатгани менга азизроқ.

Аёл муҳаббатини қозониш учун ҳатто илоҳлар ҳам зардан фойдаланган. Масалан, Зевс Данайяни зар билан қўлга киритган. Йигирма беш асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, зар қудрати ошса ошдики, камайгани йўқ.

Ҳамма нарса бир кун жонингга тегади, фақат аёл — махбуба ҳақидаги ўйлардан ҳеч зерикмайсан. Ҳамма нарсадан — мансаб, давлат, унвон,шуҳратдан вақт ўтиб безасан, фақат бир нарса ўйингни ҳам, уйингни ҳам доим безаб туради, у аёлдир.

Эркакни яратиб, уни яна ўзи қийноққа солиш сиридан фақат аёл воқиф.

Аёл пайғамбарларни, авлиёларни, даҳоларни туғиб вояга етказган бўлса-да, ўзи пайғамбарликка ҳам, авлиёликка ҳам, даҳоликка ҳам даъво қилмайди, аксинча, ўзи уларга сиғиниб яшайди. Аёл қалбидаги бу ғайримантиқий камсуқумликдан ҳайратга тушмай иложинг йўқ.

Аёл миллатпарастдан эмас, иллатпарастдан қўрқади.

Бир танишим: «Аёл — ҳикмат», — деб юрарди. Вақтидан олдин туғилган фарзандига ўзи доялик қилишга мажбур бўлгач, «Аёл — ҳикмат, аммо аёллик — азият», дейдиган бўлиб қолди.

— Рашкингиз борми? — деб сўради таниш бир аёл.

— Сизни ҳатто ўзимдан ҳам рашк қиламан...

— Кечирасиз, унда мен рашкнинг эмас, ишқнинг қурбони бўлишни истайман, — деди у.

Эркаклар ўзидан ақлли аёлга эмас, ўзидан чиройли аёлга уйланишни маъқул кўрадилар. Чунки биринчиси улар дилида ҳасад уйғотади, иккинчиси — ҳавас. Ҳавас билан бир умр яшаш мумкин, ҳасад билан-чи? Асло.

Аёлга маълум сир — оламга маълум.

Эр кўрган аёлнинг эркалиги бошқа, аёл кўрган эркакнинг — айёрлиги.

Аёл ғийбат қилиб юрагини бўшатади, бу унинг иллати эмас, зийнати.

Аёллардан файласуф чиққан эмас. Чунки улар ҳакимлик қилишдан ҳакимлар туғишни афзал кўрадилар.

Табиатда аёллик кўп, аёлликда — табиат. Гап уларнинг қайсиниси бирламчилигида эмас, балки улар билан яшай олишда. Бу мавжудлик ва мангулик талаби.

Бахтиёрлик боисини аёл ўзида деб биладди, бахтсизлик боисини эрида. Ҳатто рад қилиб бўлмас далиллар билан аёл айбини исботласанг ҳам, у бегуноҳлигини исботлаш учун далил топа олади.

Аёлнинг рақиби — аёл.

Онамнинг ҳорғин ва сокин нигоҳида менга аталган меҳр яширинган, қизимнинг шўх ва ўйноқи кўзларида кимгадир аталган меҳр.

Цицерон: «Аёл бўлмаганда, эркак худо бўларди», деган экан. Эркак бўлмаганда-чи? Аёл маъбуда бўларди, суқсур маъбуда!

Эркакнинг эртага, индинга, ҳатто бир йилдан кейин ҳам нима билан банд бўлишини айтиб берса бўлади, аёлнинг эса — йўқ. Чунки у ҳар бир дақиқадан, ҳар бир кундан мўъжиза кутиб ва мўъжиза топиб яшайди. Шунинг учун эркак вақтнинг ҳукмрони, аёл қурбони.

Маҳбубаси илҳом ёки далда бермаганида, эркак зоти бирорта ҳам арзигулик кашфиёт қилолмасди. Шунинг учун у барча кашфиётларини аёл исми билан атайди ва ўз ожизлигини ўзи билмаган ҳолда ошкор этади.

Аёллар бирлашса, тахтлар, чегаралар ва салтанатларга ўрин қолмасди, барча халқлар бир давлатга фуқаро бўлиб, бир динга эътиқод қўйиб, бир мавжудотдан нажот кутиб яшарди. Ўша давлат, ўша дин, ўша мавжудот — Аёл!

Аёл рад этган ҳикматдан ҳикмат тополган одамгина яшашдан ҳикмат топа олади.

Ҳамма эркакка бир хислат хос — ўз кучига мубталолик, ҳамма аёлга бир иллат хос — ўз кўркига маҳлиёлик. Афсуски, куч ҳам ўткинчи, кўрк ҳам. Бунинг тагига етган эркак зоҳидлик қилади, аёл — шоирлик.

Қудратингни синамоқчи бўлсанг, аёл билан яша, ожизлигингни аёлсиз.

Алла — мангулик мадҳияси. Аллада барча донишмандлар топган ва ҳали тополмаган донишмандлик яширинган.

Аёл мавжудлигининг ўзи бир зийнат!

Севганлар — кўп, севилганлар оз. Севганлар ҳам, севилганлар ҳам аёл ҳукмида.

Эркак фаҳми билан етган ҳақиқат аёл қалби билан етган ҳақиқатдир.

Жонингдан кечишга лойиқ бирорта ҳам аёлни учратмаган бўлсанг, ё — кўрсан, ё — ғўрсан.Руҳнинг борлиги ва ўлмаслиги рост бўлса, у руҳ аёлдир. У элдан элга, заминдан заминга, замондан замонга ўтиб авлодлар дилини меҳрга, ўйини келажакка, ғайратини мангуликка даъват этиб юради. Уни сезмаганлар ёки тан олмаганлар заиф қўланкалардай ҳаёт саҳнасига етолмай сўнади. Энг ғаройиби шундаки, бу руҳнинг аёллигини биринчи бўлиб аёлнинг ўзи рад этади. Ҳар қандай изтироб, у қанчалик аламли бўлмасин, пайти келиб унут бўлади, аммо рад этилган илк муҳаббат юрагингда битмас армон бўлиб қолади. Уни ҳатто кейинги эҳтиросларр, ардоқлар ҳам бутунлай ўчиролмайди. Ўйинг, хаёлинг илк ишқий таассурот билан борлиқ ўртасида сарсон кезади, қулоқларинг Унинг алфозини эшитишга, лабларинг Унинг исмини такрорлашга интилаверади.

Қачон, қаерда ва кимни севиб қолишингни ўзинг ҳам билмайсан, акс ҳолда, севги азоби ҳеч кимни қийнамаган, ёр висоли ҳеч кимни зор-интизор қилмаган бўларди. Муҳаббат сени ногаҳон кашф этади, сен — оламни. Улар ўртасида бир қўлида ишқини, бир қўлида оламни тутиб аёл мағрур яшайди.

Қирқ кишининг умрини кўрсанг ҳам, бир аёл қалбини тўла билолмайсан, эркак қалбини билиш учун эса «аёл» деган бир сўз кифоя.

Абадият диалектикаси: эркак аёлга талпиниб яшайди, аёл фарзандларига топиниб, фарзандлари ўзгалар фарзандларига ҳам талпиниб, ҳам топиниб.

Хотин кишининг узоқ сукут сақлаши вахимали момақалдироқ, кучли бўрон, қаттиқ дўл олдидан бўладиган дикқинафасликни эслатади. Жимлик тугагач, эр яширинишга жой тополмай қолади.

Ғазабнок аёлдан кўра ғазабнок шерга дуч келмоқ маъқул.

Эркак машҳурликни севади, машҳур аёлни эмас. Аёл машҳур эркакни севади, лекин машҳурликни эмас.

Аёл — ечилмас жумбоқ! Бироқ у «физиклар»га эмас, «лириклар»га мушток!

Виктор АЛИМАСОВ

Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотига номзодлар

ЎЗБЕКОНА ШОДЛИКЛАР

ОРТИҚАЛИ ҚОЗОҚОВ СУРАТЛАРИ ҚОШИДА

Лолақизғалдоқлар дарёсига айланган чўлми, саҳромми бу? Бир баҳор хаёллари аро дона қизғалдоқдай ухлаб қолган қизни уйғотгани келган нима? Сўфитўрғайми? У ҳозир сайраб юборадию қиз маст уйқудан уйғониб кетадигандай. Олов ранг сахро, аланга ранг қизғалдоқзор майин насимга тўлади. Қуш сайрайверади. Сайрайверади. Сахронинг тафти дилингизга кўчади. Қиз хаёлга шунчалар асирки, бошини кўтармайди. Қизғалдоқ хирмонлари ловуллаб кўзингизни қамаштиради. Юракда ҳайрат қуши бола очади. Бу туйғу мусаввирнинг фикридан яралган ранглар мусиқаси. Яна сахро. Энди у сомон рангида. Сафро тусида. Лайлининг сарғайган юзларидан сариқ шуъла таралади. Тиллақошларининг барғакларигача, ой балдоқларининг қуш патидай нозик шокилдаларигача ҳижрон рангида. Тундан-да қора сочлари Мажнуннинг ишқ зардидан қорайиб-чўйкаб кетган юзларига ҳамранг. Заъфаронлик ва чўйкамоқ. Халқ бундай таъбирни ишқ оташида қоврулган, ҳижронга мубтало ошиқларга нисбатан беради. Навоий ҳазратлари Лайлининг Мажнунга мактубида айтадилар:

Сомондай соврилдим-о,
Буғдойдай қоврулдим-о.

Ортиқалининг «Лайли ва Мажнун» сувратига боқиб шу нола тилимга келаверади. Каъбатуллоҳ эшигининг зулфинларида Мажнун қўли теккан жойларда қолган заъфарон рангларни кўргандай бўламан. Ҳасрату ғам ичра, муҳаббат ва ҳижрон имтиҳонида, сабот ва нажот оралиғида нақадар юксаксан, Инсон. Маҳзун ва заъфар ранглардан оралаб ўтарканси, кўкламнинг яшил-мовий наволари руҳингизга кириб келади.

«Дугоналар», «Наврўз», «Байрам садолари» ҳаётнинг беҳад жонфизо севинчларидан «гапира бошлайди». Оқ-оппоқ либослар, ойрангли рўмоллар. Бу аёлларнинг бошларидаги ойчашма-тоғоралар-

абрбандлар — булутларни боғловчилар дейишади. Булутни боғлаб бўларканми? Камалакни тутиб, унда арғимчоқ учиб бўларканми? Камалак нурларида арғимчоқ учаётган қизнинг хаёллари. Борлиқни пушти рангларга чулғаган нафис малоҳат. Қаламқошли қизнинг бошдан учган дўпписи ҳам камалакнинг бир парчасидай кўкда муаллақ туради. Кўклам ёмғирлари тукқан камалак Инсонни шу қадар хаёлпараст ва гўзал этишини унча-мунча шоир эмас, мусаввирнинг мўйқалами— «Ёмғирдан сўнг» асари «сўйлаб» бермоқда...

Мусаввирнинг мўйқалами хаёлидан гумбазлар, равоқлар, устунлар, унутилган тегирмонлар, мозий афсоналарига тўла карвонсаройлар чиқиб кела бошлайди. Омонатгина чайла тўсинларига илинган беланчакдан чиқиб йўлга кирган болакай. Туядай чўк тўшиб ётган тепалик устида келажакка термулиб турган гўдак. Дунё ўша тийрак болакайнинг елкаларида. Мана шу адоқсиз ва чегарасиз Замин уники. Рўпарасида оқариб турган оқ тоғларнинг бургути бўлади у. Бу қамиш томли чайла, беланчак митти ақл учун биринчи пиллапоя бўлиб қолажак. Дилингизни шундай ёруғ ишонч тўлдиради. «Келажак билан суҳбат» асарини томоша қилганингизда. Табиат қанчалар ҳайратли мўъжизалар, буюкликлар онаси. Унда вақсиз тўғёнлар, тизгинсиз бўронлар ҳам мудраб ётади. «Қулфат ҳайқириғи» манзараси олдида тубсиз хаёллар гирдоби ўраб олади сизни.

Ортиқали Қозоқов файласуф мусаввир. Унинг асарларидаги тимсоллар, рамзлар, ишоралар, тилсимлар томошабинни сеҳрлайди. Ҳар бир асар заминида сиз ўйлаб кўрмаган, ўйлашга мажбур бўлган сирру синоатга дуч келасиз. Гарчанд унинг тасвирларида кўпинча аёлларнинг, ҳурлиқо қизларнинг кўзлари юмуқ бўлса-да, кўнгил кўзларини ҳис этасиз. У кўзлар кўнгилга кўмилган кўп сирларни, хазиналарни сўйлайди. Сизни саволларга ғарқ этади. Бу сувратларнинг ҳар бирида ўтмишдан бир оҳанг, бугундан бир замзама бор. Улар эртага ҳам замондошларимизни ҳайратга солади, ўйлантиради.

Унинг асарларига таржимон нигоҳлардир. Уларга тилмоч хаёллардир. Уни қай бир миллат вакили томоша қилса ҳам англайди, рангларга яширинган ҳикматлар дунёсини илғайди, мафтун бўлади. Шу боисдан ҳам мусаввирнинг асарлари дунёнинг нуфузли кўргазмаларини айланиб, доим довруқ солиб қайтди. Ўзидан-да кўҳна, ўзидан-да сирли тарихи, миллий қадриятлари, назокатли қалби билан оламни ҳайратга солган ўзбекнинг мукаммал қиёфасидир унинг ёзганлари. Гарчи унутилмас мусаввир Чингиз Аҳмаров — бир дунё. Абдулҳақ Абдуллаевнинг беқиёс ижоди — бир олам. Раҳим Аҳмедовнинг, Жавлон ва Баҳодирнинг, Алишер Мирзонинг яратган асарлари тасвирий санъатимизнинг қимматли дурдоналаридир. Шундай бақувват устозлар, замондошлари даврасида жўшқин илҳом ва куч-ғайрат билан ижод қилаётган мусаввир Ортиқали Қозоқовнинг ёрқин асарлари ҳам борлиги миллатимизнинг бахтидир.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

БОЗОР ИҚТИСОДИ САНЪАТИ

Кўҳна оламни биз ҳар куни янгидан кашф қиламиз. Бозор иқтисоди кириб келди. Йўқ, минг йилдан бери мавжуд, яшайди. Гоҳида тан оламиз, гоҳида эса назарга илмаймиз. Иқтисодга эса барибир. Кулиб боққанга дилини яшнатади, ҳаётини гўзал қилади.

Бозор иқтисоди оламдек беҳад ва беҳудуд санъатдир. Ҳайрон бўлмаng, ҳаётга назар ташланг. Бозорда соатлаб савдолашаётган даллолларни кузатганмисиз? Сўз бойлиги, ўткир мантиқ, кулги, фаҳм-фаросати етган ёзувчи китоб битади.

Иқтисодчилар, математиклар, тижоратчилар тадқиқ қилган бозор олами санъатда ҳам ўз талқинини топган.

Миллатимиз бозор иқтисоди ҳикматларини англашга юз тутган экан, унинг санъат эканлигига далолат учун Шайх Саъдий ғазалини ўқувчиларга тақдим қиламиз.

Ишончимиз комилки, ўқувчилар ҳам бозор санъати талқин қилинган асарларини бизга таклиф қилсалар, нур устига нур бўлур эди.

Саъдий ШЕРОЗИЙ

ҲИКОЯТ

Сотарди асал бир ширин сўз киши,
Кўнгилни овларди унинг ройиши.

Шакарқамичидек бели белбоқдор,
Молини пашшадек талар харидор.

Унинг моли заҳар бўлса ҳам тугал,
Талаб кетишарди мисоли асал.

Бир дағал кўз ташлаб эл ғавғосига,
Ҳасад билан боқиб бол савдосига.

Эртасига барвақт бозорга келди.
Асал сотмоқ бўлиб, ҳар ёққа елди.

Каттакон қовоқда бошида асал,
Бадбуруш башара, сўзлари дағал,

«Асал кетди», дея қилди машмаша,
Болига қўнмади ҳаттоки пашша.

Кечгача бир пуллик қилолмай савдо,
Уйга қайтар яна бўзилиб авзо.

Бурчакда ўлтирар сержаҳл, дилтанг,
Ҳайит кун зиндоний бўлгандек тажанг.

Хотини устидан шўх сўзлаб кулар:
«Баджаҳл қўлида асал ҳам заҳар!»

Ёмон хулқ дўзахга судрайди осон,
Яхши хулқ беҳишту жаннатдан нишон.

Ариқда илиқ сув бўлса шуни ич,
Дағал киши яхна шарбатидан кеч.

Серзарда кишининг манглайи тириш,
Ҳаромдир ундайлар нонини ейиш.

Бадхулқ қийинликка учрар аксари,
Бадхулқнинг доимо бахти тескари.

Бўлмаса ҳам майли мол, дунё, пулинг,
Саъдий каби бўлсин асалдек тилинг.

Шоислом Шомуҳамедов таржимаси

Ибрат

Озодлик намояндалари

XX аср бошларида маърифатпарвар шоир Иброҳим Даврон Исҳоқхон тўра Ибрат ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилган эди: «Исҳоқхон тўра улуми диния ва фанния ва адабияда устози комиллиги бутун Фарғона ва дигар жиҳат Озиёйи вустода инкор ўлунмас даражада бир мавқеъ мумтоза тутмушдир».

Дарҳақиқат, Исҳоқхон тўра Ибрат ўз даврининг қомусий билимга эга бўлган, миллий уйғониш даврининг, жадидчилик педагогикасининг илк намояндаларидан ва энг пешқадам ҳимоячиларидан, халқ ўртасидаги фаол ташвиқотчиларидан эди. Исмоилбек Гаспирали томонидан нашр қилинган «Таржумон» газетасининг биринчи муштарийларидан, «усули савтияи тадрижия» методини Туркистон мактабларига биринчи тадбиқ қилган педагоглардан ҳисобланарди. «Кутубхонаи Исҳоқия»да сақланувчи китоблар рўйхатида Исмоилбек Гаспиралининг «Хўжаи сибён» («Болалар муаллими»), «Раҳбари муаллимин», Исмоилбек Гаспиралининг юртдоши, илғор педагог Ҳасан Сабрий Айвазовнинг «усули жадид» методи бўйича ўқитувчиларга ёрдам сифатида ёзилган «Усули тадрис ва таълим-тарбия» каби асарларининг дастлабки нашрлари бўлган. Асримиз бошларидаёқ Исҳоқхон Ибрат «усули савтия» методининг назарий ва амалий асосларини биринчилардан бўлиб ишлаб чиқди.

* * *

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1875 йилда Пўлатхон, Қурбонжон Додхоҳ бошчилигидаги халқ қўзғолонлари, 1892 йил Тошкентда юз берган «Вабо қўзғолони», 1898 йилда бутун Туркистон ўлкасини ларзага солган, «Андижон қўзғолони» номини олган халқ озодлик ҳаракатларининг чор ҳукумати томонидан қонга ботирилиши, мустамлакачиларнинг ўлка маънавий бойликларини оёқости қилиб, иқтисодий бойликларини шафқатсиз талон-тарож қилишлари жадидчилик ҳаракатининг буюк сардорлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Исҳоқхон тўра Ибрат кабиларнинг кўзини очди, ҳали онги етилмаган қора халқни ёвуз мустамлакачиларга қарши курашга оёқлантириш мумкин эмаслигини, халқнинг онгини ёритиш зарурлигини тушуниб етдилар. Улар ўзбек халқини ривож топган халқлар билан тенг кўришни истадилар ва бу истакни амалга оширишнинг бирдан-бир йўли сифатида мактаб ва мадрасаларни тубдан ислоҳ қилиш масаласига бутун кучғайратларини, билимларини сафарбар қилдилар. Ўз фаолиятларини бир-бирларидан ажралган ҳолда эмас, ўзаро ҳамкорликда, ҳаммаслакликда, яқин алоқа боғлаган ҳолда йўлга қўйдилар. Мунаввар Қори Абдурашидхонов Беҳбудийнинг «Ойина» журналида, «Самарқанд» газетасида ўз мақолалари билан қатнашса, Исҳоқхон тўра Ибрат Тошкент жадидлари раҳбарлик қилган «Садойи Туркистон», Фарғонадаги «Садойи Фарғона» газеталарида фаолият кўрсатди. У Мунаввар Қорининг таклифига биноан бир неча марта Тошкентда, унинг мактаби имтиҳонларида қатнашган. Мунаввар Қори Исҳоқхонга махсус таклиф хати билан 1907 йилда мурожаат қилади:

«Ҳурматлу Исҳоқхонҳожи жавобларина! 1907 йил май ойиндан эътиборан Тошкандда Тарновбоши маҳалласинда «Хония» мактабинда талабаларни йиллик имтиҳонлари бошланур. Сиз ҳурматлудан рижо қилурмизки, тавобингизда бўлғон усули жадидия мактаблари мудирлари ила имтиҳон мажлисларина ташриф қилсангиз, муаллим ва шогирдлар Сиздан мамнун бўлур эдилар. Муҳибингиз МУНАВВАР ҚОРИ, 15 март 1907 йил».

Бу таклифга биноан Исҳоқхон Ибрат ўз яқинлари Ҳусаин Макаев (Исҳоқхон Ибрат очган мактабда дарс берган татар муаллими, 1910 йилдан «Матбааи Исҳоқия»да мудир вазифасида ишлаган), шоирнинг шогирди Мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли билан 1907 йилда бир неча ой Тошкентда бўлди, усули савтия мактабларида Мунаввар Қори жорий қилган имтиҳон маросимларида иштирок этди. Усули жадид мактаблари билан бир қаторда хусусий «усули қадим» мактабларида ҳам бўлди.

* * *

Худди шу 1907 йил Исҳоқхон тўра Ибрат билан Тошкент шаҳар Себзор даҳасидаги мактабдор Мулла Ҳусанхўжа эшон ўғли ўртасида катта мунозара бўлиб ўтди. Бу мунозара «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида босилиб чиқди. Мулла Ҳусанхўжа эшон ўғли ўз мактабини енгил-елпи ислоҳ қилиб, «жадид мактаби» деб эълон қилади ва кўплаб болаларни ўз мактабига ташвиқ қилади. Бу ҳақда газета қуйидагиларни ёзади:

«Мулла Ҳусанхўжа эшон ўғли ушбу 1907 йилни(нг) биринчи сентябридан бошлаб биз сартия болаларига ўқитадурғон усули қадимиямизни усули жадид тартибиға олиб, жамоа-жамоа қилиб ўқитадур. Чораки, мазкур, мазкур тарика тартибида мактаб болаларини(нг) тез фурсатда саводлари чиқиб, кўб фойдалар ҳосил бўлур экан. Яна шулки, бул тартибни(нг) ҳеч нимарсага монеълиги бўмас экан. Сабаби шулки, бешинчи жамоа бирлан тамом бўлур экан. Биринчи жамоа «Ҳафтияки шариф», иккинчи жамоа «Каломи шариф», учинчи жамоа «Чоҳор китоб» билан «Фузулий» ёки «Навоий», тўртинчи жамоа «Илми фаройиз» ўқиб, тамом қилиб, муддати икки йил ёинки уч йил миёнасида мадрасаларда ўқимоқни хоҳлаганлари мадрасаларга чиқиб ўқимоға қодир бўлур эканлар». («Туркистон вилоятининг газети», 1907 йил, 66-сон).

Юқоридаги сўзлардан маълум бўладики, Мулла Ҳусанхўжа домла ўз мактабини ислоҳ қилиб, катта ижобий ўзгартириш киритгани йўқ (жамоа-жамоа қилиб ўқитишдан ташқари). У халқ фарзандларини саводхон қилишда катта шуҳрат қозонган «усули савтия» методи асосида Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Мунаввар Қорининг «Адиби аввал» алифбоси, Ибн Байрамали Калининнинг «Муаллими соний» ўқиш китоби дарсликлари нашр қилинган, янги ўқитиш усуллари вужудга келаётган бир пайтда болалар руҳиятига, ёшига мос келмайдиган, ниҳоятда мураккаб асарларни ўқитади. Бундай ислоҳ ўқув-тарбия савиясини кўтаришда сезиларли натижа бера олмас эди. Чунки бундай мактабларнинг ўқув-тарбия асосини қуруқ ёдлаш, усули ҳижо, ўқувчи тушуниб етмайдиган диний китоблар, қонун-қоидаларни ёд олиш ташкил қилар эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон бундай мактабларнинг халқ болалари умрини барбод қилишига қалбдан ачинади:

«Муаллим бечора азиз фарзандларимизни калтак, қамчи йўқ баҳонасила беш-ўн саналар (беш-ўн йил — У. Д.) осмонга қаратиб, «алиф базавар, бебазар» деб шовқин қилдириб-қилдириб, бир ҳарф ҳам ўқув-ёзув билдирмайинча... умрларини барбод қилиб ётмоққа тақвиятгина бўладур». («Туркистон вилоятининг газети», 1907 йил, 72-сон).

Усули қадим мактабларида савод ўргатиш методи ҳарфларнинг қандай товушлар ифодалашини ўргатишга эмас, балки ҳарфларнинг номларини қуруқ ёдлашга асосланган эди. Ҳарфларнинг қандай товушларни ифодалашини тушунмаган болалар ҳарфларни қўшиб, сўз ҳосил қилишга ниҳоятда қийналар эдилар. Натижада 5-6 йил мобайнида ҳам, ёзиш у ёқда турсин, ҳатто равон, хатосиз ўқишни ҳам ўргана олмас эдилар.

* * *

Ўқитиш методи бутунлай ярокисиз бўлган бундай мактабларни енгил-елпи ислоҳ қилишга Ибрат кескин қарши чиқади. Шунинг учун ҳам мазкур мактабдорга, унинг мактабига, умуман, эски таълим-тарбия, ўқитув тизимига қарши ёзган мақолаларида эски мактабларни ҳашарот уяларига ўхшатади: **«Болаларни эски мактаблар ила жамоаларга тақсим қилиб, келиш-кетиш, калтак ила қамчи масъалаларини ислоҳ қилмоқ албатта лозимдур. Лекин ўқулажак китоблар — мазкур эски китоблар, ўқутужак домлалар — эски домлалар, мактабларида — эски ҳашарот уялари бўлғондин бу масъалалар минг мартабалар ислоҳ этилса-да бекор, беҳудадур». (Ўша газета).**

Халқ фарзандларининг ўн-ўн беш йиллаб эски мактаб ва мадраса тупроғини ялаб, охири саводсиз ёки чаласавод бўлиб чиқишлари Исҳоқхон Ибратни изтиробга солди. Шунинг учун ҳам унинг халқ маорифи мавзуидаги мақолалари эски мактабдорларга, қадимчиларга нисбатан аччиқ сўзлар билан тўла. Ибрат бундай мактабларни шунчаки танқид қилиб қўя қолмайди, уларнинг ўрнида янги, замон талабига жавоб бера оладиган, замонавий илмлар ўқитиладиган мактаблар ташкил қилиш шиори билан чиқади. Эски мактаб ўқитувчиларининг чаласаводлигини, жоҳиллигини, халқ фарзандларини тарбиялашга, уларга билим беришга қодир эмаслигини очиб ташлайди, уларни таълим-тарбия соҳасига яқинлаштирмаслик, жисмоний меҳнатга мажбур қилиш шиори билан чиқади: **«Агар виждон, инсоф ила муҳокама қилсак, таваққуфсиз ва тараддудсиз эски мактабларимизни асосларидан йиқиб, жойларига тартиб ва интизом билган янги усул домлаларнинг ҳимоясида бўлган мактаблар ваъз этмак лозимдур. Эски мактабдорларимизни деҳқончилик ҳунарларига саҳв этмак мувофиқи ҳақиқатдур. Бу сўзим жаноби муллаларга, эски ва янги домлаларимизга охирги сўзим».** (Ўша газета).

* * *

Исҳоқхон тўра Ибрат илк бор 1886 йилдаёқ Тўрақўрғонда эски мактабларга нисбатан анча илғор бўлган мактаб очди, иккинчи марта 1907 йилда эски мактаблардан тубдан фарқ қилган усули савтия мактаби очди. Бу мактабда 25 нафар қишлоқ болаларини ўқитди. Мактаб унинг ўз уйида — ёруғ, деразали катта хонага жойлашган бўлиб, янгича ўқув куроллари — парта, стол-стул, янги ўқув китоблари, дарсликлар, дафтар, қора тахта, бўр кабилар билан жиҳозланган, ўқиш-ўқитиш ишлари янги тузилган дастур асосида олиб борилган. Исҳоқхон ўз мактабида дарслик ва қўлланмалар сифатида ўзи яратган «Луғати ситта ал-сина», «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» асарларидан, Исмоилбек Гаспиралининг «Хўжаи сибён», Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Мунаввар Қорининг «Адиби аввал» асарларидан фойдаланди. Усули савтия методининг ниҳоятда катта афзалликларини исботлашда кўпроқ ўзи эришган ютуқларга, ўзи амалиётга татбиқ қилган янги методларга асосланди. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади:

«Мен ўзум ҳам ўзумга қарашлик ўнта-ўн бешта болаларни эски мактабда ҳеч баҳра топмай, беҳуда юрдуқларина жоним ачиб, Қозон тарафиндин... бир муаллим (Хусаин Макаев — У. Д.) жалб эдуб, мактаб қилиб бердим. Мактабнинг кушодиға уч ой бўлган йўқ, йигирмадан зиёда кичик болалар тамом саводи чиқиб, ҳар нарсани ёзадургон бўлдилар. Тўрт-беш, етти-саккиз саналар Қўқонга юриб ҳеч нарса билмаган муллабаччалар битамомиҳи арабий муколамаға қодир бўлуб, ҳар бир китобларни мутолаа этадурган бўлдилар. Шул сабабдин биз кўзумиз ила тажриба қилиб, бул ўқутушга (усули савтияга — У. Д.) тамом ихлос қилдик». (Ўша газета, 1907 йил, 84-сон).

* * *

Исҳоқхон Ибрат ўқув-тарбия соҳасига кириб келаётган ҳар қандай илғор янгиликлардан ҳадиксировчи «усули қадим» домлаларини танқид қилар экан, «усули жадид» мактабларида ўтказилган, мактабларимиз учун янгилик бўлган, ўқувчиларни имтиҳон қилиш маросимларига ўқитувчилар эътиборини жалб қилади. Дарҳақиқат, 1907 йил май ойида Исҳоқхон Ибрат Мунаввар Қори таклифига биноан Тошкент усули жадид мактаблари имтиҳонида қатнашган эди:

«Биз усул мактабини(нг) имтиҳонида уламо ва фузалолар ҳузурида кўруб, сўнгра ёзганмиз. Сиз бу усулга («усули қадим»га — У. Д.) карах қилганингиз мунга ўхшайдурки, гугуртни усул, муни кўюб чақмоқ тош илан ўт қиламан дегандек, ёки фонар, ламфа, электрларни усули жадид, мунга сўфилик қилиб, қора чироғда ўтираман дегандек, ёки поездга тушмакни янги иш, пияда борурман дегандек, бул салафи солиҳинлариндин чиқмаймиз ва тарк қилмаймиз деган экансиз... Ва ҳам Навоий, Фузулий, Бедилни усули жадид шогирдлари билмайдурлар дегансиз. У айб усули жадид шогирдларида эмас, балки домласида бўлса керакки, фақат Қуръонни(нг) хатига ошно қилиб, настаълиқ хатини ўргатмагандур» (Ўша газета).

Исҳоқхон тўра Ибрат 1908 йилда жуда катта хайрли ишга қўл уради: Оренбургга боради ва Гауфман деган матбаачидан пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан 1901 йилда чиққан литографик машина сотиб олади. Литографик машина ва ҳарфларни катта машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келади. 1908 йил апрел ойида ўзи 1905 йилда қурдирган ҳаммом ўрнида чопхона ташкил қилади ва «Матбааи Исҳоқия» номи билан ишга туширади. Матбаанинг ташкил қилиниши, уни вужудга келтиришдан мақсади ҳақида шоир Исҳоқхон Ибрат «Тарихи чопхона» шеърида ёзади:

Минг уч юзу йигирма олтида чопмахона
Очмоқға бўлди рухсат ва сўз бериб замона.
Мақсад бу ишдин эрди оламға илм қасри
Ҳам қўймоқға асарлар ёдовари жаҳона.

* * *

Туркистоннинг илк матбаачиларидан Исҳоқхон Ибрат ўзининг бу амалий фаолияти билан ХХ аср маърифатпарварлари фаолиятини яна бир поғона юқорига кўтарди. Матбаада, биринчи навбатда, мактаб-мадрасалар учун қўлланмалар, дарсликлар чиқариш масаласига катта аҳамият берди. Шу маънода «Матбааи Исҳоқия» ўз фаолиятини илм-маърифат тарқатишдан бошлади: унда биринчи марта 1908 йилда савод чиқаришга бағишланган **«Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий»** асари нашр қилинди. Бу ҳақда литографияга дастлаб мудирлик қилган Охунзода Абдулрауф Шаҳидий қуйидагиларни ёзади:

«Қобилият ва салоҳиятлари қавий, заковат ва фатонатлари жойида бўлган ғайратлик талабалар ва ёки муаллимларимиз бирон қитъаи ҳол хат намунасига ноил бўлсунлар. Боқий дуо, умид қилиб, янги ва эски мактаб ва мадрасаларимиз ва аҳли китобат ва хаттотларимиз таълим ва таълими китобат хусусидаги биринчи ҳадямизни ожизона тақдим айладик. Агар жолиби диққат бўлурса, оз ва кўб хоҳлагувчилар Тўрақўрғонда «Матбааи Исҳоқия»га деб ёзсалар, ҳар нусхасини 25 тийиндан ҳисоблаб таваққуфсиз юборилур». (Исҳоқхон Ибрат, Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий, «Матбааи Исҳоқия», Тўрақўрғон, 1908 й., 12-бет).

Савод чиқаришда ва хуснихат намуналарини ўргатишда бу асарнинг аҳамияти, шубҳасиз, катта бўлган. «Матбааи Исҳоқия»нинг илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинганлигини яна шундан ҳам билишимиз мумкинки, Исҳоқхон матбааига нур таратаётган қуёшнинг тасвирини ишлаб, қуёш ичига «илм» сўзини ёзган. Бу билан илмни нур сочаётган қуёшга ўхшатган. Бу рамзий тасвир мазкур матбаада чоп этилган китобларнинг аксариятида мавжуд.

Исҳоқхон Ибрат матбаанинг очилган йилиёқ уни кенгайтириш, ўлкада энг кўзга кўринган босмаханалардан бирига айлантириш учун ҳаракат қилган, керакли анжомларни тайёрлаган, ҳукуматдан рухсат ҳам олган: «Матбааимизни вилоятда танҳо қилмоқ аввалдан матлабимиздур. Анқариб уруфот босмахонаси ҳам очилур, асбоблари ҳам тайёр. Ҳукуматдан ижозат олинган».

* * *

Маърифатпарварнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Халқ ўртасида китоб ва турли рисолаларга талаб ортиши натижасида литография 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди ва типо-литографияга айлантирилди. Исҳоқхоннинг хуснихатга, хат-савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» рисоласи, «Илми Ибрат» номли шеърлар тўплами, жаҳон ёзувлари тарихи ва тараққиётига бағишланган «Жомеъул хутут» номли илмий-лингвистик асари ўзи ташкил қилган матбаада нашр этилди.

Маориф ва маданиятнинг равнақ топишида, халқ онгининг шаклланиши ва ривожланишида газетанинг улкан аҳамиятини тушунган Исҳоқхон Ибрат 1913 йилда «Матбааи Исҳоқия» қошида «Алтижорал-Наманган» номида газета чиқаришга ҳаракат қилади, ҳукуматга ариза ҳам беради. Бу ҳақда Уфада чиқадиган, Ўрта Осиёда, умуман, туркий дунёда анча машҳур бўлган «Вақт» газетаси катта мамнуният билан қуйидагиларни ёзади:

«Наманган. Мўътабар андин Исҳоқ қози ҳазратлари «Алтижорал-Наманган» исминда бир газета чиқарарға сўраб ариза берди. Бу зот 1908нчи йилда Наманганда бир матбаа очган эди. Бу йил «Кутубхонаи Исҳоқия» исминда кутубхона очиб, турк, татар, ўзбек тилларинда бўлғон адабиёт китоблари олдирди. Ҳозир газета чиқармоқ ҳаддиндадур. Чин кўнгилдан муваффақият тилаймиз». («Вақт» газетаси, 1913 йил, 1324-сон).

Афсуски, Исҳоқхон газета нашр қилишга муваффақ бўла олмади, лекин ўз уйида анча бой кутубхона ташкил қилди ва уни «Кутубхонаи Исҳоқия» деб атади. Унинг архивидаги китоблар рўйхати шуни тасдиқлайдики, кутубхонада таълим-тарбия ва ўқитишга оид ўзбек, турк, татар, рус, форс-тожик тилларида битилган кўплаб китоблар бўлган, қишлоқ аҳолиси ундан унумли фойдаланган. Исҳоқхон Ибрат ўз мактаби ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаган. Кутубхонанинг мактаб ўқувчиларига бағишланган бўлимида Исмоилбек Гаспралининг «Хўжаи сибён», Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал», Мунаввар Қорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», Рустамбек Юсуфбек ҳожи ўғлининг «Раҳбари ҳисоб», Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Китобатул-атфол», «Асбоби таълими савод» каби 50 номдан ортиқ дарслик ва қўлланмалар, таълим-тарбияга оид китоблар бўлган. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланувчи, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг Наманган нусхаси деб ном олган нодир қўлёзма «Кутубхонаи Исҳоқия»га мансуб бўлган. Исҳоқхон кутубхона аъзоларининг китоб олиш, ўқиб бўлгач, уни топшириш дафтарларини ташкил қилган, аъзоларнинг, айниқса, ёшларнинг китоб ўқишларини ўзи назорат қилиб борган.

* * *

Маълумки, Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин ҳам қозилар суди сақланиб қолди. Бу билан Россия мустамлакачилари ўзларини ерли халққа нисбатан одил, уларнинг «паноҳи» қилиб кўрсатмоқчи бўлди, лекин давлат аҳамиятига эга бўлган ишларни қозилар судида кўриш ман этилди. Исҳоқхон Ибрат 20 йил давомида Тўрақўрғон қозиси лавозимида фаолият кўрсатди. Қатор публицистик мақолаларида, шеърларида тузум иллатларини, маҳаллий ва мустамлака амалдорларини фош этди.

1910 йилда бутун ўлкада қозилик ва мингбошилик мансабига сайлов ўтказилади. Шу муносабат билан у «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида ҳатто мустамлака тартибларининг моҳиятини очиб ташловчи мақолалари билан чиқади, ўғрилик, порахўрлик, зўравонлик билан шуғулланувчи ифлос одамларнинг қози ёки мингбоши бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган чор ҳукумати қонун-қоидаларидан, «положения»ларидан қаттиқ норозилигини дадил ифодалайди, халқ тақдирини ёмон, қабиҳ одамларга топшириб қўйишларидан афсусланади: «Положенияда 223нчи бобида зикр қилингандурки, эътибори бор, етти кундан зиёда ҳибс бўлмаган, ўттиз сўмдан зиёда иштраф тўламаган, ёши йигирма бешдан паст эмас одам (қози) бўлар экан. Олим ё оми, ахмоқ ё доно киши, ё шариат биладурган ва ёки низом биладурган демаган. Кўрасиз, кимларни(нг) қўлларига бу катта шариат ҳукмини топширадурлар. Фикр-андиша қиладурган киши йўқ. Андиша қиладурган одамни одам ҳам ҳисоб қилмайдилар. Положения бобиға мувофиқ элликбоши деган кимгаки шар-кўб тушса, ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положенияга мувофиқ. Положенияда шариат биладурган мулладан деган эмас экан. Уларга ким ва нима бўлиши ҳам даркор эмас экан. Бефикр ўтсанг, эй дўст, муҳтожи нон ўлурсан». **(«Туркистон вилоятининг газети», 1910 йил, 22-сон**).

Мустамлака ҳукумати номига, унинг қонун-қоидаларига нисбатан айтилган бу киноя, аччиқ сўзлар ҳукумат муассиси бўлмиш газета муҳарририяти ходимларига қаттиқ теккан бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам газета идораси мақола муаллифига эътироз билдиради: «Положенияда халқ орасида обрў ва эътибори бор одам бўлсун, деган. Мингбошиликка мингбоши бўлмоқликка муносиб обрўси бўлиб ва қозиликка қози бўлмоқға лаёқат ва муносиблик обрў бўлмоқ лозимдур. Положенияни мулоҳаза қилмоқ керак — Идора». (**Ўша газета**).

1913 йилнинг июн-июл ойларида Тошкент археология жамияти Ахси шаҳрининг тарихига бағишланган илмий мунозара уюштиради. Бу мунозарага Исҳоқхон Ибрат ҳам таклиф қилинади. Мунозара материаллари «Туркистон вилоятининг газети»да мунтазам бериб борилади. Мунозара Исҳоқхон Ибратнинг мақоласи билан бошланади. Ибрат мақоласи ҳажми, қимматли ашёвий далилларга бойлиги ва мазмун эътибори билан бошқа муаллифлар мақоласидан ажралиб туради. Унинг ушбу туркум мақолалари газетанинг 1913 йилги 48-, 52-, 53-, 55-сонларида босилиб чиқади.

* * *

Исҳоқхон Ибрат жаҳон илми ва маданиятида яратилган ҳар қандай илғор янгиликни бажонидил қабул қилди ва ўз халқига намойиш қилишга интилди. У чет элларнинг Рим, Афина, София шаҳарларидаги паркларни, Истанбулдаги «Гулхона парки»ни кўрди. 1910 йилди ўзи ҳам Тўрақўрғон аҳолиси учун шундай истироҳат боғи ташкил қилишга киришди. Отасидан қолган ерни халқ учун гулбоғ қилди, боққа фаввора қурдирди, 150 туп арчадан хиёбон яратди, Оврўпонинг манзарали дарахтларини ўтқазди, Оврўпо усулида катта иморат барпо эттириб, унинг аркига «Хуш келибсиз, Исҳоқия боғига!» деб ёзиб қўйди. Уни Тўрақўрғон аҳолиси ҳозир ҳам «Исҳоқия боғи», «Гулбоғ» деб атайди. Бу боғни шоир Ибрат халқ учун яратганини яна шундан ҳам билишимиз мумкинки, у бу масканда дам олувчиларга гулларни беҳуда узмаслик, тартиб сақлашга чақирувчи дидактик шеърлар билан мурожаат қилади:

Узмагил беҳуда гул, боғбондин андиша қил,
Ори-ори гул узарсан, хоридин андиша қил.
Кимки келди бу чаманга, то гул узмай қўймади,
Лек ҳар вақт гул узарсан, халқ

Олтин лирос

хушини пеша қил.

Ёки:

Беижозат гулни узма, боадаб,
Сўра боғбондин, сенга қўйдим қадаб.

Ёки:

Кирса ҳар одам бу ерга гулни ҳаргиз узмасун,
Кўр хўкуздек сурканиб панжараларни бузмасун.

Янчғилаб гулни ҳамоқат дўконини тузмасун,
Ёш буқадек югуриб кўрган кишини сузмасун.

Кирса ҳар ким боадаблик таслимини бермасун,
Ибрат олмай ҳам хижолат бирла боғдин безмасун.

Исҳоқхон Ибрат октябр тўнтаришидан кейин халқни фаровон, мамлакатни обод қилишда шўролар ҳукуматига катта умид боғлади, ижодий иш билан бир қаторда жамоат ишларини олиб борди. Қишлоқни ободонлаштириш, маориф, таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилаш, янги мактаблар очиш, малакали ўқитувчи мутахассислар етиштириш, халқ фарзандларини мактабларга тортиш ишларида фаол қатнашди.

* * *

Исҳоқхон Ибратнинг сўнгги йиллардаги ҳаёти анча таҳликали ўтди. Биринчидан, қарилик, иккинчидан, 1935 йилдан эътиборан у ҳамма лавозимлардан бўшатилган, қарилик нафақаси ҳам тайинланмаган эди. Бунинг устига ҳукумат маъмурияти унга ишончсизлик билан қарар эди. Исҳоқхон Ибрат тепасида ҳам қатағон булутлари қуюқлашиб борарди. 1963 йилда Исҳоқхон тўранинг энг яқин шогирди Мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли (у кишини оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) бизга шоирнинг қамалиши олдидаги руҳияти ҳақида қуюниб гапирган эди:

«Минглаб ўзбек зиёлиларининг ёстуғини куритган Сталин қатағонининг энг даҳшатли кезлари — 1937 йилнинг илк баҳори. «Халқ душмани» деб кўплар қамоққа олинган, газета ва журналларда Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Эйбек ва бошқа ёзувчиларни «машҳур миллатчилар», «аксилинқилобчилар» сифатида қораловчи мақолалар кетма-кет босилаётган, тўрам (Исҳоқхон Ибрат — У. Д.) ҳам «тиқ» этса, эшикка қараб турган вақтлар. Бир куни мени уйларига чақириб қолдилар. Борсам, қиёфалари анча ташвишли. Салом-аликдан кейин мени машҳур кутубхоналарига олиб кириб дедилар:

— Қаранг, шунча китоб. Буларнинг қанчаси 1919-1920 йилларда нес-нобуд бўлди. Мана энди яна нотинчлик. Бу китобларнинг қанчаси кеча куни қамалган, қанчаси «халқ душмани» деб бадном қилинаётган ёзувчиларнинг асарлари. Буларни қандай йўқ қилиш мумкин? Ахир, булар халқнинг бебаҳо мулки-ку!

Тўрамнинг овози анча синиққан эди.

— Мана, мен ҳар эҳтимолга қарши, юзга яқин нозикроқ китобларни ажратиб қўйдим. Сиз уларни меҳмонхонанинг орқасига — қўшсинч орасига нобуд бўлмайдиган қилиб териб, деворни яна суваб қўясиз.

Мен китобларни кўздан кечирдим:

— Тўрам, мана булар Исмоилбек Гаспиралининг «Хўжаи сибён», Мунаввар Қорининг «Адиби аввал», Беҳбудийнинг «Асбоби таълими савод» алифболари. Ахир улар вафот этганларига бир неча йиллар бўлди, қолаверса, бу китоблар ёш болалар учун ёзилган.

— Азизим Мулла Искандар, болшовойларнинг мақсади фақат уларни жисман йўқ қилиш эмас, балки уларни ҳатто фарзандларимиз хотирасидан ҳам сидириб ташлашдир. Мабодо, Гаспирали, Беҳбудийлар шу кунларга етиб келганларида эди, биринчи навбатда уларни отар эдилар.

Мен тўрам айтганларидек, қўшсинчнинг гувалаларини тушириб, 2-3 қатор қуруқ пишиқ ғишт тердим ва устига китобларни тахладим. Бу воқеадан 1-2 ой ўтгач, тўрамни, кутубхонадаги ҳамма китобларни бир қора машинага босиб олиб кетишди. Ҳақиқатан ҳам, тўрам авлиё одам эдилар. Мана, ўша воқеага ҳам 27 йил бўлибди. Энди ўша хазинани очамиз».

* * *

Биз уч киши — Мулла Искандар домла, Исҳоқхон Ибратнинг ўғли Ротибхон Исҳоқов ва мен «Исҳоқия боғи»га йўл олдик. Афсуски, боғнинг фақат номи қолибди: деворлари нураб кетган, дарвозасининг икки томонига пишиқ ғиштдан кунгирадор қилиб ишланган устуни қолган, холос. Дарвозасини суғуриб олиб кетишган, фавворалар бузиб ташланган, минг хил гуллар тароват бериб турувчи гулзордан ҳеч вако йўқ. Бу боғ бир вақтлар Тўрақўрғон аҳолиси сайр қиладиган, ҳордиқ чиқарадиган сайргоҳ бўлганига ишонмайсан киши.

Биз Мулла Искандар домла кўрсатган жойни эҳтиёткорлик билан очдик, китобларни аста ола бошладик. Таажжубланарли жойи шундаки, бирорта китоб, оз бўлса-да, шикастланмаган, фақат саҳифалари сарғайган, муқовалари бир оз ишдан чиққан. Китобларнинг бу даражада сақланиб қолгани кўнгилларга андак таскин берди...

Қатағон Ватанимизнинг кўплаб фозил кишилари қатори Исҳоқхон Ибратни ҳам аждаҳодай ўз комига тортди. 75 ёшни қоралаган нуроний шоир-мутафаккир ҳибсхонанинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобларига бардош бера олмади. Унинг суди ҳам бўлмади, шўролар қамоқхонасида икки ой ётиб, ҳаёт билан видолашди.

Исҳоқхон Ибрат асримиз бошларида вужудга келган буюк фикрий уйғониш — жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили эди. Жадидчилик ҳаракати намояндалари Ватан истиқлоли, халқимизнинг мунаввар ҳаёти учун кураш олиб бордилар ва бу йўлда жонларини ҳам фидо қилдилар. Улар ҳаётини чуқур ва кенг ўрганиш ҳозирги кунда истиқлолни, Ватан озодлигини мустаҳкамлашда, халқимиз босиб ўтган оғир ва узун йўлни чуқур идрок қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Улуғбек ДОЛИМОВ

САРВАРИ ОЛАМ ИНОЯТИ

Азалият ҳукми қатъий: бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди — ҳамма нарса қачонлардир, қай тарздадир такрорланади. Чунки бу фоний дунёнинг ўзи шунақа, қайтариқлардан иборат. Ундаги ҳаётнинг шаклшамойили мавриди билан ўзгараверади, тирикликнинг мазмун-моҳияти эса ҳар гал асл ҳолича қолаверади. Одамзот энг мукаррам зот — Ер халифаси бўлиб яралибдики, мудом мана шу оддий жумбоқ устида бош қотиради, мудом мана шу сир-синоатлар замирига етишга интилади, шу мақсадда илму заҳмат чекади, таъбир жоиз бўлса, нина билан қудуқ қазийди. Бу борада баъзан унга табиатнинг ўзи ёрдамга келади, гоҳо арзимасдек туюлган воқеа-ҳодисалар буюк кашфиётларга доялик қилади. Бироқ ёруғ оламда шундай мўъжизалар ҳам борки, улар олдида инсон ақл-заковати ожиз қолади. Масалан, кафтингиздаги чизиқларга эътибор қилинг. Ундан «Аллоҳ» деган сўзни ўқий оларсиз. Ёки анча йиллар муқаддам бир одамнинг юрагида ҳам Аллоҳнинг исми битилгани аниқлангани ҳақидаги гапсўзларни эшитган чиқарсиз. Булар аслида нимадан далолат беради? Ҳар нарса қодир худонинг қудратидан эмасми?

Шубҳасиз, шундай! Борди-ю, кўнглингизда бошқа гумон бўлса, жумҳурият геология ва минералогия ресурслари Давлат қўмитасининг илмий ишлаб чиқариш ва ўқув маркази музейига бирров кириб ўтинг. Шунда яна бир ақл бовар қилмас ғаройиботнинг гувоҳи бўласиз. Тилсиз-забонсиз мўъжазгина тошларга боқиб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Негаки, бу маъданлар фавқулодда сирли-сеҳрлидир, фавқулодда илоҳийдир. Яна денг, улар етти йилча бурун



ўз заминимиздан — ҳов анави кўзга ташланиб турган Чотқол тоғи пойидан топилгандир. Бу ҳақда Марказ директори Рустам Гумирович Юсупов шундай ҳикоя қилади:

— Ўшанда Пском-Ойгаин дарёлари ҳавзасидан ўзим териб келтирган тоғ жинсларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилаётган эдик. Мана бу тошларни тарошлаётган маҳалимиз беихтиёр улар қатидаги ғалати тасвир-белгиларга кўзим тушди. Тошларни неча бор кессак, шунча марта бошқа-бошқа кўринишдаги битиклар пайдо бўлаверди. Рости, мен аввалига бунга унчалик эътибор бермадим. Чунки биз геологларга бунақа жинслар азалдан маълум. Улар дала шпати (мукаммал таркибли қотишма) билан чақмоқтошнинг ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Асосан Урал, Тиён-шон, Помир тоғларида учрайди. Фан тилида пегматитлар, соддароқ қилиб айтганда, ёзув гранитлари деб аталади. Бундай дейилишининг сабаби — маъданлар сиртидаги тасвир-белгилар баъзан ўтмишни ўрганишда асқотиб қолади.

Биз тошлар таркибини текшираётиб, кутилмаган хулосага эга бўлдик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уларнинг ёши тахминан 250 миллион йилга тенг бўлиб чиқди. Бу далил мени бирдан хушёр торттирди. Қизиқ-да, топилма ўта қадимий бўлса, боз устига, ўша даврда ҳали инсон яралмаган деб ҳисоб қилинаётган бўлса, бу қанақаси? Эҳтимол, манави тасвир-белгилар шунчаки табиий жараёнлар маҳсули эмасдир? Эҳтимол, уларнинг таҳлили илм-фан учун дунё тарихини янада чуқурроқ ўрганишда муҳим манба бўлар?

Мен шундай фикр-ўйда тошларни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти олимларига кўрсатдим. Мутахассислар обдан текшириб кўришди. Пировардида, тошлар қатида мукаммал араб алифбосининг барча ҳарфлари шакли борлигини, шунингдек, Сурия ва кўҳна сўғд ёзувига монанд айрим белгилар мавжудлигини аниқлашди. Шу асно тасвирларни чоғиштириб, «Аллоҳ», «Илоҳ», «илоҳий», «раббика иллоҳ», «Расululлоҳ», «Муҳаммад — Аллоҳнинг элчиси», «аёл», «янги», «рухсат этилсин» каби сўз - жумлаларни ўқишди.

Бу, турган гап, илоҳий мўъжиза эди. Назаримда, қодир Аллоҳ кейинчалик нозил бўлажак муқаддас китобимиз — Қуръони карим ҳарфларини ҳали одамзотни яратмай турибоқ табиат воситаси орқали унга иноъом этгандай, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо алайҳиссалом ҳақидаги хабарни тошларга мангу муҳрлаб қўйгандек эди.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам музейимизга ташриф буюрган малайзиялик нуфузли меҳмонлар бизни яна бир иноятдан воқиф этишди. Тошлардан бирига Қуръоннинг «Қадр» сураси битилганини айтишди...

Рустам Гумирович шундан буён муқаддас тошларни алоҳида жойда кўз қорачиғидек асраб-авайлайди. Ҳар кимнинг ҳам қўлига тутқазавермайди, ҳатто, ихлос билан уларнинг ёнига Қуръонни келтириб қўйган. Кўпни кўрган кекса олимнинг бу иймон-эътиқодини тушунса бўлади. Аммо кишини бошқа бир нарса ҳайратга солади: одатда мутахассислар араб ёзувининг аслиятини қадимги Миср ёзувига қиёслашади, бу алифбога жам бўлган ҳарфларни ўша кўҳна товуш белгиларининг бироз ўзгартирилган кўринишидеб ҳисоблашади. Агар ростданам шундай бўлса, 250 миллион йиллик тошлардаги битик-тасвирлар хусусида нима дейиш мумкин? Инсон тафаккурининг эмас, илоҳий қудрат меваси бўлмиш бу белгилар аслида, Рустам Гумирович айтмоқчи, ҳақиқатдан ҳам араб ёзувининг келиб чиқишига асос бўлмаганмикин? Бу сир-синоатни қай бир донишманд тушунтириб, қай бир зукко олим исботлаб бера олади?

Бунисини билмадим, фақат бир нарса аниқ: Худога ширк келтириб бўлмайди. Ёлғиз Угина ҳамма нарсани билгувчидир, ёлғиз Угина бутун оламнинг яратгувчиси — сарваридир! Исбот талаб қилмайдиган энг оддий ва энг буюк ҳақиқат аслида мана шудир!

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Эл кўзидаги одамлар

ОЗОДЛИК ИЛҲОМИ

Ижодни ярим аср самарали давом эттириш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунга сабр-қаноатли ва ўз касбига ўта фидойи кишиларгина эришишлари мумкин.

Ҳамид Зиёев Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтига 1946 йилда илк бор қадам қўйган эди. 1953 йилда «Шарқий Туркистонда 1826 йилги халқ қўзғолони» мавзуида номзодлик, 1964 йилда «XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё ва Сибир алоқалари тарихи» бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳ. Зиёев аспирантурадан кейин кичик ва катта илмий ходим вазифасида ишлади. У 1964—1996 йилларда институтнинг «XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Ўзбекистон тарихи» бўлимига бошчилик қилди. Айни пайтда 1964—1985 йилларда Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлди.

Олим олий ўқув юртларида қадимги Шарқ, Греция ва Рим, Марказий Осиё тарихи бўйича дарс олиб борди.

У иккинчи жаҳон урушининг қатнашчисидир.

Узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган олимнинг илмий фаолиятига назар ташлайлик.

Ҳ. Зиёев «Ўзбекистон тарихи»нинг 1974 йилги нашрида сарбадорлар, Амир Темур давлати, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларига таллуқли бобларни қаламдан чиқарди. Унинг бевосита раҳбарлигида энг қадимги вақтлардан то 1917 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олган «Тошкент тарихи» яратилди (1988). Олим бу китобнинг «XVIII-XIX асрнинг 60-йилларида Тошкент» ва « XVI-XIX асрларда Россия ва Тошкент алоқалари»га доир қисмларини ёзди.

Ҳ. Зиёев XVI-XIX аср ўрталарида Туркистон билан Россия ўртасидаги алоқалар тарихини ўрганишга кўп куч-қувват ва билимини сарфлади. У Москва, Санкт-Петербург, Оренбург, Астрахан, Қозон, Уфа, Перм, Нижний-Новгород, Свердловск, Ирбит, Омск, Томск, Тюмен, Тоболск, Олма ота, Тошкентда сақланаётган архивларда ишлаб қимматли маълумотларни қўлга киритди.

Олим жуда бой архив ҳужжатлари асосида муҳим тадқиқотлар яратди. Унинг «Ўрта Осиё ва Сибир», «Ўрта Осиё ва Волга бўйлари», «Ўрта Осиё ва Ўрол бўйлари», «Экономические связи Средней Азии Сибирью», «Сибирлик ўзбеклар», «Узбеки в Сибири». «Волга ва Ўрол бўйидаги ўзбеклар» сингари асарлари тарих фанига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Ўз даврида улар кашфиёт деб баҳоланди.

Олимнинг ишларидан шу нарса маълум бўлдики, ўзбеклар Сибирда биринчи бўлиб буғдойни иқлимлаштирган ва ҳунармандчиликнинг муҳим тармоқларини ҳаётга тадбиқ этганлар. Волга ва Ўрол бўйларида ҳам тарвуз, қовун, ва бошқа деҳқончилик экинларини иқлимлаштирган ўзбеклардир. Булардан ташқари улар ислом дини, дипломатия ва савдо ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Ҳ. Зиёев кўп йиллар мобайнида Туркистонга Россия тажовузларининг бошланиши ва кенг қулоч ёйиши тарихини чуқур ўрганди. Бу мавзуда унинг биринчи иши 1966 йилда чоп қилинган эди. Унда тошкентликларнинг рус босқинига қарши қаҳрамонона жангларини ёритди

Ҳ. Зиёев асарларида мустамлакачилик сиёсати ва истибдод, миллий тил ва маданиятнинг оёқости қилиниши, Туркистоннинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши сингари оғир фожиали воқеалар теран тадқиқ этилган.

Олим миллий озодлик ҳаракатларини ёритишга алоҳида аҳамият берди. У Шарқий Туркистондаги ҳаракатлар, Туркистонда 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги қўзғолонларнинг сабаблари ва ривожланишини қунт билан ўрганиб, сермазмун ишлар эълон қилди. Олимнинг раҳбарлигида «XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда миллий-озодлик ҳаракатларининг тарихи» (1989) китоби чоп этилди.

Мустақиллик ва озодлик Ҳ. Зиёев ижодига янги тўлқин бағишлади. Кейинги йилларда у илҳом ва ғайрат билан қалам тебратиб, мустақил давлат манфаатларини ҳар томонлама кенг ёритиш, таҳлил қилишга бағишланган долзарб асарлар, илмий публицистик мақолалар яратди. Ларда озодлик бахтини тараннум этди. Мустақиллик қадриятларининг халқ орасида чуқур илдиз отиши учун жон куйдирди. Уларда Республика раҳбарияти билан халқнинг мустаҳкам бирдамлиги мустақиллик ва озодликнинг гарови эканлигини алоҳида уқтириб ўтди. «Ҳозирда қўлга киритилган тарихий ютуқларни барбод бўлишига йўл қўймайлик. Мустақиллик ва эркинликни шахсий манфаатлар ва ўзаро низолардан устун қўйиб, биргаликда курашни мардонавор давом эттирайлик. Мен шахсан Президент Ислом Каримовни ўзи бошлаган буюк ўзгаришларни охиригача етказишига ишонаман. Келинг, азизлар, Президент атрофига метиндек бирлашайлик», деб ёзди олим. Унинг «Боболар ўгити», «Марказий Осиё истиқболи», «Совет даврида қандай тузум ҳукм сурган», «Қурашларда чиниққан халқ», «Фахримиз ва ғуруримиз», «Мукаддас бурч», «Буюк ўтмиш ва тараққиёт ватани», «Тарих синовидан ўтган тизим», «Ҳаёт рамзи», «Ортга қайтиш йўқ», «Буюк ҳаётий воқеа», «Занжирбанд ҳукмдор», «Найранг» ва бошқа ишлари давримиз кишисининг тарихий онгини шакллантиришда муҳим омил бўлди.

Ҳ. Зиёевнинг мустақиллик, тинчлик ва барқарорлик ғоялари билан суғорилган бу каби ишлари, миллий мафкурамиз саҳифаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Мустақиллик йилларида олимнинг 80 дан кўпроқ ишлари чоп этилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ҳ. Зиёев меҳрибон ва талабчан устоз. Унинг раҳбарлигида 40 га яқин киши фан доктори ва номзоди илмий даражаларига сазовор бўлдилар.

Ярим аср давомида илм кудуғини қазиб Ҳ. Зиёев устоз ва мураббий сифатида обрў ва ҳурмат қозонди. Олимнинг 50 йиллик илмий фаолияти шундай хулоса чиқаришга тўла асос беради.

Бўрибой АҲМЕДОВ,
академик,
Хондамир ҒУЛОМОВ,
ТошДУ тарих факултети декани, тарих фанлари номзоди

Хотира лавҳалари

Бир муҳаббат истаган...

Рассом О. Восихонов

1934 йилда мен институтни битириб, бир йил муҳандис бўлиб САНИИРида, кейин САГУнинг ижтимоий фанлар факултетида математика муаллими бўлиб ишлар эдим. Шу факултетда илгари Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида ўқиган Ойбек Тошмуҳаммедов ҳам сиёсий иқтисод муаллими бўлиб ишлар эдилар. Бир мактаб тупроғини ялаган, бирга таҳсил кунларини кечирган бўлганимиздан танаффус вақтлари учрашиб, техникум ҳаётига оид мавзуларда суҳбатлашардик.

Техникум мудири Шаҳид Эсон афанди у кишига ҳамиша меҳрибонлик ва раҳнамолик қилиб келганини Ойбек домла миннатдорчилик билан эслар эдилар.

Техникумда «Бизнинг фикр» номида деворий газета чиқар, унинг муҳаррири Субутой Долимов эди. Ойбек унинг ҳар сонида шеърлар ёзиб турар эди. Бундан ташқари, «Тикан» номида ҳажвий газета ҳам чиқар эди. Ойбек билан шу газеталар ҳақида ва техникумдаги ёшлар ҳаёти ҳақида фикрлашардик. Ойбек ёшлар ячейкасига котиблик ҳам қилганини сўзлар эди.

Кейин Ойбекнинг шеърлар тўплами чиқди, унда шундай сатрлар бор:

Кўлимда бир кичик соз,
Пардасидан баъзан оз
Ёниқ, титроқ бир овоз
Кўлкаланиб учади.

Бир куни навбатдаги суҳбатимизда ҳозирги шоир ва адиблар ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни айтдилар. Кейин: «Сиз техникумда шеърлар машқ қилар эдингиз ва "Бизнинг фикр" деворий газетасида чиқиб турар эди. Ҳозир ҳам машқ қилиб турасизми?» — деб сўрадилар. Мен: «У вақтда ёшлик ва ҳаваскорлик бор эди. Ҳозир мен техника соҳасида муҳандис ва математика (риёзиёт) муаллими бўлиб кетдим. Лекин адабиётни севаман, адабиёт муҳибиман. Адабиёт соҳасида янгиликлар бўлса, қизиқиб билгим келади. Китобларни ўқийман, вақт топаман», — дедим.

Кейин Ойбек домла: «Деворий газетада бир шеърингизни ўқиган эдим. Ҳозир ёдимда йўқ. Биринчи сатри «Оқшомди, хаёлим сизга боғланди», деб бошланган эди. Давомини эслатинг», — дедилар. Мен: «Бир эслаб кўрай-чи», — деб қуйидаги сатрларни ўқидим:

...Ўртанган юрагим яна боғланди,
Ўйладим, эсладим, ғовли йўлдаман,
Ётай деб бўйнимга жафолар олдим,
Боғларда юраркан, эвоҳ, чўлдаман,
Бахтимни кўнгилга ошносиз билдим...

«Ойбек ака, ёшлик ғурури билан ҳавас қилиб ёзган машқлар эди, ёддан ҳам чиқибди», — дедим. Кейин: «Ойбек ака, Чўлпоннинг нашр этилмаган «Толо йўлларида» номли шеърлар тўпламини кўрдингизми? — дедим. Шоир: «Кўрганим йўқ, лекин шу ҳақда эшитдим. Бундан сиз хабардормисиз?» — дедилар. Бу тўплам қўлёзмаси менда борлигини, бўш вақтларимда ўқиб туришимни айтдим: «Ёдингизда борларидан бириккисини ўқиб кўринг», — дедилар. «Хўп», деб қуйидагиларни ўқидим:

Севги сусаярмикан,
Ўти пасаярмикан.
Ёки илинчак кўнглим
Ёниб кексаярмикан.

*

Кўнглимга ишонмайман,
У мени адаштирди,
Кўп довонлар ошдирди,
Қарши ҳам боролмайман.

*

Менга эгадир кўнглим.
Бошлаган йўли йўлим,
ҳаммаси ўшаники.

Бир синиқ шишаники.

*

Кўнглим яна илинди,
Бир бевафо этакка.
Бир сержафо чечакка,
Илинди-да, тилинди.

*

Амал қайда, тилак қани, билмайман.
Эсим, ҳушим ўшанда.
Чўлпон яна шарманда,
Шармандаман, шармандаман,
шарманда.

Бир асир банда.

«Бундай шеърлар қўлёзма тўпламида кўп», — деб қўшиб қўйдим. Кейин шоир: «Шу тўпламни бир кўрай, уч-тўрт кунга бериб туринг», — дедилар. Ваъдалашдик. Айтилган куни келтирдим ва қўлларига бердим. Ҳафта охирида қайтариб бердилар ва дедилар: «Мен бу асарни кўрмаган эканман, раҳмат сизга, сиз туфайли танидим. Сиз қаердан олдингиз?» — дедилар. Мен: «1927 йили, сизлардан кейин техникумни битиргач, синфдошларимдан уч-тўрт киши Бухорога боришганда Чўлпон билан танишишган, у шу қўлёзмани кўчириб олишга битирган. Мен синфдошлардан олиб ўзимга кўчириб чиқдим», — дедим. Шоир танишиб чиққанларидан хурсанд бўлиб, миннатдор эканликларимни айтдилар ва ўртамизда қолсин, дедилар. Мен: «Албатта, Ойбек ака, мен ҳам шароитни ва сизнинг мавқеингизни тушунаман», дедим. Шу учрашувларимизда менинг оилавий аҳволим тўғрисида ҳам қайғурдилар, чунки мен бўйдоқ эдим, рафиқам вафот этган эди. Мен шоирнинг турмуш ўртоқлари Зарифахоним билан бир синфда ўқиган эдим. Ҳаттоки улар менга турмуш қуриш учун бир кимсани тавсия этдилар, лекин тақдир эмас экан, бўлмади. Шоир ўйлаб гапирадиган, андишали, раҳмдил инсон эдилар. Қаттиқ ҳурмат қилардик. Эсон афанди ҳам яхши кўрар эди. Адабиёт дарсида «Келгусида улуғ шоир бўлувчи талабамиздан умидимиз катта, илойим соғ бўлсин», деб дуо қиларди. Биз ўқувчилар, «техникумимиз фахри», деб ифтихор қилардик. Халқимизда «Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим» деган мақолнамо гап юради. Ҳаётда бу ҳол кўпроқ учрайди. Эсиз, эсизки, шундай олижаноб инсон барвақт қазо қилдиларки, бунга баъзи ижтимоий ҳоллар ҳам таъсирсиз қолмади. Лекин тарих унутмайди. Ҳамма вақт яхши алқаб, эслайди.

Домла Чўлпон ижодига қизиқиб қарардилар, бир кун: «Чўлпоннинг эълон қилинмаган шеъридан яна борми?» — деб сўрадилар. Мен: «Иккита шеъри бор, бири «Зафаб кечаси», иккинчиси «Уйқу» номли» дедим. «Зафаб кечаси» ёшлик ҳаваси билан ёзилган бўлиб, қуйидагича бошланади:

Кўзларингди, кўзларимда бир
муҳаббат истаган,
Лабларингди, лабларимни кел
бери деб қистаган.
«Уйқу» шеърида шунда сатрларни
учратамиз:
Жим туринг, шовқинламан, уйқу
ичида бир пари,
Юрма, тик тур эй шамол, юрсанг-да
юр бироз нари.

Бу иккала шеърни Ойбек домла мендан олиб эртасига қайтариб бердилар. Ўқув йилида деярли ҳар куни кўришар эдик. Институтдан кетгач (1935 йили) кўришиш бўлмади.

Қодир НОРХЎЖАЕВ

ЁДЛАСА АРЗИРЛИ ТУЙҒУЛАР

Яхши шеър ғуборли ер юзини ювиб тозалаб турғувчи ёмғирга — раҳматга ўхшайди. Ундан баҳра ола билган инсон қалби ёмғир ювган оламдек тиниқлашади. Ботинидаги қуёш чиқиши билан эса у ўз кўнгил камалагини томоша қилиши мумкин.

Яхши шеърда фикр бўлиши мумкин, бироқ у фикрдангина иборат ҳолда қололмайди. У бундан бойроқ. «Лирикадаги поэтик образ фикр билан туйғуни узвий бирикишидан туғилади», дейди Озод Шарафиддинов. Аслида, шеъриятнинг мағзи маъно эмас, фикр — ақл эмас, балки гўзалликка айлана билган туйғудир. (Бундан шеърият фикрдан ҳоли деган хулоса чиқармаслик керак). Кўпинча, шеърнинг сўзларини ёқтириб ёдлашади. Аслида-чи? Аслида шеърнинг ҳақиқий олови, қучу қудрати — унинг замиридаги туйғуда. Назаримда аввало, туйғуни ёдлаш керак. 30-йиллар поэзиясида худди ана шундай — ёдланишга арзирли туйғулар мавжуд. Туйғу гўзалликдан ёки гўзаллик сари интилишдан туғилади. У энг камида мусаффо осмонда чарх уриб ўйнаётган эркин қуш янглиғ парвоз қилишни истайди. Бу ўринда «гўзаллик»нинг маъноси «чиройлилик» маъносидан тасаввур қилиб бўлмас даражада кенг.

Йўлчиман, манзилим
денгиздан нари,
Ложувард уфқнинг
тубига яқин.
Кўнглимда дардларим
дарёдек оқин,
Чайқалар кўзларим
тикилган сари.
О, йўллар!
Чу, қора тойчоғим! Чу,
қора йўрғам!
Муродга қасд қилиб
югурган етур.
Бўронни севмаса, дил
нечун тепур?
Тириклик не керак
бемеҳнат, беғам?!
Чу, қора йўрғам!

Бир қарашда бу шеърда кўзга ярқ этиб ташланадиган жиҳат, масалан, ўзига хос ташбеҳ йўқ. Унинг сўзларини ғўё ҳис-ҳаяжонли қалб ҳолида ҳам айтиш мумкиндек. Шундаймикан? Фикримча, Усмон Носирнинг бу шеъри Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда унинг «илҳомий шоир»лик қиёфасини очиб берувчи туйғу асосига қурилган. Шеърни ўқигач, ҳассос ўқувчи қалбида оҳангдор сўзлар эмас, туйғу — шоирни денгиздан ҳам нарига, ложувард уфқлар тубига яқин жойларга бошловчи қудрат қолади. Унинг бўронни севишию, меҳнату ғамга қучоқ очишининг ўзиёқ яна битта шеър — бемисл туйғу. Гўзаллик худди шу туйғудан яралади. Шеърнинг жони ҳам удир, агар туйғу яшар экан, сиз уни насрда изҳор этсангиз ҳам шеърнинг қиммати тушмайди. Зотан, ҳақиқий шеър — бу ўлмас туйғу. Ёрқинроқ идрок қилиш учун Олим Отахоннинг «Қисмат»ига бир қарашнинг ўзи кифоя. «Қисмат» шеър эмас, ҳикоя. Бироқ унинг ҳам мағзи туйғудан бошланади ва туйғуда яшайди... Хўш, бу туйғу нимадан иборат? Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романида асар қаҳрамони (Мартин) онгли равишда ўз жонига қасд қилади. Бунинг учун у уммон бағрида сузиб кетаётган кемадан ўзини сувга отади. «Мартиннинг оқ баданини кўриб сузиб келган қилич балиқ унинг баданига санчилди, Мартин кулиб юборди. Оғриқ унинг нима учун сувга тушганини эслатди. У сувдан сузиб чиқишга урониб, асосий мақсадни унутиб қўйган эди. «Марипоза» чироқлари узоқда кўздан ғойиб бўла бошлаган эди, Мартин эса, гўё бу ердан юз мил наридаги энг яқин соҳилгача сузиб етмоқчи бўлгандай ҳамон сузиб борарди.

Бу ғайриихтиёрий ҳаёт инстинкти эди. Мартин сузишни тўхтатди, лекин ўзигга сув кириши билан яна қўлларини ишга солди. «Ҳаётга иштиёқ», деб ўйлади у ва заҳарханда қилди. Ҳа, у иродали одам, унинг астойдил ҳаракат қилиб, ўзини йўқ қилишга етарли даражада мустаҳкам иродаси бор.

Мартин сувда тик турди. У сокин булутларга тикиларкан, айни вақтда ўпкасидаги бутун ҳавони чиқариб юборди. У сув қаърига тезроқ чўкиш мақсадида қудратли қўл ва оёқларини тез ҳаракатга келтириб, сувдан белигача кўтарилди. У теран сув тубига мисоли оқ мармар ҳайкалдек қимир этмай чўкиши лозим. Мартин сув остига тушгач, нафас олиб, ичига сув торта бошлади, бу ҳаракати билан у, тезроқ ҳушдан кетиш мақсадида наркотик дорини ичига тортган беморни эслатарди. Лекин сув томоғига кириб, уни бўға бошлаган эди, у беихтиёр, инстинкт кучи билан сув бетига сузиб чиқди ва боши узра порлоқ юлдузларни кўрди...»

Ҳа, инсон ҳаётдан қанчалик тўймасин, ўлимни қанчалик истамасин, барибир, унинг ўзига бўйсунмаган ботиний бир куч таъсирида яна ва яна ҳаёт сари талпинади. Мазкур истакни енгиш инсоннинг имкон доирасида ҳам, унинг ихтиёрида ҳам эмас. Бу истак инсон моҳиятига дахлдор ва у ўз табиатига кўра фақат ҳаёт томон талпинади. Олим Отахоннинг мусичаси ҳам қанчалар ожиз, қанчалар бечораҳол бўлишига қарамай, унинг бағрида яшашга бўлган иштиёқ шунчалар тирик, шунчалар кучли! «Шу топда, мана шу совуқ, коронғи уйчада аста-секин ўлаётган заиф қушчанинг яшагиси келиб қолганди. Ҳеч қачон бунчалик яшагиси келмаганди! Қанийди, яна бир соат яшаса!»

Эртасига бу ерга кириб келган ўн тўрт ёшлардаги болакай «...кўз олдида гавдаланган манзара чиндан ҳам ҳайратомуз эди: ағдарилиб ётган ҳавоза устида қотириб қўйилгандек бир чиройли мусича қимир этмай турар, ерда эса яна уч-тўртта мусичанинг тарашадек қотган ўлиги, остонада эса момиқ патлар сочилиб ётарди.

Ҳавозадаги мусича тирикдек, бола сал эҳтиётсизлик қилса учиб кетадигандек эди...» Қариликдан, совуқдан, дарбадарлигу оч-наҳорликдан... барча мусибатлардан қатъи назар, мусичанинг юраги яшашга — ҳаётга талпинади. Унинг ҳавоза устида худди учиб кетишга шай тургандек алфозда ўлиб қолиши, умуман, унинг шу ондаги суврати — ҳаёт ҳақида куйланган гўзал қўшиқ. Адабиётнинг кучи айнан мана шунда. Яъни адабиёт ўлик мусича сувратини тақдим этаркан, биз ҳеч иккиланмасдан уни юрагимизга яшарамиз. Чунки мусича қишда, қаҳратонда оч-ночор жон бераркан, қалбида ҳаётга бўлган иштиёқ — туйғу ўлмаган эди. Уни «ҳай» деса учиб кетишга шай алфозда қотиб қолишига омил бўлган куч — ана шу иштиёқ, улуғ туйғу! Жонсиз мусичанинг ҳавозадаги сўнгги суврати ҳаёт номига қўйилишга муносиб ҳайкал!

Назаримда, ўлик мусичанинг сўнгги суврати англаш — англатиш мушкул бўлган туйғу орқали гўзал бир оламга ишорадир. Усмон Носирнинг «Йўлчи», Ойбекнинг кейинроқ ёзилган «Хастамен» деб бошланувчи шеърлари ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин:

Хастамен... Фикрга,
туйғуга тўлиб —
Ой менга ҳамқадам —
сокин юрамен.
Соғайсам бир куни
ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни
қўшиб ёзамен.

Маълумки, Ойбек узоқ вақт — ўн етти йил давомида оғир дард билан олишган. Одатда, касаллик худди қафасдай беморни ҳар тарафдан қисади, жисми ва руҳидаги яшовчан кайфиятни сўлдиради. Натижада, соғайиш — айниқса, бундай узоқ чўзилган хасталикдан сўнг — ҳаётга янгидан қайтиш маъносига келади. Қуйидаги мисралар қатига сингдирилган умид ҳам камида мусичанинг яна атиги бир соатгина яшаш ҳақидаги орзусига тенг:

Кечалар юрурмен
телбадай ҳориб —
Бошимда ой борур —
менга ҳамқадам.
Хаёллар учади
машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакмен бир
кун соғайсам.

Тўртала асар ҳам кўринишдан бошқа-бошқа туюлса-да, улар замиридаги ҳаётга талпинган туйғулар бири иккинчисини давом эттиради, тўлдиради. Туйғулар силсиласининг ўзи бир олам. Шундай оламки, кишини ҳамиша ўзи томон чорлайди, ўзини бахшида қилади. Туйғуларни яшаб ўтиш мумкин, бироқ уларни тугатиб бўлмайди. Туйғуларнинг ҳар биттаси инсоннинг ҳар бир кунидек бошқадир, янгидир, сирлидир...

Улуғбек АБДУВАҲОБ

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0180.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Абдунаби ҲАЙДАРОВ
1 2 3 4 5 6